R 496
1984/8

ГУЛИСТОН

8
1984



1

2

Ленин ва Меҳнат Қизил Байроқ орденли Чирчиқ Электр кимёси саноати ишлаб чиқариш бирлашмасида:

1. Янги цехнинг умумий кўриниши. 2. Учинчи даражали Меҳнат Шуҳрати ордени нишондори, 62-участканинг пайвандчи-қолипловчилар бригадаси бошлиғи Шарофат Йўлдошева. 3. Ишга. 4. Оператор Нигора Турдиева.

Т. Горяева фотолари

3

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

ГБ УзССР

1984 йил 23 июнь куни Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг XVI пленуми бўлди. Пленумда «Партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети 1984 йил Февраль ва Апрель пленумларининг қарорлари ҳамда КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ К. У. Черненко йўл-йўриқлари асосида партия ва давлат интизомини мустаҳкамлаш, кадрлар билан ишлашни яхшилаш соҳасида республика партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида»ги масала кўриб чиқилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ И. Б. Усмонхўжаев доклад қилди.

Музокараларда Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов, Тошкентдаги Октябрь революцияси номли завод электр слесари Н. М. Железнов, Сариосиё районидаги «Коммунизм» Агросаноат ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Б. Омонов, Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министри И. Х. Жўрабеков, Қашқадарё область партия комитетининг биринчи секретари Н. Т. Туропов, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси Н. Ж. Худойбердиев, Навоий Кон-металлургия комбинатининг директори А. А. Петров, Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси В. А. Головин, Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари Р. Ашуралиев, Главташкентстройга қарашли 159-қурилиш трести партия комитетининг секретари И. В. Прасолов, Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари Қ. Камолов, Ғиждувон район партия комитетининг биринчи секретари С. Ғаниева, Наманган область партия комитетининг биринчи секретари Н. Р. Ражабов, В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг ректори С. Ҳ. Сирожиддинов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Ҳ. Абдуллаева, Жиззах область партия комитетининг биринчи секретари Ҳ. А. Шоғазатов, Фарғона Тўқимачилик комбинатининг мастери Н. И. Ермолаева, Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг раиси П. Қаюмов, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Б. Алламуродов ўртоқлар қатнашдилар.

Пленум ишида КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Е. К. Лигачев қатнашди ва нутқ сўзлади.

Пленум муҳокама этилган масала юзасидан кенгайтирилган қарор қабул қилди.

Пленум ташкилий масалаларни кўриб чиқди.

Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетининг раиси ўртоқ В. А. Хайдуров Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси аъзолигига кандидат қилиб сайланди.

Ўртоқ В. Г. Кретов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети маъмурий органлар бўлимининг мудири, ўртоқ З. Ҳайдаров Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ишлар мудири қилиб тасдиқланди.

Пленум ишида КПСС Марказий Комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудирининг ўринбосари ўртоқ К. Н. Могильниченко, КПСС Марказий Комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлими секторининг мудири ўртоқ В. И. Смирнов, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходимлари В. М. Легостаев ва И. Е. Пономарев ўртоқлар иштирок этдилар.

Шу билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми ўз ишини тамомлади.

Ҳаёт тақозоси

Социалистик жамиятимиз кишисининг маънавий камоли унинг Ватан куч-қудратини мустаҳкамлаш, халқ фаровонлигини доимий суратда ўстириб бориш, жаҳонда барқарор тинчликни таъминлаш йўлидаги изчил фаолиятида тобора ёрқинроқ ва равшанроқ намоён бўлмоқда. Шонли Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVI съезди, унинг кейинги Пленумлари қарорларини ҳаётга қатъият билан татбиқ этаётган халқимиз ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётнинг барча соҳаларида самарали ютуқларни қўлга киритмоқда. Булар кундалик фаолиятимизда партиянинг ижодий, актив ишлаш, ишлаб чиқаришни интенсивлашни кучайтириш, хўжалик юритиш методларини такомиллаштириш, мавжуд ресурс ва имкониятлардан фойдаланишнинг янги, янада самаралироқ йўлларини қидириш, давлат, ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш тўғрисидаги йўл-йўриқларига оғишмай риоя қилинаётганлиги натижасидир.

Совет кишилари ўзларининг меҳнат жабҳаларидаги фаолиятларида давлатимиз қудратини янада мустаҳкамлаш ва халқ фаровонлигини оширишнинг асоси бўлмиш социалистик экономикани ҳар томонлама ривожлантириш йўлини чуқур англаган ҳолда партиямизнинг бу борадаги сиёсатини сидқидилдан қўллаб-қувватламоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Константин Устинович Черненко алоҳида таъкидлаганидек: «Социал программаларимизни амалга оширишда муваффақиятли равишда олға силжиш учун экономикани ва аввало унинг самарадорлигини барқарор, узлуксиз ўстириш зарур». Юксак даражада ривожланган, самарали ишлаб турган агросаноат комплекси совет халқи фаровонлигини оширишнинг, бутун халқ хўжалигини мустаҳкамлашнинг ҳал қилувчи шартидир. Шунинг учун ҳам партиямиз қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни иқтисодий вазифагина эмас, балки биринчи даражали социал-сиёсий вазифа ҳам деб билмоқда.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ГУЛИСТОН

Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитетининг
ойлик ижтимоий-сиёсий,
адабий-бадиий журнали

№ 8 (414)
Август
1984

Эне. №2

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитетининг нашриёти

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси қарорига биноан Москвада бўлиб ўтган агросаноат комплекси проблемаларига бағишланган Бутуниттифоқ иқтисодий кенгаши мамлакат халқ хўжалиги аграр сектори самарадорлигини ошириш тўғрисида партиямиз кўрсатаётган ғамхўрликнинг янги ёрқин ифодасига айланди. Кенгашни очишда сўзлаган нутқида ўртоқ К. У. Черненко партия ташкилотлари, агросаноат комплекси ходимлари олдида турган вазифалар моҳиятини чуқур ифодалаб берди.

Ҳамма жойда хўжалик ҳисобини, меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг илғор формаларини, айниқса, коллектив пудратни жорий қилиш учун, иқтисодий тежашни кучайтириш, меҳнат унумдорлигини муттасил ошириш ва маҳсулот таннархини камайтириш учун зарур бўлган ҳамма ишлар албатта амалга оширилиши кенгаш қатнашчилари томонидан қайд этилди.

Партия Марказий Комитетининг 1982 йил Май пленуми йўл-йўриқларини, партия ва ҳукуматимизнинг агросаноат комплексига тааллуқли махсус қарорларини амалга ошира бориб, КПСС XXVI съезди, мамлакат Озиқ-овқат программаси олға сурган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш учун қулай иқтисодий шароитлар вужудга келтирилди. Бунинг натижасида колхозлар ва совхозлар фаолиятининг иқтисодий кўрсаткичлари ўсиб, уларнинг экономикаси сезиларли даражада мустаҳкамланди. Моддий имкониятлар ортишининг қонуний натижаси ўлароқ, қишлоқда социал ўзгартишлар суръати жадаллашди.

Совет Иттифоқи яхлит халқ хўжалик комплексининг таркибий қисми ҳисобланган Ўзбекистон ССРнинг аграр секторида ҳам КПСС Марказий Комитетининг бу борадаги қарорлари ва йўл-йўриқларига мувофиқ жиддий ташкилий, иқтисодий ва социал тадбирлар амалга оширилди ва оширилаётир.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг қутлуғ 60 йиллигини нишонлаш арафасида турган республикамиз меҳнаткашлари социалистик турмуш берган афзалликларнинг ҳаммасидан чинакамига баҳраманд бўлган ҳолда матонат ва фидокорлик намуналарини кўрсатмоқдалар. Эришилган маррани янада мустаҳкамлаб, янада олға интилиш, бугун кечагидан, эртага бугунгидан яхшироқ самараларга эришиш ҳаётий зарурат, партиявий талаб бўлиш билан бирга бу туйғу меҳнаткашларимизнинг маънавий эҳтиёжига айланди. Чунки ҳамма соҳаларда бўлгани каби қишлоқда ҳам ўз касбини ардоқлайдиган, ташкилотчиликни тадбиркорлик билан уйғунлаштира оладиган кадрлар етишиб чиқди. Деҳқон меҳнатини ғоят енгиллаштирадиган машина ва механизмлар, минерал ўғит ва бошқа кимёвий дорилар колхозчилар ва совхоз ишчилари ихтиёрида; аграр фан кашфиётлари, синовдан ўтган тавсиялар улар учун ҳамиша мададкор. Партиямиз даъватларини ўзларининг қалб амри деб билган ана шу фидокорларнинг меҳнати туфайли аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига, саноатнинг аграр сектор хом ашёсига тобора ортиб бораётган талаблари тўкисроқ қондирилаётир. Ерни эъзозлаш, меҳр билан уни парвариш қилиш, ҳосилдорликни муттасил ошириб бориш, фан ва илғор тажриба ютуқларини изчиллик билан жорий этиш қишлоқ аҳлининг муҳим фазилат белгиларига айланди.

Халқимизнинг матонати туфайли агросаноат комплекслари ва бирлашмаларини ташкил этиш, Озиқ-овқат программасини амалга ошириш, хўжалик юритишнинг пудрат усулини янада кенгроқ жорий этиш жараёни тезлашмоқда. Меҳнатга муҳаббат, она-Ватан ва коммунистик ғояларга садоқат кишиларимизнинг илҳом манбаига айланиб қолганлиги бежиз эмас. Шунинг учун ҳам агросаноат комплекси проблемаларига бағишланган Бутуниттифоқ кенгашида кенг омманинг мададкорлиги, унинг жамият олдида пайдо бўлаётган проблемаларни ҳал этишда фаол қатнашиш истаги энг муҳим резерв тарзида эътироф этилди.

Коммунистик истиқбол сари қатъият билан олға силжиб бориш жараёнида, кўпдан-кўп мураккаб муаммоларни ҳал этиш пайтида баъзан йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонлардан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Уларни хаспўшлаш эмас, балки ишнинг кўзини яхши билган ҳолда бартараф этиш йўлларини партия ҳамиша ўргатиб келаётир.

КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил Июнь пленумидан кейин ўтган вақт ичида иқтисодий ва маънавий ҳаётимизда жуда муҳим ўзгаришлар юз берди. Аввало, янги кишини маънавий камол топтириш соҳасида олиб борилаётган ишларимиз собит қадам ва конкрет характер касб этди. Партия инсон шунчаки муайян билимлар йиғиндиси соҳиби бўлибгина қолмай, балки, аввало социалистик жамият граждани, унга хос ғоявий йўл-йўриқларга, ахлоқ ва қизиқишларга, юксак меҳнат ва хулқ-атвор маданиятига эга бўлган коммунизмнинг актив қурувчиси бўлиб тарбияланишига эришмоқда.

Айни пайтда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми меҳнат коллективларида ишни издан чиқарадиган, кадрларнинг масъулиятини сусайтирадиган, уларни хўжасизликка ва масъулиятсизликка одатлантириб қўядиган ҳар қандай салбий практикага чек қўйиш лозимлигини уқтирди. Бутун диққат-эътибор халқ хўжалиги ва маданиятни ривожлантиришнинг Ўзбекистон Компартияси XX съезди белгилаб берган энг муҳим масалаларига, республикани комплекс социал-иқтисодий ривожлантиришнинг илмий асосланган ечимларини чуқур таҳлил қилиб, ишлаб чиқишга қаратилиши шарт.

Адолат чала бўлмайди, ҳақиқат ошкораликсиз яшай олмайди, деб таъкидланди Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида. Республика коммунистларининг ушбу мўътабар анжумани давлат, план ва меҳнат интизомини энг ўткир масала сифатида ўртага қўйди. Уюшқоқлик ва тартибнинг йўқлиги оқибатида саноат ва ишлаб чиқаришнинг кўпгина корхоналарида нобудгарчиликлар рўй бераётганлиги партиявий позицияда туриб, юзхотир қилинмасдан ошкор этилди. Айрим министрликлар, корхоналар ва тайёрлов пунктларида қўшиб ёзишлар, ашаддий талон-торож қилишлар кенг оммалашганлиги, товарсиз операциялар катта миқёсда ўтказилиб, порахўрлик авж олганлиги, баъзи раҳбарларнинг нопок йўлга кирганлиги аниқ мисолларда очиб ташланди. Қўшиб ёзиш ва кўзбўямачиликдан мақсад аҳволни яхши қилиб кўрсатиш эмас, балки шу заминда социалистик мулкни талон-тарож қилиш учун шароит яратишни айрим кимсалар мақсад қилиб олган эдилар. Айниқса, бир қанча шаҳар ва районларда уй-жойни тақсимлаш, олий ва ўрта ўқув юртларига қабул қилиш ҳамда дори-дармон бериш чоғида порахўрлик ва таъмагирлик каби социалистик жамиятимиз руҳига зид ҳолларнинг рўй берганлигига тоқат қилиб бўлмайди.

Ҳозирги замон шароитида хўжалик, ташкилотчилик масалалари ва шуғулланишга тўғри келадиган бошқа масалалар нақадар муҳим бўлмасин, идеология иши тобора биринчи ўринга чиқиб бораётганлигини унутмаслик керак. Афсуски, идеология ишини ташкил этишда ҳали ҳам дабдабали тадбирлар ҳаддан ташқари кўп. Буржуа идеологиясига ва ахлоқига қарши, одамлар онги ва феъл-атворидаги реакцион сарқитларга қарши, истеъмолчилик психологиясига, қолоқ урф-одатларга, ҳаддан ортиқ ҳашамдор тўй-томошаларга ва маъракаларга қарши ҳужумкорлик ва таъсирчанлик билан курашни заррача бўлсада бўшаштирмаслик лозим. Бунда КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил Июнь пленуми қарорлари идеологик, сиёсий-тарбиявий ишлар самарадорлиги учун дастуриламалдир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми таъкидлаганидек, социалистик тузумнинг буюк инсонпарварлиги ва адолатпарварлиги барча салбий ҳодисаларни муросасизлик билан тугатишни талаб қилмоқда. Коммунистларни ана шу йўлдан буриб юбора оладиган ҳеч қандай куч йўқ. Зотан, Пленумда камчиликлар ва нуқсонлар очиқ-ошкор муҳокама этилганидан фойдаланиб, ҳар хил миш-мишлар тарқатиш, қўрқитиш, республикада юз бераётган жараёнларни ҳали тўла тушуниб етмаган софдил кишиларни чалғитишга уринувчилар топилиб қолиши мумкин. Шунинг учун Марказий Комитет аъзолари, партия комитетлари ҳар қандай вайсақиларга, туҳматчиларга ва шантажчиларга қатъий зарба беришлари кераклиги алоҳида уқтириб ўтилди.

Социалистик жамиятимиз кишисининг маънавий камоли унинг меҳнатга муносабати, коммунистик эътиқоди, билим, малака ва тажрибасининг кўлами ва миқёси, ижтимоий ҳаётдаги фаоллиги, ташаббускорлиги ва фидойилиги билан чамбарчас боғлиқ. Шунинг учун ҳам у Коммунистик партиямиз узоқ йилларга мўлжаллаб олдинга сурган вазифаларни шараф билан бажаришга ўзини масъул деб билади. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг қутлуғ 60 йиллигини социалистик қурилишнинг барча соҳаларида ютуқларга эришиш учун курашаётган республикамиз меҳнаткашларининг қатъияти ва фидойилиги бунинг ёрқин далилидир.

© «Гулистон», 1984 й.

Ёшларимиз камолини ўйлаб...

РЕСПУБЛИКАМИЗ меҳнаткашлари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг шонли 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун қизғин тайёргарлик кўраётган шу кунларда халқ маорифи ходимлари ҳам кўтаринки руҳ ва кайфият билан хизмат қилмоқдалар.

Маълумки, 1984 йилдан бошлаб биз маорифчилар учун энг масъулиятли давр бошланди.

КПСС Марказий Комитетининг пленуми шу йил 10 апрелда ва СССР Олий Совети 12 апрелда маъқуллаган «Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг йўналишлари» маънавий ҳаётимизда катта воқеа бўлди. Бу муҳим сиёсий ҳужжатда мамлакатимизда ҳозирги ривожланган социализм шароити тақозо этган талаб ва эҳтиёжлар асосида мактаб таълимини қайта қуришнинг туб моҳияти ва асосий йўналишлари очиқ-ойдин белгилаб берилган. Шаҳримиз педагогик коллективлари ва халқ маорифи бўлимларининг ходимлари барча совет маорифчилари қатори партия ва ҳукуматимизнинг бу ғамхўрлигини мамнуният билан кутиб олдилар. Биз тажрибали педагогик коллективларнинг ёрдамига суяниб, маҳаллий партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлигида мактаб таълимини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларини муваффақиятли амалга ошириш учун пухта тайёргарлик кўрмоқдамиз.

Маълумки, янги таълим системаси мактабларимизда 1986 йилдан жорий этилади. Бунгача бўлган қарийб икки йиллик муддат биз маорифчилар учун тайёргарлик босқичидир.

Партия ва ҳукуматимиз «Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари» талабларидан келиб чиқиб, қатор қарорлар қабул қилди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Маориф ва ҳунар-техника таълими системасининг педагогик кадрларини тайёрлашни такомиллаштириш, уларнинг малакасини ошириш ҳамда меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш тадбирлари тўғрисида», «Ўқитувчиларнинг ва халқ маорифи бошқа ходимларининг иш ҳақини ошириш тўғрисида» ҳамда «Мактабгача ёшдаги болаларнинг жамоат тарбиясини янада яхшилаш ва уларни мактабда ўқишга тайёрлаш тўғрисида» деб қабул қилган қарорларида педагогларни моддий-маънавий рағбатлантириш ва иш ҳамда турмуш шароитларини яхшилаш, уларнинг педагогик савиясини ошириш, мактабгача болалар муассасаларида тарбия ишларини янада кучайтириш ва шу муассасаларнинг моддий шароитларини яхшилаш тадбирлари аниқ кўрсатилган.

Партия ва ҳукуматимизнинг ўқитувчи-педагогларнинг иш ҳақини ошириш, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитини яхшилашни кўзда тутган мазкур имтиёзлари бизнинг кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшади. Янги таълим системаси шароитида муттасил равишда аттестациялар ўтказиш йўли билан ўқитувчиларга «Катта ўқитувчи», «Катта муаллим», «Методист-ўқитувчи», «Методист-муаллим», «Методист-тарбиячи», «Методист-катта пионервожатий» категорияларининг берилиши эса, уларнинг педагогик маҳоратларини тубдан оширишга қаратилгандир. Шунингдек, партия ва ҳукуматимизнинг I, II ва III даражали «Шуҳрат» орденларининг статусини ўзгартириб, бу орденлар билан ўқитувчи-педагогик кадрларни тақдирлаш ҳақидаги кўрсатмаси ҳам биз маорифчиларнинг обрў-эътиборини ошириш борасидаги ғамхўрликдир. Умуман айтганда, партия ва ҳукуматимиз халқ маорифи ходимлари учун олижаноблик ва беқиёс саховат билан оталарча ғамхўрлик намунасини кўрсатмоқдалар.

Биз янги таълимни мактабларимизда муваффақиятли жорий этиш учун етарли тажрибага ва маълум базага эгамиз. Партия ва ҳукуматимизнинг бундан бир неча йиллар илгари мактабларда эксперимент таълимни жорий этиш, улар қошида тегишли моддий шароитларга эга бўлган ўқув комбинатлари ва устахоналар ташкил этиш ҳақидаги кўрсатмалари асосида меҳнат таълими соҳасида мамлакатимиз миқёсида, жумладан, республикамизда маълум тажриба тўпланган эди. Бу тажриба ва ҳосил қилинган кўникмалар янги таълим системасини жорий этиш учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилади. Тошкент шаҳар мактабларида ҳам ўнлаб устахоналар ва улар қошида ўқув комбинатлари ишлаб турибди. Бир қатор мактабларимизда эса ўқув-тарбия машғулотлари касб танлаш билан уйғунлаштириб олиб борилмоқда. Демак, янги таълим системасини жорий этишимизда дастлабки тажрибаларимиз, шубҳасиз, бизга қўл келади.

Кейинги йилларда шаҳримизда ҳам мактаблар ва ўқувчилар сони тобора ортиб бормоқда. Ҳозир шаҳримиздаги 265 та мактабда 300 мингга яқин ўқувчи таълим-тарбия олаётир. Мактабгача болалар муассасаларида эса тарбияланувчилар сони 145 минг нафардан ошиб кетди. Шунингдек, мактаблар қошидаги куни узайтирилган группаларга 100 мингдан ортиқ бола қатнашмоқда.

Шуни мамнуният билан қайд қиламизки, болаларга меҳрибон социалистик давлатимиз ўқувчи-ёшларнинг бахтли келажаги, халқ маорифи-Шаҳримизда 1983 йилнинг ўзидагина 6 минг 200 ўқувчи ўрнига эга бўлган 4 та мактаб биноси ва 2 минг 720 ўринли 9 та болалар боғчаси қурилиб фойдаланишга топширилди. Бир йилнинг ўзида мактаб-маориф иши учун 120 миллион сўм сарфланди.

Шуни қувонч билан айтиш мумкинки, халқ маорифи муассасалари ўртасидаги социалистик мусобақа яхши натижалар бермоқда. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон Касаба союзлари республика Советининг мактаблар ва бошқа болалар муассасаларини янги ўқув йилига тайёрлаш юзасидан ўтказиладиган социалистик мусобақасида шаҳримиз кўп йиллардан бери фахрли ўринни эгаллаб келади. Бу, шубҳасиз, пойтахтимиз маорифчиларининг таълим-тарбия соҳасидаги самарали меҳнати натижасидир.

Биз партия ва ҳукуматимиз, халқимиз томонидан ўз олдимизга қўйилган катта вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш, мактабдаги таълим-тарбия ишлари савиясини янада юксак даражага кўтариш учун ўқитувчи кадрлар билан ишлашни ҳозирги кундаги энг муҳим масалалардан бири деб биламиз. Кейинги йилларда шаҳар мактабларида ишлаб турган педагогларнинг билим савиясини ва педагогик маҳоратини ошириш борасида анчагина ишлар қилинди. Ўрта ҳисобда ҳар йили 4 мингдан ортиқ ўқитувчи шаҳар малака ошириш институтида ўз малакаларини мустаҳкамламоқдалар.

Ўқитувчиларнинг илғор тажрибаларини оммалаштиришда курс-семинарлар, педагогик ўқишлар яхши самара бераётир. Бу йил республикамиз юбилейи олдидан ўқувчиларнинг меҳнат таълими ва касб танлашларига бағишлаб ўтказилган шаҳар педагогик ўқишлари анча юқори савияда ўтди. Унда ўқувчиларнинг меҳнат тарбиясини кучайтириш, уларга касб танлашни ўргатиш соҳасидаги дастлабки тажрибалар кенг ўртоқлашилди.

1986 йилдан жорий этиладиган янги таълим системасида ўқувчиларнинг турли касбларни эгаллашлари кўзда тутилган.

Биз бу соҳада маълум тажрибага эгамиз. Шаҳардаги 12 та мактабларо ўқув комбинатида IX—X синфларда ўқиётган ўқувчилар 60 хил касб бўйича кўникма орттирмоқдалар. Лекин бу ҳали мутлақо етарли эмас. Бу борада ҳали анча ишлар қилишимиз зарур. Ўқув ишлаб чиқариш комбинатлари ва корхоналарининг ўқув цехларини ҳозирги талаблар асосида кенгайтиришимиз, мактаб билан ишлаб чиқариш коллективлари ҳамкорлигини мустаҳкамлашимиз лозим. Биз шу мақсадда меҳнат ёзини самарали ўтказиш, янги ўқув йилидан бошлаб, ўқувчиларнинг ёшига қараб ижтимоий-фойдали меҳнатда — ишлаб чиқаришда иштирок этишлари учун шароит яратиш ҳамда корхоналарнинг раҳбарлари, министрликлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиш режаларини ишлаб чиқмоқдамиз.

Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг йўналишларида таъкидланганидек, Давлат план комитети, министрликлар, идоралар ўқувчиларни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш учун зарур шарт-шароитларни яратишда ишимизга кўмаклашадилар. Шунингдек, ижодий союзлар, жамоат ташкилотлари, маданият муассасалари ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш-

Тошкент шаҳридаги 84-ўрта мактабнинг математика ўқитувчиси Матлуба Нурмуҳамедова ҳар бир машғулотни пухта тайёргарлик билан ўтказади.

Н. Шарипов фотоси

Мактаб таълими — умумхалқ иши

дилар.

Хуллас, ҳар бир мактабни юксак талаблар асосида намунали мактабга айлантириш ҳаммамизнинг энг муҳим вазифамиз бўлиб турибди.

Мактабда таълим-тарбия ишларининг асосий шакли дарсдир. Ўқувчиларнинг чуқур ва пухта билим олишлари дарсларнинг мазмуни ва савиясига боғлиқ. Бунинг моҳиятини яхши тушунган педагогик коллективлар ўқув-тарбия жараёнини такомиллаштириш, дарсларнинг сифати ва самарадорлигини ошириш масаласига алоҳида эътибор бермоқдалар.

Ҳозир шаҳардаги кўпчилик мактабларда фан кабинетлари, таълим устахоналари мавжуд бўлиб, улар йил сайин замонавий асбоб-ускуналар, турли жиҳозлар билан бойиб бормоқда. Мавжуд имкониятлардан илғор педагогик коллективлар мақсадга мувофиқ фойдаланаётирлар.

Аниқ фанларни, айниқса химия, физика, биология, математика фанларини ўқитишда лаборатория ва амалий машғулотларга эътибор бериш алоҳида аҳамиятга эга.

Кейинги йилларда шаҳар мактабларида рус тили, чет тили, физкультура фанларини ўқитиш сифати ҳам анча яхшиланди. Ўқувчилар рус тилини иккинчи она тилимиз сифатида сидқидилдан ўрганмоқдалар. Мактаб таълимини ислоҳ қилишнинг йўналишларида рус тилини ўрганишга катта эътибор берилган.

Шуни эътироф этишимиз керакки, ҳали ишимизда бирмунча камчиликлар мавжуд. Масалан, айрим мактабларда дарсларнинг савияси талаб даражасида эмас. Яқинда шаҳар Халқ маорифи бош бошқармаси Советида Октябрь, Собир Раҳимов, Киров, Акмал Икромов, Чилонзор район мактабларида она тили ва адабиёт, рус тили, математика, бошланғич синфда фанларнинг ўқитилиши кенг муҳокама қилинди. Кўпгина илғор ўқитувчиларнинг иш фаолиятлари алоҳида қайд қилиниши билан бирга ҳали ҳаёт талабларидан орқада қолаётган баъзи мактаб раҳбарлари ва ўқитувчиларининг камчиликлари ошкора муҳокама қилинди. Орамизда ҳали шундай ўқитувчилар борки, улар ўз устларида ишламайдилар, фақат дарслик билан чекланиб қолганлар.

Ўтган ўқув йилида медалга тавсия қилинган ёзма ишлар, иншолар, математика ва рус тилидан ўтказилган контроль ёзма ишлар ва олий ўқув юртларига кириш учун топширилган имтиҳон якунлари ҳамда инспекторлик текширишлари натижаси шуни кўрсатдики, кўпчилик ўқувчиларнинг билимлари ўқув программалари талабларига жавоб бермайди. Ўқувчилар билимидаги асосий камчилик шундаки, улар бир қатор мавзуларни юзаки биладилар, тарихий фактлар, ижтимоий даврлар, илмий ва сиёсий воқеа-ҳодисалар доирасида мустақил фикр юрита олмайдилар. Эндиликда бундай камчиликларга мутлақо йўл қўймаслик, таълим-тарбия ишларида ҳар қандай ўзибўларчилик, расмиятчиликка барҳам бериш пайти келди. Бунинг учун мактабларга раҳбарлик қилишни тубдан яхшилаш, ўқитувчилар иши юзасидан назоратни кучайтириш лозим.

Ўқувчиларда билимга ҳавас туйғусини тарбиялашни турли йўллар билан амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Бунда ўқувчиларнинг қизиқишларига қараб факультатив машғулотларни уюштириш муҳим аҳамият касб этади. Бундай группаларга энг яхши, тажрибали ўқитувчиларни жалб этиш мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, бизда ўқувчиларни мактаб, район ва шаҳар олимпиадаларига тайёрлаш анъана бўлиб қолган. Ҳар йили бундай олимпиадаларда шаҳар мактабларининг минглаб ўқувчилари қатнашмоқдалар ва улар республика олимпиадасида фахрли ўринни эгалламоқдалар.

Ўқувчи ёшларнинг билимларини бойитишда, уларнинг эстетик дидларини ўстиришда мактабдан ташқари муассасаларнинг роли каттадир.

Шаҳардаги Н. Островский номли пионер ва ўқувчилар саройи, район пионерлар уйлари ўқувчилар билан оммавий-сиёсий ишлар олиб боришда методик марказ ҳисобланади. Пионер саройлари ва уйлари қошидаги бадиий ижод, санъат, техника, спорт каби соҳалар бўйича ташкил этилган тўгаракларга шаҳар мактабларидан 3 мингга яқин ўқувчи қатнашмоқда.

Ўқувчиларни замонавий электрон ҳисоблаш техникаси ҳақидаги билимлар билан таништиришда ва шу техникадан фойдаланишда Тошкент шаҳар ёш техниклар станциясида яхшигина ишлар амалга оширилмоқда. Станция қошида ташкил этилган техникавий ижод тўгараклари сони 100 дан ортиб, уларда қатнашувчилар 1 минг 200 нафарга етди. Тўгарак аъзоларининг ишлари Узбекистон ССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари кўргазмасида ва ҳатто айрим экспонатлари эса СССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари Кўргазмасида намойиш қилиниб, дипломлар билан тақдирланди.

Жамиятимиз ёш авлоднинг жисмоний жиҳатдан бақувват, соғлом ва Ватанни ҳимоя қилишга тайёр бўлиб ўсишида жуда манфаатдордир. Бу борада шаҳримизнинг ҳар бир районида ташкил олиб бораётган ишлар диққатга сазовордир. Бундан ташқари, шаҳар Халқ маорифи бош бошқармаси қошидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, олимпия резервларининг коллективлари юқори малакали спортчилар тайёрлашда бир қатор ибратли ишларни амалга оширмоқдалар. Шунингдек, шаҳар болалар ва ўсмирлар мактабида 550 дан ортиқ ўғил ва қиз жисмоний тарбиянинг турли тармоқлари бўйича кўникма ва малака орттирмоқдалар. Тренерлар группасининг аъзолари В. Коцарева ва Ш. Ҳасанова эса СССР халқлари VII спартакиадасида қатнашиш шарафига муяссар бўлдилар. Кейинги ўқув йилида мазкур мактабда 400 га яқин разрядли спортчилар етишиб чиқди.

Ёш бўғинни жисмоний жиҳатдан соғлом ва бақувват қилиб тарбиялаш асосан малакали кадрларга боғлиқ. Физкультура ходимларини синчиклаб танлаш ва тайёрлаш ишларини тубдан яхшилаш, айниқса тренер ва жисмоний тарбия ўқитувчиларига нисбатан талабчанликни ошириш ҳам шу куннинг муҳим вазифаларидандир.

Бу йил ёш спортчилар ва мактаб ўқувчилари учун катта синов йилидир. Сентябрь ойида Тошкентда мактаб ўқувчиларининг Бутуниттифоқ спартакиадаси ўтказилади. Унда ёшлар спортнинг 20 дан ортиқ тури бўйича спартакиаданинг финал мусобақаларида қатнашадилар. Шунинг учун халқ маорифи органлари, спорт ташкилотларининг коллективлари жамоатчилик билан ҳамкорликда спартакиадага пухта тайёргарлик кўришлари лозим.

Маълумки, халқ маорифи олдида турган улкан вазифаларни муваффақиятли амалга оширишда, ёш авлодни давримизнинг муносиб кишилари қилиб тарбиялашда мактаб, оила ва кенг жамоатчилигининг ўзаро ҳамкорлиги, шубҳасиз, муҳим аҳамиятга эгадир. Хусусан, ёш авлодни ҳаётга, амалий фаолиятга тайёрлашда ота-оналар ва кенг жамоатчиликнинг, оталиқ ташкилотларининг кўмагига муҳтожмиз.

Негаки, мактабларимизнинг ўқув-моддий базасини ҳозирги замон талаблари даражасига кўтариш масаласини оталиқ ташкилотлари, умуман жамоатчиликнинг ёрдамисиз ҳал қилиш қийин.

Мактабларга жамоатчиликнинг ёрдами ҳақида гапирар эканмиз, маҳаллалар комитетлари ва уй-жой бошқармаларининг ибратли ишларини мамнуният билан тилга оламиз. Масалан, 132-мактабга оталиқ қилувчи «Илғор», 81-мактабга оталиқ қилувчи «Пахтакор» маҳалла комитетлари, Ҳамза районидаги 14-, Сергели районидаги 57-, 72-, Акмал Икромов районидаги 61- ҳамда Октябрь районидаги 55-уй-жой бошқармалари каби яхши коллективларнинг хайрли ишлари таҳсинга лойиқдир. Улар мактаблар билан яқин алоқада бўлиб, ўқувчилар ўртасида катта тарбиявий ишларни олиб бормоқдалар, мактабларга амалий ёрдам уюштиришда ташаббускор бўлмоқдалар.

Қарс икки қўлдан чиқади, дейдилар. Жамоатчиликдан ёрдам, мадад талаб қилиш билан бирга, жамоатчиликнинг талабларига мос даражада ишлаш, унга маънавий, маданий хизмат кўрсатиш бизнинг ҳам бурчимиздир.

Партия ва ҳукуматимизнинг мактаб таълими ҳақидаги янги кўрсатмаларидан илҳомланган шаҳримиз халқ маорифи ходимлари янги таълим системасини ҳар томонлама пухта тайёргарлик билан амалда жорий қилиш учун ўзларининг бутун билим ва тажрибаларини аямайдилар.

Ҳамидулла ЙЎЛДОШЕВ,
Тошкент шаҳар ижроия комитети Халқ маорифи бош бошқармасининг бошлиғи

Урта Чирчиқ район халқ маорифи бўлимига қарашли мактабларароо ўқув-ишлаб чиқариш комбинатининг тикувчилик бўйича мастери Г. Расимова 12- ва 43-ўрта мактабларнинг 9-синф ўқувчиларига иш ўргатмоқда.

Урта Чирчиқ районидаги мактабларароо ўқув-ишлаб чиқариш комбинатининг автотехника бўйича ўқитувчиси Хуршид Йўлдошев 4-ўрта мактаб ўқувчиларига йўл ҳаракати қоидаларини тушунтирмоқда.

В. Портнов фотолари

Олов қалбли қиз

Ш.ККИ ёноғи атиргулдай яшнаб, ним табассум билан боқиб турган бу қиз эндигина йигирма уч баҳорнинг лолаларини терди. Аммо ангренликлар «ўзларининг бу депутат қизлари» ҳақида баҳор гулларидан нафис, ойдан ёрқин, мароқли ҳикоялар сўзлаб юрадилар.

Суратга тикилар эканман, бу ҳикоялар хаёлимдан қайта-қайта кечади. Ёз кунларида ҳам чўққилари оппоқ қор билан қопланган Қурама, Чотқол тоғ тизмалари бағрида жойлашган Облиқ қишлоғи, парқу булутларга ёндош қайинзорлар, тоғдан тушаётган шаршара қўшиғи эшитилиб турадиган салқингина ҳовли, Хайринисо билан ана шу ҳовлида олис тун бўйи суҳбатлашганларим кўз олдимдан ўтади...

Бундан 47 йил олдин ана шу кенггина ҳовлида бир тўй бўлди: «Янги қурилиш» совхози аъзолари шу колхозда аравакаш бўлиб ишлаётган Абдунаби ҳамда илғор пиллачи қиз Ўғилбувининг бахт кечасини нишонладилар, уларга бахт-саодат тиладилар. Аммо уларнинг ҳаёти ҳамиша ҳам бахтли кечавермади. 1941 йил июль ойида Абдунаби она-Ватанни фашист босқинчиларидан ҳимоя қилишга отланди. Тўрт йил мамлакатимиз тупроғида кечган шиддатли жангларда неча бор ўлим билан юзма-юз келиб, ғалабага яқин қишлоғига яродор бўлиб қайтди. Касалхонада узоқ ётиб даволаниб чиққач, ўзанини ўзгартирган дарёдай қуп-қуруқ бўлиб қолган дастурхонларини тўкинсочин қилиш учун эр-хотин колхозда саҳардан қора шомгача тер тўкиб ишлай бошладилар. Улар ҳамқишлоқлари билан бирга арпа, буғдой, беда экишарди, чорвага хашак йиғишга қарашишарди. Болалар ҳам дарсдан қайтгач, ёрдамга келишарди. Ҳар йили баҳорда икки қутидан ипак қурти олиб боқар, давлатга 200 килограммдан ошириб «кумуш тола» етказиб берар эдилар. Меҳнат туфайли аста-секин юракларида гуллар очилиб, турмушларига файз кириб бораверди. Оиладаги тўрт ўғил, тўрт қиз ҳам меҳнатга одатланиб боришди. Йиллар ўтиб, улар муаллим, завод ишчиси, шофёр, деҳқон бўлиб етишдилар.

Хайринисо эса қурувчилик касбини танлаган. Бу тасодифий эмас эди, албатта. Облиқ қишлоғининг шундоқ ёнгинасида — уч километр масофадаги шахтёрлар шаҳрида қад ростлаётган кўп қаватли бинолар Хайринисонинг ҳавасини келтирарди.

— Бизнинг Облиқ, яъни «тўла сув» деган маънони англатувчи қишлоғимизда бундан 150 минг йиллар олдин ҳам ҳаёт мавжуд бўлган,— дея ҳудди эртак айтаётгандай вазмин ҳикоя қиларди Абдунаби ота болаларига.— Урта асрларда эса бу ерларда катта савдо шаҳри бунёд этилиб, кулолчилик ривожланган. Шаҳарнинг олтин, кумуш буюмлари машҳур бўлган. Уйлар шу қадар чиройли қилиб солинганки, уларнинг томларидан юриб, Оҳангаронгача бориш мумкин бўлган, дейилади тарихий манбаларда. Аммо XVI асрларга келиб, подшоликлар ўртасидаги тож-тахт талашишлар, табиат хуружи сабабларига кўра, шаҳар вайрон бўлган, қазилма бойликлар, саноат корхоналари қаровсиз қолиб кетган. Вақти келиб қишлоғимиз ўрнида курорт шаҳар қад ростласа ажаб эмас. Эшитишимча, яқин йиллар ичида Чотқолгача бўлган ерларнинг ҳаммаси Ангрен шаҳрининг кварталларига айлантириларкан. Кўримсизгина уйларимиз ўрнида осмонўпар бинолар тикланаркан. Қишлоқдаги чашмаларимиз, теракзорларимиз, боғ-роғлар, умуман, табиат гўзалликларининг ҳаммаси сақлаб қолинаркан.

Хайринисо дадасидан эшитганларини синфдошларига етказарди. Бу ҳикояларни тинглаган синфдошларининг ҳам ёши ўзлари билан тенгдош навқирон Ангрен шаҳрининг бундан буёнги гуллаб-яшнашига ҳисса қўшгилари келарди. Ўнинчи синфни тамомлаётганларида шаҳарда Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Политехника институти филиали очилганлиги улар учун айни муддао бўлди. Облиқ қишлоғидан 29 ўспирин мазкур институтнинг инженерлик, қурилиш факультетлари кечки бўлимларига қабул қилиндилар. Улар кундузи қурилиш ташкилотларида, заводфабрикаларда ишлашарди. Маҳаллий кадрлар эмасми, шаҳарда олиб борилаётган кенг кўламдаги ишлар билан қизиқиб, билимларини тинмай ошириб борар эдилар. Оҳангарон воҳаси уларнинг назарида сеҳрли тилсимга ўхшарди. Эҳ-ҳе, она табиат нималарни яширмаган бу ерларга! Ангрен шаҳрини бутун мамлакатга машҳур қилган ҳам аслида ана шу мўъжизакор тупроқ остидаги турли-туман қазилма бойликлар. Бу ердан олинаётган кўмир республикамиз кўмир запасининг 97,3 фоизини ташкил этади!

...Бундан олти қовун пишиғи олдин юзлари ойкулча, увоққина бу қиз Облиқ қишлоғидан бир чақирим масофада жойлашган Қурилиш материаллари тайёрлаш заводининг шаҳарсозлик бошқармасига, бўёқчига шогирд бўлиб ишга кирганида бир кун пайти келиб — унинг шу ердан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети Раисининг муовини вазифасига кўтарилиши бошқалар у ёқда турсин, ҳатто ўзининг ҳам хаёлига келмаганди. Ҳамкасблар ишчи киймида қурувчилар қўлдан чиқарган янги уйларга кириб боришарди. Бир пайт қарабсизки, бу уйларга кўклам ташриф буюргандай файзли, кўркам бўлиб кетарди. Улар она табиатнинг мусиқий рангларини, қуёшнинг олтинсимон шуълаларини уйларнинг деворларига жилолантиришарди. Янги кўчиб кираётган оилалар бу уйларни чеҳраларида офтоб нури жилваланиб қабул қилиб олаётганларида бўёқчи қизларнинг ҳам қувончларига-қувонч қўшилиб, қўшиқлар айтишарди, касбларига муҳаббатлари чандон ортарди! Айниқса, ёш жиҳатидан ҳаммаларидан кичик Хайринисонинг изланишлари, ишни бир маромда текис бажариши, майин муомаласи, ҳаракатчанлиги, кўпчиликнинг диққатини асосий мақсадга қарата олиши ҳамкасбларига жуда ёқарди. Шунинг учун ҳам унинг айтганларини қизиқсиниб тинглар ва сўзсиз амал қилар эдилар.

Масалан, Екатерина Фрисс бошлиқ бўёқчилар бригадасида ёшлар ҳам, кексалар ҳам ишлашарди. Бироқ бу бригадада ишнинг суръати кўнгилдагидек бўлмасди. Бу нарса Хайринисони ўйлантириб қўйди. Ахир қурувчининг ҳар бир минути ҳисобли. Уйларни белгиланган муддатдан кейин топшириш — бу ўз касбингга ҳурматсизлик, янги уйларга тезроқ кўчиб ўтишни орзу қилаётган оилаларга ҳурматсизлик эмасми? «Қизлар,— деди у бир куни тушлик қилаётганларида,— алоҳида комсомол-ёшлар бригадасини тузсак, нима дейсизлар? Ахир донолар бежиз айтишмаган-ку: «Агар сен ўт бўлсанг, ўтлар билан юр!» деб».

Бу таклиф бошқарма раҳбарларига ҳам маъқул бўлди. «Ҳа, энди дугоналар бир гулдаста бўлишиб, давра қуриб, битта қўшиқни куйлаб, яйраб-яшнаб, ўзаро беллашиб, куч-ғайратларни тошиб, ташаббус кўрсатиб ишлашларига нима етсин!», дейишди.

Шундай қилиб, 2-пардозлаш участкасида 35 кишидан ташкил топган комсомол-ёшлар бригадасининг қилаётган ишлари 700 кишилик коллективнинг тилига тушди. Орадан бир йил ўтар-ўтмас шу бригада аъзоси Хайринисо Норматовани шаҳар Советининг депутати этиб сайладилар. Энди Хайринисонинг зиммасидаги масъулият яна ҳам ошган эди. Ҳа, у шундай иш тутди. Берилган наказларни вақтида бажариши, ишчиларга меҳрибонлиги туфайли ҳамкасблари қалбига яна ҳам яқин бўлиб борди.

Шу йил март ойида у СССР Олий Советининг депутати этиб сайланди. Ватанимиз пойтахти Москвада — СССР Олий Совети сессиясида эса Хайринисо Абдунабиевна Норматованинг Иттифоқ Совети Раисининг ўринбосари вазифасига сайланганлиги қуёшли республикамизнинг барча меҳнаткашлари учун қувончли воқеа бўлди. Шу ҳақда ўйлар эканман, доҳиймиз В. И. Ленининг: «Бизга, ишчи хотин-қизларнинг қонун юзасидангина эмас, турмушда ҳам ишчи эркаклар билан тенг бўлишга эришувлари керак. Бунга эришмоқ учун ишчи хотин-қизлар ижтимоий корхоналарни идора қилиш ишида ва давлатни идора қилиш ишида борган сари кўпроқ иштирок қилишлари лозим» (В. И. Ленин. Асарлар. 30-том) деган сўзлари қайта-қайта ёдимга тушади.

Шу кунларда Хайринисонинг хаёлини яна бир муаммо қамраб юрибди. У ҳам бўлса, Ангренда фундаментини 9 баллдан ортиқ зилзилага бардош берадиган, ҳар томонлама мақсадга мувофиқ бинолар қуриш лойиҳасини мутахассис олимлар билан ҳамкорликда ишлаб чиқиш масаласидир. У бу йил институтнинг қурилиш факультети кечки бўлимининг охирги курсини тамомлаяпти. Юқоридаги мавзуда ёзган диплом иши асосида пойдевори мустаҳкам, гўзал уйлар қуришга киришилмоқда.

Партия ва давлатимиз раҳбари ўртоқ К. У. Черненко Ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг биринчи сессиясида сўзлаган нутқида: «Давлат плани учун жон куйдириш, ҳатто, истасангиз, ташвишланиш бизни бир дақиқа тарк этмаслиги керак», деб таъкидлади. Хайринисо Норматова нафақат ўзи ишлаётган коллективни, балки бутун шаҳар меҳнаткашларини келгуси ишлар учун ана шундай «жон куйдириб» ишлашга руҳлантириб юрибди. Уни кузатиб туриб, менинг ҳам қалбимни ҳаяжон, ўт-олов туйғулар чулғайди.

Назира ЙЎЛДОШЕВА

замондошларимиз

Тошкентдаги 3-қурилиш трестининг А. Шокиров (чапдан учинчи) бошлиқ бригадаси монтажчилари Сергели йўлдош шаҳарчасида бунёд этилаётган 130 ўринли туғуруқхонани ўз вақтида, сифатли қилиб фойдаланишга топшириш ниятидалар.

В. Портнов фотоси

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

ҲИММАТ

Чигит экиш мавсумининг охирги кунлари эди. Совхоз идорасида одатдагидек кечки мажлис чақирилди. Ёш бухгалтер Шукрулла Сайдиев сўз навбатини тоқатсизлик билан кутар, ҳаяжонланар эди.

Ниҳоят, унга сўз берилди. Сайдиев дастлаб кўпчилик олдида эсанкираб қолгандек бўлди. Шундай бўлиши табиий эди. Ахир, масъулиятли ташаббус ўртага ташланаяпти-да! У ён дафтарчасини шошилибгина очди:

— Совхозимиз ҳисобчилари ўтган йили дала ишларида ёрдамларини аямадилар,— деди у ўзини бироз тутиб олиб.— Тўғри, сафарбарлик пайтларида мавсумий ишларга кўмаклашмаслик номардлик. Далада ҳосил мўл бўлса, чўтимиз ўйнайди. Йиққан хирмонимиз билан эл олдида юзимиз ёруғ. Ҳашаримизни миннат қилмоқчи эмасман. Совхозимизнинг ҳисоб-китоб ишларини вақтида бажариб, бўш пайтларимизда, дам олиш кунларимизда ўзимизни далада деб билдик. Бу — ҳамма пахтакорнинг бурчи! Лекин аччиқроқ бўлса ҳам, шуни айтмоқчиманки, бўлим бошқарувчиларидан қайси бири бизга қўшимча ҳақ ёзибди! Ҳеч ким! Чунки ҳашар пайтларида, очиғи, қўл учида ёрдам берган бўламиз. Сабаби, манфаатдорлик йўқ. Фикримга кўпчилик қандай қарайди, билмадим. Таклифим шуки, ҳисобчилар бригадаси тузсак... Уларга, яъни бизларга ер ажратиб беришларини сўрайман...

Орага сукут чўкди. Кимдир луқма ташлади. «Совхоз ҳисоб-китоби ўлда-жўлда бўлиб қолмайдими!»

— Йўқ,— деди бош бухгалтер Беркин Эргашев.— Сайдиевнинг фикри жуда тўғри! Агар кучимизни жамласак, забардаст бригада бўламиз. «Режали иш — тежамли» деганларидек иш вақтидан унумли фойдаланасак, шунинг ўзи кифоя.

— Сизнинг фикрингиз қандай!— бош иқтисодчи Тоғаймурод Ашуровга юзланди директор Азизқул Сайидқулов.

— Бу таклифни чин кўнгилдан маъқуллаган бўлардим.

Арнасой районидаги Тимошенко номли совхозда узоқ баҳслар ва тортишувлар замирида янги бригада вужудга келди. Шундай қилиб, совхознинг 6-бўлимида 6-ҳисобчилар бригадаси ташкил топди. 75 гектар пахта майдонининг тақдири Шукрулла Сайдиев етакчилигидаги ҳисобчилар бригадаси зиммасига юклатилди.

1983 йилнинг июль ойи. Кенг даланинг кун ботиш томонидан ғўза қатор ораларига ишлов бераётган трактор овозию, сал беридаги икки одамнинг қораси кўринарди. Булар сувчилар эди.

Тушга яқин шийпонга бригадирнинг ўзи келди.

— Шукрулла, бригадада ўн киши бор дегандингиз. Далада битта механизатору, сувчилардан иборат уч киши юрибди, холос.

— Тўғри, чунки биз ишни асосан уч сменага кўчирганмиз, сувни кечаси тараш керак. Улар учун идора ишини навбатда қолганлар бажаради. Бошқача айтганда, ҳар уч киши идора билан дала ишларини смена асосида бошқаради. Иш вақтимиз унуми ўртача саккиз соатдан ошиб кетганича йўқ. Бугунги график бўйича бош бухгалтеримиз Беркин Эргашев механизаторлик қилмоқда. Соқи Тоғаев билан Ширинбой Қаюмов бўлса, сув қўймоқда. Эртага яна бошқаси...

Ҳисобчилар бригадаси коллективи ўн биринчи беш йиллиқнинг учинчи йилида ёзнинг ниҳоятда юқори ҳароратли бўлишига қарамай кўзлаган мақсадига эришди. Бригада аъзолари гектар бошига 35 центнердан ҳосил олишга, ялпи ҳосилдорликни 175 тоннага етказишга эришдилар. Умумий даромад эса, 80 минг сўмни ташкил этди!

Олинган даромад ҳар бир ҳисобчи-пахтакорга 3 минг сўмдан тўғри келди. Ҳам ҳисоб-китоб ишию, ҳам пахтакорлик касбини қўшиб олиб бориш учун кунт, ғайрат, шижоат, ишонч керак эди.

Сами Шарипов, Бекқул Валибеков, Беркин Эргашев, Тошпўлат Қўнишев, Соқи Тоғаев, Саидқосим Қодиров, Худойқул Сариев, Ёқуб Абдураҳимов, Ширинбой Қаюмов ва Эргаш Мавлонов ҳамда бригада бошлиғи Шукрулла Сайдиевларнинг меҳнат шижоатларига совхоз ишчилари, пахтакорлари юқори баҳо беришди.

Ҳисобчилар бригадаси юбилей йили мўл ҳосил хирмонини янада баландроқ кўтариш иштиёқида меҳнат қилмоқдалар.

Аҳмаджон САЙДАЛИЕВ

40

ҒОЛИБЛАР

Сталинград жангининг қатнашчиси, ҳозир Тошкентда истиқомат қилаётган собиқ пулемётчи И. И. Тяпугин шундай деб ҳикоя қилади:

10-дивизия жангчилари гитлерчилар билан юзма-юз жангга киришдан олдин ғоятда мураккаб топшириқни бажардилар. Улар Дон ва Волга дарёларидан ўтиш жойларида, шаҳар яқинидаги мудофаа чизиғида душман десантларига қарши бўлган жангларда қатнашдилар.

Дивизия штабининг бошлиғи Василий Иванович Зайцевнинг буйруғига кўра бизнинг полк Сталинграднинг жанубий чеккасида мудофаа маррасини эгаллади. Пулемётларни тепаликка ўрнатдик, ерни ковлаб ҳимояланиш жойларини ҳозирлай бошладик. Ер метиндек қаттиқ бўлиб, фақат тундагина траншеялар қазирдик. Чунки фашистларнинг олдинги қисмлари бизнинг позицияларимизга яқинлашиб қолганди.

13 сентябрь куни эрта тонгданоқ Сталинград замини ларзага келди, теварак-атроф олов ва металлар вулқони билан қуршаб олинганди. Немислар мудофаамиз бўйлаб артиллерия ва миномётлардан тинимсиз ўт очар, айни вақтда фашист авиацияси Мамай қўрғонигача бўлган территория узра бомбалар ёғдира бошлади. Сўнгра душман танклари ва бронетранспортёрлари пайдо бўлди. Тўплар ва пулемётлардан тинимсиз отилаётган ўқлар ердан бош кўтаргани қўймасди. Олдинда эса снаряд ва миналарнинг портлашидан остин-устун қилиб ташланган ерлар... Бир пайт гитлерчилар бизнинг мудофаа марраларимизга яқинлаша бошлади. Душман билан орамиз — 200 метрча.

— Ўт оч, отсангчи, ахир,— шошилтирарди жангчи шеригим М. Нурмуҳамедов.

— Шошилма, келаверишсин...

Фашистлар: «Пулемётнинг уни ўчди», деб ўйлаб, жадаллик билан олдинга ташланди. Пайт пойлаб турган эдик: ўт очдик. Орадан бир неча дақиқа ўтар-ўтмас, фашистлар қўрғон ёнбағрида ўнлаб мурдаларни қолдириб, орқага чекинди. Ҳужум қайтарилди. Қисқа муддатли жангда бўлимма командири Н. Сединкин оғир яраланди.

Жанг қизиб борар, нафас ростлаш учун имкон йўқ эди. Немисларни юз метрча яқинлаштириб, яна ўт очдик. Сўнгра позицияни ўзгартирдик.

— Ленталардан келтир,— деб қичқирдим янги позицияга ўтгач. Яна кетма-кет ўқ узиб, душманнинг навбатдаги ҳужумини қайтардик.

Жанг қизиган пайтда ёнимдаги пулемёт «тинчиб» қолди. Взвод командири А. Серебяков ҳаракатсиз ётарди. Жанг майдони бамисоли жаҳаннам эди. Атрофда миналар портлар, бошимиз узра оскольколар учарди. Жанг кун бўйи тўхтамади, аммо юзлаб қурбонлар берган душман кўзлаган мақсадига эришолмади.

Мен 271-ўқчи полкка қарашли 3-батальоннинг пулемётчилар позициясида бўлиб ўтган жангнинг бир куни ҳақида ҳикоя қилдим.

1982 йилнинг ёзида биз, собиқ жангчилар Волгоград шаҳрида тўпландик. Шу ерда дивизия штабининг собиқ бошлиғи, ҳозирги пайтда истеъфодаги генерал-майор, дивизия ветеранлар Советининг раиси В. И. Зайцев ўша кезлардаги жангларни батафсил эслаб, ҳикоя қилиб берди.

Сўнг, миннатдор волгоградликлар Царица дарёси соҳилида немис-фашист босқинчиларига қарши қизғин жангларда ҳалок бўлган 10-дивизия жангчи ва командирлари ҳамда ички ишлар халқ комиссарлиги ходимлари шарафига ўрнатган ёдгорликни зиёрат қилдик. Кўкка бўй чўзган гранит ёдгорликда қўлида қалқон тутган жангчи қиёфаси тасвирланган.

Биз жанг қилган жойларда янги шаҳар, меҳнаткаш ва бунёдкор ҳамда қаҳрамон шаҳар қад кўтарди. Сталинград учун курашган жангчи бугунги кунда қаерда яшамасин, барибир унинг қалбининг бир бўлаги Волга бўйидаги мана шу афсонавий қаҳрамон шаҳар билан туташдир.

Суҳбатни Сталинград жангининг қатнашчиси Масгут МАҲМУТОВ ёзиб олди

Раҳимжон САТТОРОВ,
Улуғ Ватан уруши ветерани

Мени кутгил

Жди меня, и я вернусь,
Только очень жди!

К. Симонов

Эсимда, ҳали ҳам эсимда, ёрим,
Яхши бор жангга деб, кузатганларинг.
Эсимда, парвона бўлиб нигорим,
Бўйнимга қўлингни узатганларинг.

Эсимда, марварид кумуш тунларда,
Сен билан сайр этган ўша чаман боғ.
Эсимда, завқ берган қувноқ кунларда
Мажнунтол тагида суҳбат қурган чоғ.

Эсимда, паровоз жилғач Ғарб томон,
Қўлимга бергандинг гулли рўмолча.
Оҳ, менинг севгилим, қошлари камон,
Совғангни сақлайман токи ўлгунча.

Кут мени, сарвиноз, кутгил вафодор,
Маҳв этиб душманни ғолиб қайтаман.
Босқинчи Гитлерни айлаб шармисор,
Танидан бошини олиб қайтаман!

1944 йил, январь

* * *

Қишлоқ учун жанг борарди, ёнарди ўрмон,
Изғиб учар снарядлар портлаб кетма-кет.
Пистирмадан ўт сочарди душманга томон
Яраланган бўлса ҳамки, бир жангчи йигит.

— Ким бўлдийкин бу азамат,— дерди генерал,
Дурбин билан жанггоҳларни бир-бир кузатиб.
Фашистларга зарба берар, ёпирилса ҳар гал,
Ғазаб билан гоҳ гранат, гоҳ милтиқ отиб.

Кўк қонталаш, ёв чекинди, бермадик омон,
Мажақланди дарё кечиб ўтган газанда.
Жасур жангчи чақирилди сафдан, қўмондон
Такди унга Қизил Юлдуз орденин шунда.

Мен ҳам қучиб олқишладим қуролдошимни,
Матонатли жангчиларга бўлсин шараф-шон!
Ватан учун жонин фидо этган инсонни
Унутмайди тинчликсевар халқлар ҳеч қачон.



Совет Иттифоқи Қаҳрамони Тўйчи Эрйигитовга у туғилиб ўсган Қамишқўрғон қишлоғида ҳайкал ўрнатилган.

Н. Шарипов фотоси

АСРИМИЗ МЎЪЖИЗАСИ

Сталина ҚОСИМОВА,
техника фанлари доктори, профессор

Инсон ҳамиша орзу билан яшайди, унинг ўй-хаёли доимо воқеликдан анча олдинда юради. Жумладан, нур кучидан фойдаланиш истагининг ҳам жуда қадим даврлардаёқ пайдо бўлгани шубҳасиздир. Масалан, қадимий афсоналардан бирида янги эрадан аввалги III асрда Юнонистоннинг Сиракуз шаҳрини римликлар қамал қилиб олганларида Архимеднинг махсус кўзгу ёрдамида душман кемаларини ёндириб юборганлиги ҳикоя қилинади.

Аждодларимизнинг ана шу узоқ асрлик ниятлари — кучли нурдан фойдаланиш орзуси ниҳоят йигирманчи асрга келиб ушалди: «янги давр электри» — лазер пайдо бўлди. Бу воқеа ҳам машҳур донишманд олим Альберт Эйнштейн номи билан боғлиқдир. Нисбийлик назариясининг муаллифи нур билан модданинг ўзаро алоқасини ўрганар экан, шу аснода иккита маълум жараёндан ташқари мажбурий нурланиш ҳам рўй беришини назарий жиҳатдан аниқлади. Бошқача қилиб айтганда, у нурланиш кванти жунбушга келган атом ёки молекулани муайян шароитда худди шундай квант ажратишга мажбур этади, деган хулоса чиқарди. Шуниси ҳам борки, мажбурий нурланишнинг тезлиги билан фазаси ҳар қандай вақт ва ҳар қанақа маконда қатъий белгиланган бўлади. Бинобарин, моддада квантларнинг кўпайиш жараёни юз беради.

Эйнштейннинг 1916 йилда ўртага ташланган бу назарияси ўттиз саккиз йилдан кейингина амалиётда ўз аксини топди. Америкалик олим Чарлз Таунс икки шогирди билан ажиб бир қурилма яратди. Унинг ёрдамида аммиак молекулаларини ишга солиб, барқарор микротўлқинлар оқимини чиқаришга мажбур этиш мумкин эди. Эндиликда Калифорния университетининг физика факультетида профессорлик қилаётган Ч. Таунс «мажбурий нурланиш ёрдамида микротўлқинларни кучайтириш» деган инглизча атамани қисқартириб, қурилмани «мазер» деб номлади. Кейинчалик микротўлқинлар ўрнига ёруғликни кучайтириш учун молекуляр эмас, квант генератор ишлатиладиган бўлди-ю, «мазер» терминини «лазер» деган термин билан алмашди.

Мамлакатимиз олимлари физика илмининг бу муҳим тармоғини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшдилар. Мажбурий нурланишни вужудга келтиришда рубин кристаллини ишлатиб кўришни таклиф этган машҳур совет олимлари А. М. Прохоров билан Н. Г. Басовларнинг изланишлари айниқса самарали бўлди. Улар квант молекуляр кучайтиргичлар ҳамда радиотўлқинлар генератори яратишнинг янги принципларини ишлаб чиқанликлари учун 1959 йили Ленин мукофоти билан тақдирландилар. Лазер яратилишига олиб келган жуда катта илмий ишлари учун ҳар иккала совет олими америкалик Ч. Таунс билан бирга 1964 йили Нобель мукофотига сазовор бўлдилар.

Лазерлар узлуксиз ва импульсли режимда узун тўлқинларнинг жуда катта диапазонида ишлайди. Айтайлик, импульслар билан ишловчи рубинли лазер чақнаши секундининг юз мингдан тортиб то ўн миллиардгача бўлган улушида ғоят қисқа муддатда содир бўлади. Гарчи ёруғлик нури энергияси озроқ бўлса-да, жуда қисқа фурсатда нурланиш берганлиги учун ҳам унда қувват кўп тўпланади. Энергия сарфлаш зарурати ҳамма лазерлар учун асосий масаладир. Уларнинг энергияси конденсаторларга йиғилади-да, тўлдирма лампада «юз кўрсатади». Сўнгра рубин кристаллидаги хром, шишадаги ёхуд ёқут кристаллидаги неодим ионлари тўлдирма лампа нурлари билан жунбушга келтирилади ва шунда улар лазер нурларини айлантиришга, генератор вазифасини ўташга қодир бўлиб қолади. Башарти, дастлабки лазерлар нари борса бир жоуль энергияни нурлантирган бўлсалар, ҳозиргилари бир неча минг жоуль энергияни эпламоқда.

Лазернинг турфа хил тур ва типлари бор. Лазер нурида ишлайдиган ҳар хил қурилмаларнинг саноат йўли билан ишлаб чиқарилиши натижасида уларни фан ва техниканинг турли соҳаларида қўлланиш анча жадаллашди. Эндиликда Ойнинг ёруғлик локацияси системасидан тортиб жарроҳлик асбобларигача жуда кўп тармоқларда лазер ишлатилаётганлиги бежиз эмас. Бинобарин лазернинг яратилиши фан-техниканинг кўпгина соҳаларида туб ўзгаришларга олиб келди.

Лабораторияларда лазер билан ўтказилган дастлабки тажрибалар унинг юпқа тангалар осонгина теша олишини кўрсатди. Бундай имконият айрим технологик жараёнларда жуда қўл келди. Чунончи, «Корунд» лазер қурилмаси соатсозлик саноатида соат тошларини тайёрлашда диаметри 0,05—0,1 миллиметрли тешикча ўйишда жуда кенг қўлланилмоқда. «Квант-9» лазер қурилмаси билан эса ҳар қанақа материалда диаметри 0,005 дан то 0,8 миллиметргача бўлган тешикчалар очиш мумкин. Бунда меҳнат унумдорлиги кескин ошади.

Лазер нури пайвандлаш учун ҳам жуда қўл келмоқда. Электрон деталларнинг занжирлари шунчалик майдаки, уларни кўпинча микроскопда кузатишга тўғри келади. Ҳозир буларни пайвандлаш ҳам лазер зиммасига юкланган. Айрим нозик деталлар пайвандини том маънода қилни қирқ ёришга қиёслаш мумкин. Айни чоғда бу иш пайванд чокларига туташ жойлардаги ўта сезгир моддаларга зиён етказмайдиган қилиб адо этилиши лозим. Айтайлик, тилла сим ўтказгичлар 538 даражали ҳароратда пайвандланади-ю соч йўғонлигича бўлган масофадаги қўшни жойда эса ҳарорат ўзгармайди. Йирик деталларни жуда ҳам тез ва аниқ, шунингдек масофадан туриб пайвандлашда эса лазернинг аҳамияти яна ҳам беқиёсдир.

Ёғочни қайта ишлаш, тикувчилик саноати ва шишасозликда материалларни қирқиш учун бир қатор лазер қурилмалари яратилган. Бундай қурилмалар металларни пишитишда, деталларга ишлов беришда, босмахона клишелари тайёрлашда, нозик деталлар ясашда, буюмларнинг нуқсонларини топишда ҳам иш бераётир. Лазер ёрдамида экинзорлар ҳосилини чамалаш (прогноз қилиш), фойдали қазилма конлари қидириш ишлари самарадорлигини ошириш мумкин.

Квант электроникаси пайдо бўлганидан бошлаб шифокорлар, хусусан жарроҳлар лазердан турли касалликларни даволашда фойдаланишмоқда. Чунки лазер нури тўқимани кесиш асносида бир йўла қон оқишини тўхтатади, жароҳат юзасини шаффофлайди ва шикастланган тўқималарни йўқотади. Шу боисдан медицинага лазерни биринчи бўлиб жарроҳлар олиб кирдилар, деган гапда жон бор.

Маълумки, лазер нурини қора мато ютади. Айтайлик, теридаги ёмон шиш кўпинча қорамтир бўлади ёки уни атайин қорага бўяш ҳам мумкин. Шунда муайян тезликка тўғрилаб қўйилган қурилмадан чиқаётган лазер нури касалланган тўқималарни тезгина саранжомлайди-да, кесилган томирларни ўз иссиғи билан қон чиқиб улгурмасидан улаб қўяди. Шу сабабли бундай тиғ билан тана сиртидаги рақларгина эмас, ўпка ва жигар сингари қон тўла аъзолар ҳам операция қилинмоқда.

Кейинги йилларда оптика ва электроника соҳасида мамлакатимизда қўлга киритилган ютуқлар тиббиёт учун бир қанча лазер қурилмалари яратишга олиб келди. Шулардан ҳозирги кунда «Скальпель-1», «Ромашка», «Ятаган» қурилмалари кўплаб ишлаб чиқарилмоқда. «Скальпель-1» қурилмаси, масалан, қорнини ёрмасдан туриб ички аъзоларни даволаш имконини беради. «Ромашка» қурилмасининг лазер нурлари эса турли йирингларни йўқотиш, зарур ҳолларда тананинг бир жойидан, масалан сондан терини кесиб олиб, жароҳатланган жойга кўчириб ўтказишга хизмат қилади.

Асримиз мўъжизаси деб юритиладиган лазердан фойдаланаётган илмий хирургия ва даволаш муассасалари сони мамлакатимизда йил сайин ортиб бормоқда. Айниқса Н. Н. Блохин, Б. В. Петровский, Д. К. Богуш, В. И. Стручков, О. К. Скобелкин, С. Д. Плетнов бошчилигидаги йирик медицина марказлари бу борада жуда катта иш олиб бормоқдалар. Шуниси ҳам борки, эндиликда жарроҳлардан ташқари онколог ва урологлар, гинеколог ва офтальмологлар, нейрохирург ва стоматологлар, кардиолог ва косметологлар ҳам бу ажиб кўмакчига талабгор бўлиб қолдилар. Яқиндан бошлаб уни тиббиётнинг кўҳна усули — нина билан даволашга ҳам мослаштириб олишди. Жарроҳлик асбоб-ускуналарини шаффофлашда, мутахассисларнинг фикрича, лазерга тенг келадиганни йўқ.

Тиббиётнинг бир қаноти муолажа бўлса, иккинчиси касалликни тўғри аниқлашдир. Даволаш ишларига бу даражада чуқур кириб бораётган лазер, табиийки, диагностикада ҳам ўз ўрнини топмоқда. Лазер нури билан, масалан, биологик моддалар анализ қилинмоқда дейлик. Секундининг ўн миллиарддан бир улушига тенг муддат билан лазер ёруғлик импульси юбориб, ҳарорат ўн минг даражага етказилса, озгина — 0,00003 грамм оғирликдаги тўқимани буғга айлантириб юборади. Буғ юқори кўтарилар экан, спектрограф олдидан ўтади. Спектрограф буғ чиқараётган ёруғлик тўлқинлари узунлигига қараб унинг таркибини аниқлайди. Чунончи, буйрак усти безида, буйраклар билан тишлар таркибида кальций, темир, кобальт, рух ва бошқа моддалар борлиги худди шу йўл билан аниқланди. Лазернинг яна бир хусусиятн шундаки, у касалланган ҳужайраларни соғломларидан фарқлайди, уларни ҳисоблаб беради ва бу маълумотларни қайта ишлаб, ўзи диагноз қўяди.

Олимларимиз молекуляр водород ёки унинг изотопи — дейтерий билан молекуляр фтор аралашмасидан иборат кимёвий лазер ёрдамида кимёвий энергияни фойдали ҳаракат коэффициенти юқори бўлган лазер нурланиши энергиясига айлантириш мумкинлигини аниқладилар. Бу нарса аввало электр энергиясига қарамликдан халос қиладн, қолаверса, кўпгина кимёвий ўзгаришларни амалга ошириш, атроф муҳитни назорат қилиш ва текширишлар ўтказишга ёрдам беради. СССР Фанлар академиясининг Физика ва Кимёвий физика институтлари олимларидан бир группасига «Занжирли реакциялардаги кимёвий лазерларнинг фундаментал тадқиқотлари» туркум ишлари учун фан ва техника соҳасида 1984 йилги Ленин мукофоти берилди.

Масофани аниқ ўлчаш ҳам лазерга хос ажойиб хусусият. Радиолокатор сингари «танобчи» лазер

Фан — халқ хизматида

ҳам мўлжал — объектга импульс юборади-да, унинг инъикосини қабул қилади. Бориб қайтишга кетган вақтни ҳисоблаб, масофани аниқлаб беради. Локатор импульси тезлиги (частотаси) қанча юқори бўлса, ўлчов шунчалик аниқ бўлади. Лазер нурининг бу борадаги кўрсаткичи дециметрли диапазонда ишлайдиган радиолокаторникидан юз минг марта ортиқдир. Аниқлиги ҳам шундай. Лазернинг бу хосияти самолёт ва кемалар ҳаракатини бошқариш, космик парвозларни амалга оширш, Ер сунъий йўлдошларини орбитага чиқариш, осмон жисмларигача бўлган масофани аниқлашда асқотади. Биргина мисол. Лазер ёруғлик локацияси Ердан Ойгача бўлган масофани 10 сантиметргача аниқликда ҳисоблаб, яна унинг (Ойнинг) юзаси рельефини аниқлаб берди. Сув ости объектларини топадиган лазер қурилмалари яратиш устида ҳам қизғин иш олиб борилмоқда.

Автоматлаштириш ва ҳисоблаш техникасига ҳам лазер тўла даҳлдор. Давр ҳисоблаш машиналарининг тобора тезроқ ишлашини талаб қилмоқда. Башарти ҳозир секундига бир миллиондан сал ортиқ операция бажарадиган универсал ҳисоблаш машиналари мавжуд бўлса, лазер қурилмалари секундига бир миллиард ва ундан ҳам кўп операция бажаришга қодир, серунум оптик ҳисоблаш машиналари яратиш имконини беради.

Алоқа системаси жараёнига ҳам лазер тобора кенгроқ кириб бормоқда. Лазер ёрдамида шиша тола орқали оддий телефон симига қараганда бир неча минг кўп информация бериш мумкин. Назарий ҳисобларнинг кўрсатишича, бу қудратли восита кўмагида ер юзидаги аҳоли иккига бўлиниб, бир вақтнинг ўзида бир-бири билан гаплаша олиши мумкин.

Суратга олишнинг янги усули — голографиянинг тараққиёти ҳам чакки эмас. Бунда ҳам лазер етакчи омил. Чиндан ҳам тўлқин жабҳасини тиклаш жараёни билан боғлиқ бу усулнинг нуфузи ортиб бормоқда. Голограмма деб юритиладиган тасвир ёзувида суратга олинаётган объект тўғрисидаги жамики маълумот ўзига хос оптик код билан шифрланган бўлади. Тиклаш чоғида ушланган тўлқинлар голограмма ёзувидан холи этилади. Қарабсизки, уч ўлчамли аниқ тасвир пайдо бўлади.

Ахборот ва маълумотларни лазер иштирокида жуда зич қилиб ёзиб олиш ҳам мумкинки, бу билан улкан ҳажмдаги, ихчам, доимий хотира қурилмасига эга бўлинади. Масалан, ўн квадрат сантиметрли пластинкада голография усулида 100 миллион ахборот бирлигини қайд этиш мумкин. Бу қариб бир миллион варақ босма текст жойлашди демакдир.

Голографик фото тараққиёти эса ўз навбатида голографик кино ва телевиденига олиб келиши табиий. Ҳозирги йўналиш шунга қаратилгандир.

Электр токи сингари лазер хизмати ҳам кўп қирралидир. Унинг ёрдамида изотоп ҳам олинмоқда. Д. И. Менделеев жадвалидаги кўпгина элементларда икки-учтадан, баъзан эса ўнлаб изотоп бор. Уларнинг физик-химик хоссалари жуда ўхшаш бўлиб, бир-биридан атом оғирлиги билан фарқланади, холос. Бу изотопларни ажратиб олиш мушкул. Шунинг учун ҳам халқаро бозорда уларнинг нархи жуда баланд. Чунончи, кальций-46 изотопининг бир килограмми 88 миллион доллар. Изотопларга эса талаб-эҳтиёж катта. Юқорида айтганимиздек, бунда ҳам беминнат ва қудратли дастёр — лазер қўл келди. Лаборатория синовлари шуни кўрсатдики, даврий системадаги барча элементларнинг ҳамма изотопларини одатдаги усулга нисбатан лазер ёрдамида ажратиб олиш юз марта қулайдир.

Инсоният олдида ҳозирги кунда термо-ядро синтези кўмагида энергиянинг янги манбаларини ўзлаштириш вазифаси турибди. Бунга эришиш учун, соддароқ қилиб айтганда, электростатик итарилишнинг жуда катта кучини енгиб, иккита атом бир-бирига яқин келиши керак. Бу жараён ҳаддан зиёд юқори ҳароратда қиздирилган моддада юз бериши мумкин. Негаки, бундай шароитда атомлар электронларини «ечишади», модда эса нон гази кўринишига, яъни плазма кўринишига ўтади. Кучли лазерлар яратилиши жуда тез — секундининг миллиарддан бир улушига тенг фурсатда модданы қиздириб, керакли шароит яратиш имконини берди. Энди ҳамма гап ажралаётган энергия миқдорини бошқаришга боғлиқ бўлади. Энергетика эҳтиёжлари учун шу нарса жуда ҳам зарур. Мамлакатимизда бу борадаги режалардан бири кўпканалли лазерларнинг қисқа ёруғлик импульслари таъсирида содир бўладиган бошқарув термо-ядро реакциясини олишдан иборат. Яна ҳам аниқроқ қилиб айтганда, бу ишни физик тадқиқотлар соҳасидан инженерлик-конструкторлик жабҳасига ўтказиш пайти келди.

Лазернинг ихтиро қилинганига атиги чорак аср бўлди. Аммо бугун саноат ва илм-фаннинг кўпгина соҳалари тараққиётини усиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бинобарин, лазер минг-минглаб касб эгаларн учун ҳожатбарор бўлиб қолди. Ҳадемай, курраи заминимиздаги ҳар бир инсон унинг ёрдамини ҳис этадиган бўлади.

Оқилажон Жабборова — Хевадаги гилам тўқиш комбинатининг моҳир гилам тўқувчиларидан.
К. Отаев фотоси
(ЎзТАГ)



Тошкент область Калинин районидаги Гагарин номли совхозининг Наби Ҳамдамов бошчилик қилаётган боғдорчилик бригадаси аъзолари ҳам Озиқ-овқат программасини тўла-тўкис амалга оширш мақсадида фидокорона меҳнат қилмоқдалар.
В. Портнов фотоси

Директор Мастура

Мастура Алижоновна цехларни айланиб, қиз-жувонлар билан суҳбатлашардию, бир нарсадан доим хижолат тортарди. У ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш, план ва бошқа масалаларда жон койитибдию, кечаги ишчи бугун нега кўринмай қолганига эътибор бермабди. Конвейернинг бир жойида чала тикилган кийимларнинг қалашиб ётгани сабабини суриштиргач, назаридан қочган энг муҳим нарсани пайқаганидан севиниб кетди: уч минг кишилик коллективда кун ора у ёки бу ишчи ўзи ёхуд боласи бетоблигидан ишга чиқмай қолишга мажбур бўлади. Мана, бугун ҳам бир тикувчи ишга чиқмапти. Ҳадемай, ўша ишчи ўрнига мастер, баъзида цех бошлиғининг ўзи ўтириб ишлашига тўғри келади. Чунки конвейерни тўхтатиш мумкин эмас.

Директор ишга келмаган тикувчининг бетоблик сабабини суриштиридию, хаёлига келган фикрдан қалбида нур ўйнагандай бўлди. Унинг кўз олдида шундоққина фабриканинг биқинида қад ростлаган, фойдаланишга топширилиш арафасида турган тўрт қаватли ётоқхона биноси гавдаланди. У шошилиб хонасига кирди-да, деразасидан ўша иморатга қаради. Ўйлади. «Шу бинонинг биринчи қавати... маъқуллашса керак. Ажойиб иш бўлармиди». Шу пайт хона эшиги очилиб, остонада фабрика партия комитетининг секретари Людмила Хохлова пайдо бўлди.

— Салом, Людмила Николаевна. Жуда вақтида келдингиз. Маслаҳатлашадиган иш чиқиб қолди.— У жойига ўтирди-да, телефонда бош инженер, касаба союз комитетининг раисини хонасига таклиф қилди.

Ҳамма тўплангач, дилидаги фикрни айтди.

— Фабрикамизда асосан аёллар ишлайди. Улар эркаклардан нозик ва пўлатдан мустаҳкамлигини яхши биламиз,— деди кулиб.— Хуллас, гапнинг лўндаси, улар учун физиотерапевтик шифохона ташкил этсак, хотин-қизларнинг саломатлигини муҳофаза қилишда қулинг ўргилсин иш бўларди.

— Яна қурилиш экан-да,— луқма ташлади бош инженер Козимжон Абдиев.

— Керак бўлгандан кейин қурамиз ҳам. Аммо, бинони қурдириб қўйдик.

Ўтирганлар жилмайиб турган Мастура Алижоновнага савол назари билан боқишди.

— Мен айтган бино, мана, фабриканинг ўзида қурилди. Тўрт қаватли ётоқхонани эрта-индин фойдаланишга қабул қиламиз. Ётоқхонага муҳтожларни ҳисоблатиб чиқсам, уларга уч қаватдаги хоналар етиб ошар экан. Шунинг учун унинг биринчи қаватини шифохона учун ажратсак.

Хонада тўпланганлар: «Қани энди, айни муддао бўларди-ку», дейишди.

— Сиз, Раҳимахон,— деди директор касаба союз ташкилотининг раисига,— область касаба союз ташкилоти билан, мен шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими билан гаплашайлик. Маблағ бор.

Эл манфаати учун қилинган ҳаракат ҳамиша олқишга сазовордир. Мастура Алижоновна ва унинг атрофида уюшган активларнинг ташаббусини шаҳар партия комитети қўллаб-қувватлади. Ётоқхонанинг ишга туширилиши, бутун фабрика ишчилари учун байрам бўлди. Эндиликда тикувчилар ишдан бўш вақтларида шифохонада зарур тиббий ёрдам оладилар, шу ернинг ўзида даволанадилар...

Мастура Маткаримова, одатдагидек, цех айланиб юрибди. Қиз-жувонларнинг қўли-қўлига тегмайди. Директор гулгун чеҳраларга боқар, улар билан илиқ саломлашар, ишчиларнинг кўтаринки кайфиятидан мамнун эди. У юқори қаватга кўтарилар экан, йўлакда бош инженер Козимжон Абдиевни учратиб қолди.

— Мутахассисларни огоҳлантириб юрибман. Кечқурунги тадбирга,— деди бош инженер.

Мастура Алижоновна дарров тушунди, ишдан сўнг инженерлик соати ўтказилади.

Аслида, «инженерлик соати» деган ибора Мастура Алижоновна директор бўлиб ишга келгандан кейин пайдо бўлди. Маҳсулот сифати хусусида эътирозли хатлар кўпайиб кетди. Ўшанда ишдан кейин илғор тикувчилар ва мутахассислар билан цех айланишди. Шу куни ҳар бир жараён обдон ўрганилди, ишчилар билан бақамти суҳбатлашилди. Пировардида маҳсулот сифатини яхшилаш учун икки игнали янги машина-жиҳозлардан фойдаланиш қулай, деган хулосага келинди. Бундай машиналар Россия федерацияси ва Тошкент тикувчилик фабрикаларида қўлланилаётгани, уларнинг пишиқ-пухта ва бежиримлиги ҳам айтилди.

Ўшандай машиналарни ўрнатиш ва ўзлаштириш вазифаси бош механик М. Теслер зиммасига юклатилди. Теслер чок тикувчи машиналар билан бирга материал четларини бежовчи, қийимларни дазмоллаш ўрнига прессловчи дастгоҳларни ҳам ўрнатиш зарур, деган таклифни илгари сурди. Ўнинчи беш йиллик давомида 334 та, ўн биринчи беш йиллик давомида эса 90 та ана шундай машина ўрнатилди. Янги дастгоҳлар оғир қўл меҳнатини енгиллаштирди. Айни вақтда 160 минг сўм соф иқтисодий фойда келтирди.

Ўшандан бери инженерлик соати мунтазам ўтказилмоқда. Натижада бу тадбир ишлаб чиқаришни янада юксалтирувчи ижобий таъсир воситасига айланди.

Бош инженернинг бугунги тадбири ҳақида огоҳлантириб қўйгани яхши бўлди. Мутахассислар билан «муҳим» нарса ҳақида маслаҳатлашмоқчи. Бу маслаҳатни ўша иш устида айтгани, исботлагани маъқул. Шу куни директор фабриканинг фаолларига айтадиган фикрини яна ҳам пишитди, ўзича ҳисоб-китоблар қилиб чиқди. Орада нархи арзонлаштирилган моллар сотиладиган магазинга бориб келди. Биринчи смена ишчилари ва идора ходимлари тарқаганидан кейин хонасидан чиқди, Козимжон Абдиевнинг ҳузурида ҳамма йиғилган эди.

— Бугунги текширишни лахтаклар тўпланадиган жойдан бошлаймиз,— деди директор.

— Инженерлик соатининг лахтакларга нима алоқаси бор?— дея луқма ташлади кимдир. Директор индамади, тўпланганларни фабрика ҳовлисидаги бостирма остида боғлам қилиб қўйилган чиқиндилар томон бошлади. У шапалоқдек келадиган қийқимни қўлига олди.

— Биз лахтакларни магазинга чиқариб сотишни йўлга қўйдик. Яхши. Аммо нархи арзонлашган ҳолда сотаяпмиз. Барибир корхонага фойда. Бироқ, шу шапалоқдек матодан кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқарсак, қандай бўларкин?

— Қанақа кенг истеъмол буюмлари?

Мастура Алижоновна бир бойлам лахтакни ечтирди.

— Булардан кичкинтойлар учун шортик, сарафан, юбка, қурувчиларга қўлқоп, токарларга дастгоҳ артувчи материал тайёрлаш мумкинми? Мана, фабриканинг асосий участкалари янги корпусга кўчди. Аввалги биноларнинг бирини кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришга мослаштирамиз. Тикув машиналаримиз эса истаганча бор.

Шу тариқа бугунги юриш лахтак тўпланадиган жойдан бошланиб, қутлуғ бир ниятнинг туғилиши билан хотималанди.

...Мастура Алижоновнанинг ташвишлари кўп. Корхонанинг Шаҳрихон, Хўжаобод ва Луғумбекда филиаллари очилгач, фабрика бирлашмага айлантирилди. Яна филиал очиш керак. Жалолқудуқ районида филиал ташкил этиш хусусида суҳбатлашиши лозим. Андижон шаҳар партия ва совет ташкилотларининг раҳбарларини бирлашмага таклиф этиш керак. Уларнинг ишчилар билан учрашуви турмуш, уй-жой шароитларини яхшилашга қаратилган тадбирларнинг пухта бажарилишига ёрдам бериши аниқ. Бирлашма маҳсулотларини олаётган савдо базаларига мутахассисларни бириктириб қўйишни таклиф этган эди. Самараси яхши бўлмоқда. Харидорларнинг эҳтиёжи изчил ўрганилиб, маҳсулот сифатига бўлган эътирозлар камайди.

...Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институтини битириб, фабрикага оддий нормаловчи бўлиб келган ўша Мастура, мана эндиликда бирлашманинг бош директори. Бош директорнинг эса ташвишлари бир олам. Бу ташвиш уни изланишга, эл манфаати йўлида фидойилик билан ишлашга даъват этади. Бу даъват Андижондаги Володарский номли тикувчилик бирлашмаси бош директорининг ҳаёт дафтарини мазмунан тобора бойитиб бормоқда.

Муқимжон НИЁЗОВ

Қарши районидаги «Москва» совхозининг пиллакори, Қаҳрамон она Турсуной Ҳайитова ўз фарзандларини меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялаётир.

Ш. Шаропов фотоси (ЎзТАГ)



Жўлмирза ОЙМИРЗАЕВ,
Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР халқ ёзувчиси

АФҒОНИСТОН ҚИССАСИ

(Достондан парча)

Тўрт қария йўл босади салт-яёв,
Олис йиллар зиндон эзган беаёв.
Даврон, Сарвар, Акбар, Наби — тўртовлон
Етсак, дейди Кобулгача кўрмай ёв.

Дош беришиб саратоннинг тафтига
Етдилар Кобулни кўрмоқ бахтига.
У ён, бу ён юриб турган соқчилар
Қараб қўяр тўртовнинг афтига.

— Кирит, болам, арзимиз бор Кармалга,
Ҳориганмиз, қолдирмагин армонга.
(Ҳали соқчи жавоб бериб улгурмай
Кармал ўзи чиқиб келди майдонга).

Кексаларни кўриб, йўлга шошмади,
Ҳорғин кўзлар қувончданми ёшланди.
Ҳар биридан аҳвол сўраб, сўнг жадал,
Тўртовини ичкарига бошлади.

* * *

Мана улар чиқишдилар қабулдан,
Виждон амрин аъло билиб дудулдан.
Эзгу ишга, халқ ишига боғлаб бел,
«Ҳайё-ҳайт!» деб одимлашди ҳақ йўлдан.

Ажал ҳоким ҳар чеккаю ҳар ёқда,
Ҳам Кобилу ҳам қишлоғу тоғ-тошда.
Қон ҳидидан ҳарсиллайди дим ҳаво
Она Ватан илинжи бор ҳар бошда...

Афғонистон мулкдорларнинг қўлида,
Не хоинлар ўйнар улар қўлида.
«Экканини ўрмоқ...» бордир азалдан,
Босар эди халқ ғазабин дўли-да!

Нақл бордир: «Тоғ тошин ҳам сўз бузар...»,
Ҳар қаерда меҳнат суйган эр ўзар.
Қон қусдириб халқни зор-зор қақшатган
Зулм тахти яшай олмас, тез тўзар.

Афғон халқин барча жасур ўғлони.
Қалқди элнинг ушатмоққа армонин.
Мушт тугилди зиндонларда минг-минглаб,
Замон эди интиқомнинг замони.

Инқилобий қуёш балқди афғонда,
Фориғ бўлди ноҳақ зулму фиғондан.
Ўз ерига эга бўлди ғолиб халқ,
Осмонига озод боқди ҳар бир жон.

Қобул узра ҳилпиради ол байроқ,
Кундан-кунга бўлаверди вақти чоқ.
Коммунистик қурилишлар йўлида
Меҳнат куйин янгратди эл баландроқ.

Эски замон чириб битган бўлса ҳам,
Юрт инқилоб зиёсига тўлса ҳам,
Орқа қилиб мулкдор-бойлар чет элга,
Сотқин бўлди, бўлди ғаним, муттаҳам!

Аммо улар куйган бўлиб юришди,
Инқилобни суйган бўлиб юришди.
Янги турмуш кунларини мақташиб,
Ҳар иш бўлса гўё ҳозир туришди.

Мақташдилар фирқа бўлган кишини,
Тараққий ва Бабрак Кармал ишини.
Ўзларини ҳар жабҳада бор қилиб,
Лекин зимдан қайрайверди нишини.

Сотқин Амин сотқинларга бош бўлди.
Эл бошига қаттиқ теккан тош бўлди.
Унинг ҳийла-найрангига ишонган
Халқ кўзида қайта бошдан ёш бўлди.

Еру осмон чир айланиб кетди-я,
Амин сотқин ниятига етди-я.
Ҳеч нарсадан хабари йўқ Тараққий
Сўнгги нафас ола туриб деди-я:

— Ҳеч бўлмаса бир қултум сув... сув беринг!
— Сув ичмай ҳам ўлавергин бечиринг!
— Бир қултум сув... сув... деяпман, сув... ахир!
— Энди сувни сенга беради қабринг!

Адолатнинг яна қадди букилди,
Энг аввало коммунистлар тутилди.
Яна азоб, яна жаллод ва ўлим...
Не яхшилар авахтага тиқилди.

Бобо Қилич, Саид, Акмал, Акбарни
Халқ яширди, итлар изғиб ахтарди.
Қийноқларга, даҳшатларга тил ожиз,
Афғонистон ёнолмайин тутарди.

Ғулом Наби сардор эди кўп ғолиб —
Ҳибс этди юрагига ғам солиб.
Ҳомилали Соражони туролмай,
Қолаверди тўшагида тўлғониб.

Алп эди у — алп Коммунист, Комиссар,
Шундан уни эл унутмас, эл севар.
Халқи унга қанот бўлди, куч бўлди,
Шундан ҳануз халқ қалбида у яшар.

Сўндирдилар ток улаб не бошларни,
Не-не жонлар самолётдан ташланди.
Коммунистман, деган тушса тузоққа,
Тириклайин ерга кўмиш бошланди.

Сўнгра яна бир инқилоб берди рўй,
Қизил байроқ яна юксак чўзди бўй.
Амин каби ғаламислар йўқолиб,
Элпарварлар эл бахти деб сурди ўй.

Юрди афғон Бабрак Кармал йўлидан,
Тафт олди Советлар қалбин қўридан.
Советлар ҳиммати, дўстлик қудрати
Жой олди ҳар афғон қалбин тўридан.

Афғон, еру сув эгаси яна сен,
Қўлин чўзган дўст элларинг яшасин!
Афғонистон, озодликда омон бўл,
Бошгинангда бахтинг мудом яшнасин!

Омон бўлсин доим порлоқ қуёшинг,
Энди асло тўкилмасин кўз ёшинг.
Соф осмонинг ой-юлдузли, офтобли,
Қутлар сени дўсту қўшнинг, қардошинг.

Афғонистон, қардош юртим, жон қўшним,
Дўстларингнинг мададидан шон қучдинг.
Янги турмуш, замонангни ардоқлаб,
Асрлардан ошавергин, лочиним!

* * *

Бугун Жайҳун жўшиб-тошиб тўлғанди,
Қўш қирғоғи дўст халқларга чулғанди.
Қардош эллар, қалбдош эллар жам бўлиб
Совет-Афғон қардошлиги тўйланди.

Дўстлик кучи яна бўлди намоён,
Етти иқлим аро кетди шу шоён.
Қўш қирғоққа қулоч ёйиб қад керди,
Олтин кўприк бўлиб «Термиз-Хайратон».

Олтин йўл бу, дўстлик йўли — кўприги,
Олтин минбар, дўстлик қўли — кўприги.
Бу кўприк ҳам Ленин йўлин мадҳ айлаб
Мангу қолгай бўлиб дўстлик кўриги!

Қорақалпоқчадан ОТАЁР таржимаси

Аҳмаджон ЛУҚМОН

Нилуфар

Гулбарглар устига қўнган томчи сув
Симобдай тебранар, гўё қатра ёш.
Нилуфар бамисли ҳуркиган оҳу,
Тўлқин турган чоғда ҳар ён урар бош.

Эгилиб, солланиб ўйнар нилуфар,
Мавжлар оҳангига мосдир ҳаракат.
Сув узра рақс тушиб мавжларни ўпар,
Қаердан яралган бундай нафосат?!

Мўъжаз ҳовузчада оппоқ нилуфар,
Мавжлар маъвосида ўйнар оҳиста.
Енгил эсган насим яноғдан ўпар,
Хаёллар учади олис-олисга.

Остонадан бошланар ВАТАН

(Анголада пахта илмини ўргатиб қайтган мутахассис ўйлари)

Ризқи-рўзда бор экан, нетай,
Ватан, сендан бўлмоқлик йироқ.
Дилда соғинч, айланиб кетай,
Биз барибир эт билан тирноқ.

Тушда кўриш бўлди одатим,
Висолингни соғинган маҳал.
Балки севгим, меҳру қанотим,
Қучоғингда топгандир сайқал.

Ғарб билан Шарқ қулочи етмас,
Шимол, Жануб бўйига бўйдош,
Шафақ каби ранги ҳеч кетмас
Харитангга термулардим, рост...

Кўриб қолсам бирор ҳамшаҳар —
Туғишганим кўп сонли миллат.
Чечаклардан йиғувчи нектар —
Боларидек олардим қудрат.

Инсон қизиқ, ажойиб хилқат,
Ҳаяжондан излар ҳаяжон.
Яшамоқни билиб бир ҳикмат,
Интилади эзгулик томон.

Қайтмоқдаман яна уйимга,
Ахир, қуш ҳам қайтар инига.
Хушбахтлигим сиғмас ўйимга,
Юрак эса: сиғмас қинига.

Етиб келдим.
Пойтахти азим —
Москва дилга ҳаяжон солди.
Юз бор таъзим, минг бора таъзим,
Дўстлар мени бағрига олди.

Воҳ, не ажаб, оломон ичра
Сузиб борар тўрт гулли дўппи.
Бўлса сабрим қанийди пича,
Ҳамюртимни қучоқлаб ўпдим...

Сўлқилдоқ нон каби табаррук —
Диёр, сенга етганим маҳал,
Қалбим уриб турса ҳам дук-дук,
Фақат сени ўйламоқ маҳол.

Ахир гузар, маҳалла-кўй бор,
Гўшам, кўчам, туққан остона.
Бермасам мен агар эътибор,
Мен уларга бўлгум бегона.

Остонадан бошланган ватан,
Ҳудудингни билмай ақлим лол.
Унутмасман, унутсам, зотан,
Руҳим кезсин саргардон шамол!

ИБРАТЛИ ТАҚДИР

ПРОФЕССОР Абдураҳмон Абдураҳимов ўз хонасида ҳоли қолган пайтларида марҳум ота-онасининг акалари Абдуқаюм ва Жўрабой билан тушган ва муқаддас эсдалик сифатида деворда осиғлиқ турган суратларига тикилганча ўз ўтмишини, техника фанлари доктори илмий даражасига ҳамда катта бир институтнинг кафедра мудири лавозими мавқеига эришгунча кечган-кечирмишларини эслайди. Шунда у бугунги қут-баракали, фаровон турмушимиз, осойишта кунларимизнинг нақадар қимматли ва қадрли эканини, халқимиз бу бахтли кунлар учун не-не машаққатларни бошидан кечирганлигини, бутун бир ёш авлод жанг майдонида қон тўкиб-қон кечганини юрак-юрагидан ҳис этади...

Мана, бугун ҳам у илмий ижоддан бир зум тўхтаб, девордаги ўша табаррук суратга тикилганча хаёл суриб ўтирарди.

Абдураҳмон урушга кетаётганда ҳали жуда ёш — энди ўн саккизга тўлаётган йигитча эди... У Украина фронтининг 240-ўқчи гвардия полкида хизмат қилди. Ёвуз душманга қарши олиб борилган аёвсиз жангларда бир эмас, беш марта ярадор бўлиб, не-не азобларни бошдан кечирди.

...1943 йил. Совет қўшинлари бутун фронт бўйлаб ҳужумга ўтган пайт. Қаҳрамон жангчиларимизнинг шиддатли таъқибига дош беролмаган душман бутун фронт чизиғи бўйлаб орқага чекинарди. Лекин у бирор қарич ерни ҳам осонликча ташлаб кетмасди: иложи борича пайт пойлаб қўшинларимизга талофат етказишга ҳаракат қилар, баъзан ғафлатда қарши ҳужумга ўтиб, талофат етказар эди. Ўша йилнинг июнь ойида Шимолий Донец дарёсини мураккаб шароитда кечиб ўтишга тўғри келди. Дарёнинг нариги соҳилида ин қуриб олган душман тўхтовсиз ўт очиб, бизникиларнинг нариги қирғоққа ўтишларини қийинлаштирарди. Шунинг учун полк командири кечиб ўтиш вақтиёқ душманнинг олов нуқталарини мўлжаллаб ўт очиш ҳақида буйруқ берди.

Маълумки, уруш, жанг қурбонсиз бўлмайди. Ўшандаги аёвсиз отишувда ҳар икки томонга ҳам талофат етди. Лекин қўшинларимиз бўш келмадилар. Улар дарёни катта жасорат билан кечиб ўтдилар. Мислсиз қаҳрамонлик кўрсатган довюрак жангчилар орасида тошкентлик ёш йигит Абдураҳмон Абдураҳимов ҳам бор эди. У ўша операцияда моҳир мерган сифатида ўнлаб душманни ер тишлатди. Аммо дарёни кечиб ўтиб, ўн-ўн беш метр юрганда ўзи ҳам чап оёғидан оғир яраланиб йиқилди. Кўп қон кетиб, ҳолдан тойди. Оғир жароҳат дастидан қуюқ ўт-ўлан орасида ўралашиб, ўз қисмларидан орқада қолди... Бироз ором олиб ўзига келгач, гимнастеркасининг этагидан йиртиб олиб, бир амаллаб ўқ ўрнини боғлади. Кейин бор кучини икки билагига йиғди, икки тирсагига суянганча қорни билан олдинга силжий бошлади. Ҳар гал ўн беш-йигирма метр силжигач тўхтаб, нафасини ростлади. Яна билагига куч йиғиб олдинга интилди.

Чамаси беш юз метрлар силжиб, қандайдир йўлнинг четига чиқди. Ўша заҳоти у овозининг борича: «Ўртоқлар! Ёрдам беринглар, яраланганман!» деб чинқирди. Унинг зорланиши дўст-ёрларнинг қулоқларига чалинди. Улар Абдураҳмонни шаҳар госпиталига юборишди. У бу ерда икки ойча даволаниб соғайди ва яна жанговар сафга қайтди.

Бугунгидай эсида. 1944 йилнинг декабрь ойи эди. Совет қўшинлари Венгрияни озод қилиш учун шиддатли жанглар олиб борарди. Ўшанда ички хизмат лейтенанти эди у. Взводга командирлик қиларди. Жангда командирнинг шахсий намуна кўрсатиши эса муҳим аҳамиятга эга эди. Бунгача ҳам у ҳужум пайтларида олдинга чиқиб, ўз ҳарбий бўлинмасини бир неча бор жангга даъват этганди. Бу гал ҳам Байбе шаҳрини озод қилиш учун ҳужумга ўтилди. Абдураҳмон ўз бўлинмасидан олти метр олдинга чиқиб: «Жангга!» дея буйруқ берди. Шу заҳоти унинг взводи бошқа ҳарбий қисмлар билан бирга душманга шердек ташланди...

Аммо ўша топда душман мерганининг пистирмадан мўлжаллаб отган ўқи Абдураҳмоннинг чап кўкрагига тегди: юзи билан ерга йиқилди у. Упирма ўқ (разрывной) ўрнидан тирқираб қон оқарди. Жон ҳолатда хаёлини совуқ ҳис чулғади: «Наҳотки, ўзга юртда поймонам тўлиб, хоки-тупроқ бўлсам-а...»

Қандай қилиб бўлса ҳам қон кетишини тўхтатишни ўйларди. Шу мақсадда сирпалиб-сургалиб, не азоб билан елкасига ағдарилди. Шунда танасининг оғирлиги тушган устидаги пахталик жароҳат оғзини беркитди, қон ювишиб тўхтади. Бу орада санитария батальонидагилар Абдураҳмонни топишиб, уни ичкарига — шаҳар госпиталига жўнатдилар. Бу ерда у уч ой даволанди. Ўша йили февраль ойининг бошларида соғайиб, яна фронтга жўнади.

У урушни Чехословакия территориясида тамомлади. Ўша ердан Ватанига қайтгандан кейин ҳам бирмунча вақт ҳарбий қисмларимизда хизмат қилди. Абдураҳмон 1946 йилнинг 25 апрелидагина туғилган юрти — Тошкентга қайтди. Жанг майдонларида кўрсатган жасоратлари учун Қизил Юлдуз ордени ва жанговар медаллар билан тақдирланди.

Абдураҳим ота ва Солия ая кенжасининг соғ-омон қайтганини кўриб беҳад қувондилар. Ўртанча акаси Жўрабой ҳам урушдан аллақачонлар қайтган ва ўша пайтда шаҳар муассасаларидан бирида ҳисобчилик қилар эди. Катта акаси ҳақида эса қора хат келганди.

Абдураҳмон ўқиб-тайёрланиб Ўрта Осиё Индустрия институтининг (ҳозирги Политехника институти) озиқ-овқат факультетига ўқишга кирди. Энди у не-не қурбонлар ҳисобига қўлга киритилган тинч кунларнинг ҳар дақиқасини қадрлашга интиларди.

1951 йил ёзида Абдураҳмон институтни муваффақиятли тамомлагач, ёғ технологияси кафедрасида аспирант бўлиб қолди. Шу-шу илм кетидан қувди. Кафедра мудири, профессор Александр Маркман сингари етук олимлардан сабоқ олди. Тинмай изланиб, «Ёғларни гидрогенизациялаш (водород билан ҳайдаш)» мавзусидаги кандидатлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Унинг фандаги дастлабки ютуғи устозларининг унга бўлган эътиборини орттирди. У ёғларнинг ишлаб чиқариш технологиясини яхшилаш ва улардан бошқа хил маҳсулотлар олиш соҳасидаги тадқиқотларини кенг кўламда қатъият билан давом эттирди. Мазкур жараён бўйича ёғ саноати корхоналарида кўплаб тажрибалар ўтказиб, ўзининг илмий хулосаларини амалда жорий этишга ҳаракат қилди.

Олимнинг 1975 йилда «Ёғларни гидрогенлаш усули» ҳақидаги докторлик диссертацияси ёғ технологиясини такомиллаштиришда муҳим бурилиш ясади.

Профессор Абдураҳмон Абдураҳимов билан суҳбатимиз мамлакатимиз Озиқ-овқат программасини амалга ошириш ва саноатдаги ички резервлар хусусида борди.

— Аҳоли ўсган сари унинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи тобора ортиб бораётир,— деди олим ўзига хос вазминлик билан.— Халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида ҳали тўлиқ фойдаланилмаётган ички имкониятлар талайгина.

Озиқ-овқат программасида янги механизмлардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш ва шу асосда кўпроқ ҳамда сифатлироқ маҳсулот тайёрлаш кўзда тутилган. Бу — жуда муҳим масала. Масалан, бизнинг тавсиямиз билан Тошкент ёғ-экстракт заводида ўрнатилган янги қурилма ёрдамида ёғларнинг чиқиндиларидан истеъмол учун керакли бўлган турли маҳсулотларни олишни тажрибадан ўтказаяпмиз. Масалан, қурилмада (катализатор иштирокида) ёғни оқлаш жараёнида ундан кўп миқдорда қорамтир модда — сапсток олинаётир. Бу эса совун тайёрланадиган энг арзон ва қулай хом ашёдир. Ёки бўлмаса маргарининг олинг. Одатда, пахта ёғини гидрогенлаш йўли билан саломас деган модда олинади. Биз завод инженер-техник ходимлари билан ҳамкорликда худди шу моддадан катализатор иштирокида маргарин ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Илгариги усулда ёғ маҳсулотидан маргарин олиш учун ортиқча харажат бўларди ва уни ишлаб чиқариш бир қанча жараёнлардан иборат эди. Ҳар иккала маҳсулот эса истеъмол ва турмуш учун зарурдир...

Олимнинг ҳар бир гапидан унинг умумманфаат йўлидаги жонкуярлиги сезилиб турарди. Зеро, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Кашфиётлар ва ихтирочилик ишлари бўйича давлат Комитети томонидан унинг номига берилган ўттизта гувоҳноманинг ҳар бирида олимнинг ёғ технологиясини такомиллаштириш борасидаги самарали хизматлари қайд этилгани бежиз эмас. Профессор Абдураҳмон Абдураҳимов СССР Маҳсус ва олий таълим министрлиги «Пищевая технология» журналининг редколлегия аъзоси сифатида озиқ-овқат технологияси бўйича қилинаётган илмий ишларни координациялаштиришда кўмаклашаётган бўлса, олим ёғ технологиясининг етук мутахассиси сифатида ўзининг назарий тавсияларини республикамиз мой саноатида изчиллик билан жорий этаётир. Бу эса катта иқтисодий самара бермоқда.

Фанда у ёшларнинг ғамхўр ва талабчан устози тарзида ҳам эътибор топаётир. Олимнинг фан кандидати деган илмий даражага эришган Йўлдош Қодиров, Илҳомжон Пўлатов, Тўлқин Миҳолиқов сингари истеъдодли шогирдлари озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштириш бўйича муҳим изланиш олиб бормоқдалар.

Уруш ва меҳнат ветерани, республикамиз тенгдоши бўлган профессор Абдураҳмон Абдураҳимовнинг ҳаёти ва илмий фаолияти ана шундай ибратлидир.

Шомурод СИДДИҚОВ



Озиқ-овқат программаси амалда

ҚЎРИҚ БАҲОДИРИ

Шариф ака чорак асрдан буён қўриқ очиб, пахтакорлик шарафини улуғлаб келаётган уста пахтакор. Уни район ва область миқёсидаги катта-кичик йиғилишларга тез-тез таклиф қилиб туришади. Шариф ака ўз тажрибалари ҳақида сўзлар экан, ҳамкасбларини ипак хотадан мўл ҳосил етиштириш учун тинимсиз меҳнат қилишга, фан ютуқларидан омилкорлик билан фойдаланишга даъват этади.

— Чўл фарзандиман,— дейди у фахр билан.— Чўлдаги ҳар қарич ер менга беш қўлдек маълум. Дунёда ғўзадек нозик ва сермеҳнат экин йўқ. Унинг заҳматларига чидаган деҳқонгина роҳат кўради.

— Қўриққа ҳужум бошланган 1957 йилда, ҳаммаёқ чангалзор ва қамишзорлардан иборат эди. Сувсизликдан тилим-тилим бўлиб ёрилиб кетган ердаги гиёҳлар баҳор ўтиб, ёз фасли бошланиши билан қовжираб қуриб қолади. Кейинчалик Чимқўрғон сув омбори қурилди. Аста-секин сув танқислигига ҳам барҳам берилди. Эндиликда бу ерлар таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Бунинг боиси шуки, аввалги қўриқ ерларда саноат учун қимматбаҳо хом ашё бўлган ипак пахта етиштирилмоқда. Шариф ака бригадасининг аъзолари озиқ-овқат программаси рўёбга чиқишига ҳам муносиб улуш қўшмоқдалар. 2 гектардан ошиқроқ ерга қовун, тарвуз, 5 гектар ердаги бедадан яхшигина ҳосил олинмоқда. Ўтган йили бригадада ўн бош қорамол семиртирилиб гўштга топширилди. Бу йил эса яна 15 бош қорамол бўрдоқига боқилаяпти.

— Шариф Турсунов камтар, меҳнатсевар одам,— дейди совхоз директори Тоштемир Аминов.— Йилнинг тўрт фаслида ҳам бекор турмайди. Лекин ҳанузгача иш юзасидан бирор марта нолимаган. Аксинча, йўқни йўндиришга, янги нав деса албатта биринчи бўлиб экишга ҳаракат қиладиган бригада бошлиқларимиздан.

Район ва область пахтакорларининг йиғинлари кўпинча Шариф Турсунов бошлиқ бригада дала шийпонида ўтказилади. Ана шундай йиғилишларнинг бирида у сўзга чиқиб «С-6037» нав ипак пахта чигитн Қашқадарё шароитига мослиги ҳақида гапирди. Унинг таклифини Ўзбекистон Компартияси Қашқадарё область комитетининг вакиллари ҳам қувватладилар. Шариф Турсуновнинг бу ташаббуси йиғилишда маъқулланди.

Йигит киши сўзини елга совурмайди. Мана, Шариф ака ерга ипак пахта чигитн тушган кундан бошлаб ҳузур-ҳаловатнни йўқотди. Кўпинча уйга боришни ҳам унутиб, шийпонда тунаб қоладиган бўлди. Бригада пахтакорлари ғўза қатор оралаларига ишлов беришни бугал район хўжаликлари орасида биринчи бўлиб бошладилар. Ғўзани сийраклаштириш учун атиги икки ярим иш куни сарфланди. Бу ишда бригаданинг 28 нафар ишчиси қатнашди. Механизатор Ғавси Турсунов ҳам ғўза парвариши бошланиши билан чопиқ тракторини бир дам тиндирмади. Бригада сувчилари Тожиддин Абдуллаев, Ғиёс Турсунов, Содиқ Камолов, Аҳмад Паттуловлар ҳам ҳар томчи обиҳаётдан самарали фойдаланишди. Сифатли парвариш қилиниб, қондириб суғорилган ипак пахта ғўзаларн кутилганидан ҳам серҳосил бўлиб етишди. Натижада бригада пахтакорлари ҳар гектар майдондан 40 центнердан ошириб хирмон кўтаришди. Давлатга 350 тонна ипак пахта сотилди. Бригада ишчилари пахтачиликдан 300 минг сўмдан кўпроқ даромад олишди.

Ўтган йили бригада пахтакорлари чўл шароитига чидамли, иссиққа бардошли бўлган «С-6037» нав чигитн экдилар. Ипак пахтанинг бу навн олдингиларига қараганда анча серҳосил ва вильтга чидамли эди. Бригада аъзолари навларни алмаштириш билан ўз пахта майдонларида вилтга барҳам бердилар. Бригада миришкорлари тегишли майдонларнинг ҳаммасида «Термиз-14» навли ипак пахта чигитини экдилар. Чигит экиш олдидан ҳар гектар ерга 10 тоннадан чиринди сепилди. Беш йиллиқнинг тўртинчи йилида ҳар гектар майдондан 50 центнердан ипак пахта етиштириш мажбуриятини олган бригада пахтакорлари агротехника тадбирларини бекаму-кўст амалга ошираётирлар.

Шариф Турсуновнинг кўп йиллик самарали меҳнатлари партия ва ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланмоқда. Унинг кўксини Ленин ордени, «Октябрь Революцияси», «Ҳурмат белгиси» орденлари, Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик ютуқлари кўргазмасининг олтин ва кумуш медаллари безаб турибди.

Бригада далаларида куз ойи бошланди. Оппоқ пахтазорларда «зангори кема»лар сузиб юрибди. Юбилей йили хосилини барвақт йиғиштириб олиш уларнинг қатъий қароридир.

СССРнинг Озиқ-овқат программаси бажарилишига муносиб ҳисса қўшаётган Ульянов районидаги «Партия XX съезди» совхози 2-бўлимининг қўриқ баҳодири Шариф Турсунов ва у бошлиқ коллектив ишчилари бу йил ҳам ипак пахтадан мўл ҳосил етиштиришга қатъий аҳд қилишган.

Жўра ЮСУПОВ



Тошкент шаҳар Собир Раҳимов районидаги 33-поликлиниканинг биохимик врачи Н. Абдуазимова [ўнгдан], биохимик Н. Юсупова ва врач-биохимик А. Баталова лаборатория таҳлилларининг натижаларини кўздан кечирмоқдалар.

В. Портнов фотоси

Фан Фаразлари

МЕТЕОРИТ ҚАЕРГА ТУШДИ?

Шу йил 31 январь куни Ўрта Осиёнинг кўпчилик аҳолиси табиатнинг нодир бир ҳодисаси — катта метеорит тушганлигининг гувоҳи бўлди. Тошкент вақти билан тахминан соат 23 дан 56 минут ўтганда осмондан ёрқин олов шар учиб ўтди. У уфққа яқинлашгач, бир неча бўлакка ажради ва шу бўлаклар ерга тушди.

Ҳозир СССР Фанлар академияси Метеоритлар комитетининг илмий ходимлари конпот «элчи»ни зўр бериб қидирмоқдалар.

— Ҳар йили планетамизнинг юзига икки мингтага яқин метеорит тушса-да, шулардан атиги бир нечтасигина олимлар қўлига келиб етади,— деди комитет ходими Р. Хотинок.— Таассуфки, уларнинг қарийб ҳаммаси денгиз ва океанларда, чўл ва тоғларда йўқолиб кетади. Ҳолбуки, метеоритлар илм-фан учун ғоят қимматлидир. Чунки, у Қуёш системасининг энг қадимги моддаси бўлиб, уни ўрганиш шу система эволюциясини тушуниб етишга ёрдам беради.

Одатда «Учар юлдуз» тушганлигини кўнгилли ёрдамчиларимиз — астрономия ҳаваскорларининг хабарлари туфайли тасодифан билиб қоламиз. Лекин бундай хабарлар баъзида оз бўлади. Бу сафар ҳам шундай бўлди — ҳозирча ўз кўзи билан кўрган кишининг биргина тафсилий баёнига эгамиз. Урганчлик Р. Каримов шуни айтди. У метеоритни жанубий-шарқий томонда кўрган. Чунончи, Болид шимол сари ҳаракат қилган. Биз метеорит Узбекистон территориясига, аниқроқ қилиб айтсак, Бухоро областига тушган деб бемалол тахмин қила оламиз. Аммо у Самарқанд, Газли, Навоий, Зарафшон, Қаршн, Ўрта Осиёдаги бошқа шаҳар ва посёлкалар районларида ҳам кўзга яққол кўринниб турган.

Ходимлар метеоритни излашда ёрдам берадиган ҳар бир кишидан миннатдор бўладилар. Комитетнинг адреси: Москва, 117313, СССР Фанлар академиясининг Метеоритлар комитети.

Нуқтаи назар ЙЎЛ

Назир САФАРОВ,
Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси

Эллик йил — ярим аср. Шу йил август ойида СССР Ёзувчиларининг биринчи съезди ўтганига роса эллик йил тўлади. Ёзувчиларнинг биринчи съезди ҳақида гапиришдан аввал то шунгача мамлакатимизда, чунончи, Ўзбекистонда адабий ҳаракатчилик қандай аҳволда эканлигига бир назар ташлаб ўтишга тўғри келади. Бу бизнинг биринчи съезд адабий ҳаракатчиликда ниҳоятда катта роль ўйнаганлигини тушунишимизга ёрдам беради.

Улуғ Октябрь инқилоби шарофати билан меҳнаткаш халқ эрк, инсоний ҳуқуқ ва мустақилликка эришди. Ишчи ва камбағал деҳконлар иттифоқи вужудга келди. Мамлакатда рўй берган мана шу сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришлар билан бир вақтда мактаб, маориф, фан, маданият ва санъат жадал ривожланиш палласига кирди.

Бутун мамлакатда бўлганидек, республикамизда ҳам доҳиймиз В. И. Ленининнинг: «Саводсиз мамлакатда социализм қуриш мумкин эмас» деган сўзига амал қилиниб, қисқа вақт ичида саводсизликни тугатишга, аҳолини ёппасига савод чиқариш учун жалб этишга мавжуд бўлган барча куч ва имкониятлар сафарбар этилди. Натижада 1932 йилга келиб, атиги ўн беш йил ичида ўлкамизда мактаб, маориф, фан, маданият ва санъат мисли кўрилмаган ютуқларни қўлга киритди, ёш зиёлилар авлоди етишиб чиқди. Масалан, мана шу даврга келиб, ўзбек совет адабиётида Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Садриддин Айний, Абдулла Қодирий, Сўфизода каби устодлар сафига дадил келиб қўшилган талантли ёзувчилар, шоирлар, драматурглар тўлқини пайдо бўла бошлади. Лекин улар турли-туман уюшмаларга бирикқан эдилар. Ҳали синфлар батамом тугатилмаган бир шароитда мафкура майдонида синфий кураш тобора кескинлашмоқда эди.

Маълумки, Ўзбекистонда адабий ҳаракатчиликнинг дастлабки уюшмаси «Қизил қалам» жамиятидир. Россияда РАПП ташкил топгандан кейин Ўзбекистонда ЎзАПП адабий уюшмаси майдонга келди. Муштумзўр қулоқ синфи ҳали тугатилмаган бир даврда «Зиёлилар — зиёнлилар» деган ибора пайдо бўлиб, зиёлилар ичидан ҳам қулоқларни ёқловчилар чиқа бошлади. Эксплуататор синфга ва уларни ёқловчиларга қарши кураш олиб борувчи қалам аҳллари — Ҳамза, Абдулла Авлоний, Садриддин Айний, Абдулла Қодирий, Сўфизода сингари ёзувчи ва шоирлар, улар билан изма-из Ғайратий, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом, Уйғун, Яшин, Ҳусайн Шамс, Абдулла Қаҳҳор каби ёшлар етишиб чиқдилар ҳамда улар мафкура майдонидаги курашнинг олдинги сафида турдилар.

Ғоявий кураш қуроли — адабиётга раҳбарлик қилиш учун Россияда РАПП, Ўзбекистонда ЎзАПП тузилган эди. Бироқ бу адабий уюшмалар дастлабки йилларда сезиларли ижобий роль ўйнаса-да, сўнгги кескин табақаланиш ва қулоқларни синф сифатида тугатиш даврига келганда, улар адабий ҳаракатнинг ривожига тўсиқ бўлиб қолди. Бу тўсиқликнинг маъноси шундан иборат эдики, Россияда РАПП, Ўзбекистонда ЎзАПП адабий уюшмаси тор қобиққа бикиниб олди. Яъни фақат пролетариат ғоясини тарғиб этувчи ҳамда бирон бир завод ёки фабрикада ишловчи ёзувчигина мазкур уюшмаларга аъзо бўла олар, ёзувчилик қилишга ҳуқуқли ҳисобланар эди. Бу эса совет ҳокимиятига хайрихоҳ қобилиятли қалам аҳлларини адабий ҳаракатдан мутлақо четлаштириб қўйган эди.

ВКП(б) Марказий Комитети мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий-ижтимоий соҳаларида рўй берган ўзгаришларни ҳамда мавжуд адабий уюшмалардаги нуқсонларни ҳисобга олиб, адабий ҳаракатчиликка раҳнамолик қилиб турган РАПП ҳамда ВАППларни тугатиш мақсадида 1932 йилнинг 23 апрелида «Адабиёт ва бадиий ташкилотларни қайтадан қўриш тўғрисида» қарор қабул қилди. Шунда, Бутуниттифоқда бўлганидек, Ўзбекистонда ҳам ЎзАПП уюшмаси тарқатилиб унинг ўрнига янги Ўзбекистон Шўро адабиёти ташкилот комитети тузилди. Ташкилот комитетининг раиси қилиб Раҳмат Мажидий тайинланди. Мен Ташкилот комитетининг секретари эдим.

Ўзбекистон Шўро адабиёти ташкилот комитетига кўп ёзувчилар, шоирлар, драматурглар келиб ёзилди, аммо аввалги уюшмалардан кўнгли қолган Абдулла Қодирий (Жулқунбой) союзимизга кўриниш бераверманди. Зеро, у «Утган кунлар», «Меҳробдан чаён» романлари билан эл орасида шуҳрат қозонган биринчи ўзбек романнависи эди. Шунинг учун биз Мажидий, Алексеев ва мен Абдулла Қодирийнинг уйига бориб, уни союзимизга жалб этдик. Қодирий ижодида янги давр бошланиб кетди. Янги замон қурувчи меҳнаткашлар ҳаёти, меҳнати ва уларнинг новаторона маҳорати ҳамда шижоатли тасвирланган «Обид кетмон» номли янги йирик асари юзага келди. Бу ёзувчининг ВКП(б) Марказий Комитетининг 1932 йил 23 апрель қарорига амалий жавоби эди.

Партия ва ҳукуматимиз Ташкилот комитетига ҳамда ёзувчиларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатди, шарт-шароит яратиб берди. Союз учун янги бино ажратди. Уюшқоқ, тиришқоқ янги ижодий коллектив вужудга келди. Мазкур қарорга қадар фақат Тошкент, Самарқанд, Қўқон шаҳарларидагина адабий ташкилот ишлаб турган бўлса, қарордан сўнг узоқ Хоразм, Сурхондарё, Қашқадарё областларида ҳам Ташкилот комитетининг адабиёт бўлимлари барпо этилди. Натижада газеталар ва «Шўро адабиёти ва санъати», «Ер юзи», «Ёркин ҳаёт» каби журналлар бадиий асарларга тўлиб-тошиб чиқа бошлади. Ўзбек совет адабиётида оқсаётган наср жанри жадал ўсди. Наср жанрини ривожлантириш мақсадида конкурс ўтказилди. Натижада Абдулла Қодирийнинг «Обид кетмон» асари билан бир қаторда Садриддин Айнийнинг «Қуллар», Абдулла Қаҳҳорнинг «Сароб», Ҳусайн Шамснинг «Душман», Б. В. Чепруновнинг «Жунаидхон», романлари яратилди ва улар наср жанрининг тараққиётига муҳим ҳисса бўлиб қўшилди.

Шуни ҳам алоҳида қайд этиш лозимки, Бутуниттифоқ Ёзувчиларининг биринчи съезди чақирилгунга қадар улуғ адиб, социалистик реализм асосчиси Максим Горькийнинг шахсан кўрсатмаси билан миллий республикаларга, жумладан Ўзбекистон республикасига бир неча бор Москва ёзувчилари бригадалари ташриф буюрдилар. Айниқса, В. Ермилов бошчилигида келган ёзувчилар бригадасининг иши самарали бўлди. Жуда кўп рус шоирлари ва адиблари — Н. Тихонов, Л. Леонов, С. П. Бородин, М. Светлов, В. Гусев, П. Антокольский, Н. Ушаков, Н. Панов ва бошқалар ўзбек ёзувчиларининг турли жанрларда ёзилган асарларини рус тилига таржима қилиб, Москвада нашр этишди.

СССР Ёзувчиларининг биринчи съезди чақирилгунгача ёш ўзбек совет адабиётида мана шундай жараёнлар ва босқичлар босиб ўтилган, биринчи съездга мана шундай тайёргарлик билан келган эдик.

Минг тўққиз юз ўттиз тўртинчи йил, ўн саккизинчи август. Орзиқиб кутилган Бутуниттифоқ совет ёзувчиларининг биринчи съезди очиладиган кун. Бу кун менинг хотирамдан ҳеч қачон ўчмайди, негаки бу юрагимни нурга тўлдирган, ижодий йўлимни нурафшон этган — менинг ҳаётимдаги энг ёркин кундир.

Биз СССР Ёзувчиларининг биринчи таъсис съездида қатнашиш учун Ўзбекистондан ўн ёзувчи делегат бўлиб борган эдик. Бу делегатлар — Садриддин Айний, Ғайратий, Ҳусайн Шамс, Ғафур Ғулом, Ойдин Собирова, Зиё Саид, Раҳмат Мажидий, Умаржон Исмоилов, Алексеев ва каминадан иборат эди.

Ҳа, мана шу ўн ёзувчи орасида мен ҳам минг тўққиз юз ўттиз тўртинчи йил ўн саккизинчи август тонгини жонажон пойтахтимиз Москвада кутиб олдим. Шаҳар осмони мусаффо, ёз қуёши чарақлаб турарди. Союзлар уйининг олди москваликлар, олис ўлка ва қишлоқлардан келган минг-минглаб меҳмонлар билан гавжум. Ҳатто съезд делегатларининг Колонна залига кириши учун ҳам йўл йўқ. Отлиқ ҳамда пиёда милиция отрядлари делегатларга йўл очиш учун уринишар, бироқ бир қадам силжишга ҳам бўш жой йўқлигидан йўл очолмай қийналишар эди. Шу пайт оломон орасидан одамлар қичқиришди:

— Ана! Келишаяпти!!!

Енгил машина кўринди. Машина шу заҳотиёқ оломон гирдобига тушиб қолди.

— Горький! Ур-ра!

— Севимли ёзувчимизга шон-шарафлар бўлсин, ур-ра!— садолари янграб кетди.

Мен эса шу пайт ўз кўзимга ўзим ишонмасдим. Севиб қайта-қайта ўқиганим «Она» романининг муаллифини, қанча вақтлардан буён бир кўришга орзуманд юрганим улуғ рус ёзувчисини кўриб турганимдан бутун вужудимни ҳаяжон қоплаб олганди, ўзимда йўқ шод эдим. Оломонга қўшилиб мен ҳам қичқирар, буюк ёзувчимиз Максим Горькийни олқишлар, унинг шаънига тасаннолар айтар, одамлар оқимига қўшилиб машина ортидан талпинар эдим. Одамлар сур-суридан қовурғаларим майишса-да, машинадан кўз узмасдим. Горькийнинг қуюқ қошлари тагидаги теран кўзларига боқиб тўймасдим. Ўша дамда мендан бахтиёр киши йўқ эди. Дарҳақиқат, бир темирчига шогирд тушиб юрган болакай учун шундай мартабага эришишдан, мамлакатимиз пойтахти Москвага ташриф буюриб, замонамизнинг энг улуғ адиби Максим Горький билан юзма-юз кўришишга мушарраф бўлишдан ҳам буюкроқ бахт бормиди, ахир!

Союзлар уйининг Колонна залида СССР Ёзувчиларининг биринчи таъсис съезди очилди. Зал съезд делегатлари ҳамда меҳмонлар билан тўла эди. Максим Горький доклад қилди. У худди бизнинг дилимиздаги ниятларни, тилимизга чиқмай юрган гапларни топиб айтар, бутун зални сеҳрлагандай ўз оғзига қаратиб олган эди. Улуғ адиб совет адабиёти фақат рус тилидаги адабиётгина эмас, балки кўп тилли, кўп миллатли Бутуниттифоқ адабиёти эканлигини, қардош халқларнинг қалам аҳллари фақат тиллари билангина ажралиб

туришларини уқтириб ўтди. У умуминсоний адабиёт тўғрисида қайғуришга, инсон онгини, шуурини ўзгартиришга қодир чинакам социалистик реализм адабиётини яратишга, халқ ва партия ишига жон-дили билан берилган замондошларга ҳамнафас совет ёзувчилари отрядини тарбиялашга, ёш қаламкашларга ғамхўрлик кўрсатишга чақирди.

Агар пировард-натижасини айтадиган бўлсам, СССР ёзувчиларининг биринчи съезди бугунги мислсиз ғалабаларни қўлга киритган қудратли совет адабиётининг мустаҳкам пойдеворини қурди ва унинг кўпмиллатли адабиёт шаклида бирлашиб ривожланишига асос солди. Партия ва халқ иродаси билан ташкил топган бу ижодий союз ўшандан буён ниҳоятда улуғвор ва нурафшон йўлни босиб ўтди.

Ҳа, ярим асрлик йўл ортда. Бу йиллар мобайнида кўп сонли СССР ёзувчилари жамиятимиз тараққиётининг ҳал қилувчи майдонларида жавлон урдилар, халқимизнинг эришган ютуқлару қувончларига, бошидан кечган ғаму ғуссаларига ҳамоҳанг бадиий асарлар яратдилар. Улуғ Ватан уруши йиллари даврида бадиий ижодкорлар қалами қилич ва қалқон вазифасини ўтади. Улуғ Ватан уруши даври бадиий солномаси яратилди. Ёзувчи ҳамда шоирларнинг қудратли овозлари Иттифоқимиздагина эмас, балки бутун жаҳон китобхонлари қулоғига ҳам баралла эшитилиб турди, коммунизм қурувчи омманинг тарбия мактаби бўлиб хизмат қилди ва хизмат қилмоқда.

Шу ярим асрлик давр ичида қардош халқлар адабиёти қатори ўзбек совет адабиёти ҳам жуда катта муваффақиятларни қўлга киритди, улкан зафарларга эришди. Ҳамза, Абдулла Қодирий, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом, Шароф Рашидов, Шайхзода, Миртемир, Сергей Бородин, Абдулла Қаҳҳор ҳозирги адабиётимиз оқсоқоллари — Ўзбекистон ССР халқ ёзувчи ва шоирлари Уйғун, Сарвар Азимов, Комил Яшин, Зиннат Фатхуллин, Зулфия, Михаил Шевердин, Мирзакалон Исмоилий, Александр Удалов, Асқад Мухтор, Мирмуҳсин, Ҳамид Ғулом, Саид Аҳмад, Раҳмат Файзий, Шукрулло, Жуманиёз Жабборов, Ўлмас Умарбеков, Ўктам Усмонов, Саъдулла Карометов, Борис Пармузин, Мақсуд Қориев, Худойберди Тўхтабоев, шунингдек, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Эркин Воҳидов, Муҳаммад Али, Абдулла Орипов, Барот Бойқобулов, Ўткир Ҳошимов, Омон Матжон, Самар Нуров, Ҳабиб Саъдулла, Ҳалима Худойбердиева ва бошқа ёзувчи ва шоирларимиз асарлари республикамиздан ташқарида ҳам маълум ва машҳурдир.

Бугунги кунда адабиёт ва санъат соҳасида улкан зафарларга эришган республикамизда Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топганлигининг олтмиш йиллик юбилейини ўтказишга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Ўзбекистон пахтакорлари XXVI съезд қарорларини амалга ошира бориб, КПСС Марказий Комитетининг Февраль ҳамда Апрель пленумлари қўйган вазифаларни адо эта бориб, юбилей йили хирмонига олти миллион тонна «оқ олтин» тўкиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Пахтакорларимиз, ишчи ва меҳнаткашларимиз, умуман халқимизнинг коммунизм қуриш йўлида олиб бораётган курашлари, эришган зафарлари, бугунги кундаги долзарб масалалар ҳамда эртанги вазифаларимиз ҳам ёзувчи ва шоирларимиз асарларида ўз ифодасини топиши шак-шубҳасиздир. Бинобарин, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Константин Устинович Черненко уқтириб айтганидек: «Кишиларнинг турмуш шароитини ўзгартира бориб, айни вақтда уларни ғоявий-маънавий жиҳатдан камол топтириш, уларни социалистик руҳда тарбиялаш соҳасида катта ишлар қилмай туриб, етук социализмни такомиллаштириш вазифаларини уддалаб бўлмаслиги равшан».

Очил ЭШМУРОД ўғли

УЧҚОРАМ

Кўзимнинг қораси — қиринг қораси,
Рустамсифат йигитларинг наъраси,
Сенда бордир қоракўлнинг сараси,
Адри яйлов, дангир-довли Учқорам[1].

Олам аро кетган майизинг номи,
Бағрингда шоирнинг жўшар илҳоми,
Учрамайди сенда инсон бадноми,
Қалби очиқ кўп меҳмонли Учқорам.

Сенда камол топди ажойиб полвон —
Пахтадан шон топган Болтаев Фармон,
Эъзозланди, кўксига тақилди нишон,
Полвонга кон, мард-маконли Учқорам.

Ярқирар тоғингда мармар тошларинг,
Кўнглимни овлайди бахтли ёшларинг —
Йигитларинг ҳамда қалам қошларинг,
Фарзандлари кенг қамровли Учқорам.

Қўлимизга олдик, иккимиз қалам —
Очил бобо бирла Нурмамат Ҳамдам,
Жўш ургандан урар қалбларда илҳом,
Танти деҳқон, чўнг хирмонли Учқорам.

[1] Учқора — Хатирчи районидаги қишлоқнинг номи.

САЙР АЙЛАЙМИЗ САМОДА

Фарзандларим сайр айлади самода,
Ғанимларнинг дарди бўлсин зиёда,
Совет фани ривож топиб дунёда,
Ердан ойга нарвон қўйди, дўстларим.

Фанлар ичра Совет фани фан экан,
Еру осмон мўъжизага кон экан,
Илм билсанг, ҳамма иш осон экан,
Уқиганга маълум бўлди, дўстларим.

Келажакнинг йўлларини кўрсатган,
Ленинга тасанно таълим ўргатган,
Очил бобонг илм истар фурсатдан,
Билимга ўч замон келди, дўстларим.

ВАТАН

Чор тарафи гулга макон, танда жонимсан Ватан,
Кўзда нурим, белда қувват, юзда холимсан, Ватан.
Бағрингда кўнгил чароғон, сен ўзинг илҳому завқ,
Сўзи мазмунли, қувончим, достонимсан, Ватан.

Чўлқуварлар меҳнатидан топди саҳролар ҳаёт,
Гуллар унди изларидан, барча дўстлар бўлди шод.
Неча ўғил-қизларингга бахш этдинг тоғмас, қанот,
Довруғи оламга кетган гулистонимсан, Ватан.

Хатирчи

Ҳисорак сув омбори гидроқурувчилари — иккинчи участка қурилиш мастери Маннон Исломов, электр-пайвандчи Зулфиқор Муродов ва комсомол-ёшлар бригадаси бошлиғи Ҳайитқул Саноев.

Ш. Шаропов фотоси (ЎзТАГ)

ЧИНОРНИНГ ТЕРАН ИЛДИЗЛАРИ

Ўзбек театри алломалари орасида тириклигидаёқ ўзига ҳайкал қўйган кишилар бармоқ билан санарли. Кўзлари доимо ўйчан, сўзлари пурмаъно, мушоҳадалари чуқур Шукур Бурҳон ана шундай санъаткорлар сирасидан. Шукур Бурҳон бундай улкан эл ҳурматига ўзининг юксак таланти, устодлар таълим-тарбиясига садоқати, касбига фидойилиги туфайли эришган. Шунинг учун ҳам у яратган ҳар бир образ чинордай бақувват ва салобатли, теран ўқ илдизига эга. Бунинг асосий сабабларидан бири шундаки, Шукур ака яратажак образнинг шаклу шамойилини, гўзал маънавий оламини эл дарди, орзу-умидларини тажассум этишдан топади.

Шукур Бурҳон талқинидаги ҳар бир образ турли давр ва турли халқларнинг вакиллари бўлишига қарамай, ўта миллий ва шу билан бирга, умуминсонийдир. Санъаткор ижро этган ролларнинг зуваласи пишиқ. У ўта ҳиссиётли, эҳтироси нозик, хаёлоти чуқур ва бой, ҳассос ва закий санъаткордир.

Доҳий В. И. Ленин образини гавдалантириш қарийб ҳар бир актёрнинг орзуси, аммо ҳамма ҳам бунинг уддасидан чиқавермайди. Аммо Шукур Бурҳон яратган Ленин образи Ўрта Осиёда, Шарқда муболағасиз энг ёрқин, энг баркамол бадиий образдир. Шукур Бурҳон Ленин характеридаги қайноқ энергияни, инсонпарварликни, самимийликни, демократизмни, мутафаккирликни кўрсата олди. У ўзбек томошабинларига доҳийнинг келажак тўғрисидаги фикрини очиб берди.

Атоқли шоир ва олим Мақсуд Шайхзода Шукур Бурҳон ҳақида: «Гўё артистлик санъати унинг ҳаёти учун азалий бир ҳукм бўлиб туғилган эди; гўё саҳна эҳтирослари онасининг сути билан унинг руҳига сингган эди»,— деганида ҳақ эди. Йигирманчи йиллардаёқ ўзбек театрининг отаси деб ном олган буюк санъаткор Маннон Уйғур, бетакрор улуғ актёр Аброр Ҳидоятовлар тарбиясида санъат унинг эътиқодига айланди, вужудидаги, руҳидаги санъат кўзга яққолроқ ташланди, омманики бўлди. Дастлабки қадамларданоқ актёрлик шахсияти саҳнада тонг юлдузидек барчанинг эътиборини ўзига тортди.

Шукур Бурҳон яратган образлар— хоҳ озодлик учун курашган оддий деҳқон йигити Баҳодир бўлсин, хоҳ тақдир зулмидан надомат чеккан Рустам бўлсин, хоҳ қилмишидан афсусланган Ғулом ёхуд мўғул истилочиларига қарши курашган Жалолиддин Мангуберди бўлсин, фашист газандаларининг адабини берган генерал Раҳимов ёки ўз даврининг омадсиз султонию лекин халқининг асл ўғли, мунажжим Мирзо Улуғбек бўлсин — барча-барчаси миллий, чинакамига халқчил, улуғвор образлардир.

Кўз олдингизга умр бўйи пода боқиб ўтган чўпон Сулаймон отани келтиринг. Унинг олижаноблиги, инсонга меҳрибонлиги, маданияти қанчалик юксак, қалби қанчалик пок. Елкасига хуржунини ташлаб, қўлига ҳасса ушлаган нуроний Сулаймон ота ҳам осмондан тушган эмас. Биз уни Нурота тоғларидами, Ҳисор этакларидами, Фарғона ва Чирчиқ водийларидами, Бухоро, Хоразм, Қарши воҳасининг чўлу даштларидами кўргандекмиз, учратгандекмиз. Чирқираб турган гўдакни битта қурут бериб овутган, икки ёшни яраштирган Сулаймон ота — Шукур Бурҳонни кўча-кўйда кўриб, трамвай-автобусда учратиб, таъзимини бажо келтириб жой бермаганмизми... Ватанни севиш инсон боласининг бурчи, деган буюк ҳикматга содиқ бўлиб, кўзининг оқу қорасидай ардоқлаган жигарбандини ва фарзанд ўрнида кўрган кишисини муқаддас ғазотга ўз қўли билан юбориб, ўтирганда, турганда, тунлари уйқуси ўчиб, бедор бўлганда ёдга олиб, унга куч-умр тилаб, икки киши учун меҳнат қилиб, фарзандини алқаб, душманни қарғаб юрган бу табаррук қария ўзимизнинг Сулаймон ота — Шукур Бурҳонни мамлакатимизнинг қайси пучмоғида учратмаганмиз?! Унинг барча дарди, юрагидаги армони ўзбегу тожикка, русу украинга, грузину озарбайжонга, арману туркманга, қозоғу қирғизга, чех, поляк, венгер, хуллас барча халқларга худди ўз кишиларидай таниш.

Сулаймон ота — Шукур Бурҳонининг дўппини қўлга олиб, бир чертиб, чангини сал қоқиб, бошига кийгач, қўллари билан аста дўппининг четини бостириб қўйиши катта тўй-маъракаларнинг бошида нур сочиб турадиган, кўпни кўрган тароватли отахонларимизнинг худди ўзгинаси. Унинг табассуми, кўзидаги ўй-хаёллар, фикрлар кишини ларзага солади. Томошабин Сулаймон ота — Шукур Бурҳоннинг саргузаштини, умуминсоний фазилатларини, орзу-умидларини, жасоратини кўриб ларзага тушади, изтироб чекади, ҳузур қилади. Бунда машҳур Саъдийнинг «Шавқи гулистони»ни ўзбекчалаштирган амакиси Муродхўжа домланинг зиёси, машҳур боғбон, падари Бурҳонхўжа аканинг нозик диди мадад берган бўлса не тонг!

Ҳа, Шукур акада томошабин юрагини титратадиган файзиёб ўзбеки оҳанглар жуда кўп. У ҳар гал саҳнага янги оҳанг билан чиқади. Кечаги Сулаймон ота бугун бошқачароқ кўринишда. Негаки, у томошабин олдидаги масъулиятни чуқур ҳис этади, актёрлик касбини мўътабар билади, энг муҳими санъатга хиёнат қилишдан қўрқади. Худди шоҳ Эдип қондан қўрққандек...

Шукур Бурҳон шоҳ Эдипгача Европа ва рус классикасида мавжуд кўлгина ролларни ижро этган: Горацио, Гамлет, Ромео, Брут, Войницкий, Незнамов ва бошқалар. «Шоҳ Эдип» қадимий юнон драматургларининг ўзбек саҳнасидаги илк асаридир. Бу асар аслида Шукур Бурҳон туфайли саҳна юзини кўрди.

Эдип — Шукур Бурҳон саҳнада илк бор кўриниши биланоқ томошабин эътиборини оҳанрабодек ўзига тортиб олади. Унинг сеҳри қарашлари, нигоҳларининг ўткирлигида, юрагидаги олижаноб мақсад — халқ осойишталиги учун жон куйдиришида. Эдип — Шукур Бурҳон Фива аҳлини ёвуз қуш чангалидан қутқариб, тинчитдим, деганда янги бало пайдо бўлади. Шаҳарда вабо авжга минади. Бунинг сабаби эса, бегуноҳ қон тўккан қотилнинг шаҳарда бўлиши эди. Эдип буни эшитиб, ичдан зил кетади. Ахир Эдип — Шукур Бурҳон тақдирни табдил этиш учун валиаҳдликдан воз кечиб, Фивага келган эди. Чунки у отасининг қотили, онасига эр, фарзандларига ота-ака бўлиш дарагини эшитганди. Отаси эса бу башоратни эшитиб, уни гўдаклигидаёқ ўлимга маҳкум қилганди. Аммо тақдир гўдакни омон сақлади. Башорат амалга ошди. Лекин Эдип — Шукур Бурҳон бундан бехабар, аммо у доимо гумонсирайди. Ана шу гумон уни эзади, ич-этини ейди, авлиё Тересий — Т. Хонтўраев, қайноғаси Креонт — Қ. Хўжаев билан уришгириб қўяди. Бироқ Эдип — мард инсон. У сир очилишидан илгариёқ халқ олдида, бордию жиноятчи ўзи бўлса ҳам кечирмаслигини ошкора айтади. У қанчалик мард ва олижаноб бўлмасин, ноўрин қон тўкиш қалбини қаттиқ ўртайди.

Эдип фожиасини Шукур Бурҳон қандай усталик билан бадиий намоён этган бўлса, унинг инсонийлигини, мардлигини, халқпарварлигини ҳам шундай маҳорат билан талқин қилди. Натижада томошабин қалбидан жиноятчи шоҳ эмас, балки ўз бахти учун, халқ бахти учун курашган чин инсон образи мангу жой олди.

Шукур Бурҳон яратган деярли барча образлар томошабинга маъқул ва мақбул. Булардан ташқари, санъаткорнинг томошабин қалбидан мангу жой олган — кинода ижро этган ролларини Қоработир, Юсуф Ялангтўш, шоҳ Калин, Азнаур полвон, Абу Толиблардир.

Юсуф Ялангтўш эса бутунлай бошқача йўналишдаги образ. Бу образ ўз ички дунёсига кўра Алп Такин, Алпомиш, Рустам, Гўрўғли, Музробшоҳ, паҳлавон Маҳмуд, Аҳмад полвон ва бошқаларни эслатади.

Ялангтўш — Шукур Бурҳонов паҳлавонлардек сумбатли, ўктам, қарашлари бир олам, ўта содда, ишонувчан, олижаноб.

— «Сен Ленинни кўрганмисан?»— деб ҳайратланишини, ёки Қоплонбек куйдирган буғдойларни қўлига олиб, донга йиғламсираб қарашини, душманга нафрат билан тикилишини эсланг. Бутун умри далада ўтган, қўли қадоқ, нонини ҳалол топиб еювчи Бободеҳқонгина куйган буғдойга шундай кўз билан тикилиши мумкин. Фақат ўша эртакдаги паҳлавонлар каби олижаноб қалбга эга Ялангтўш — Ш. Бурҳоновгина Қоплонбекни ваҳшийларча ўлдирмасдан одил халқ судига топшириши мумкин эди. Шукур Бурҳон Ялангтўш образи орқали ўзбек халқи орасидан етишиб чиққан озодлик курашчисининг қуйма, маҳобатли образини яратди.

Санъаткор яратган образлар силсиласидан биронтасини ажратиб ташлаш мумкин эмас. Уларнинг ҳар бири ноёб обидаларнинг ичкари деворига ишланган ажойиб санъат намуналарига ўхшайди...

Ҳа, чинор чиндан ҳам маҳобатли ва бақувват. Унинг қуввати, теран илдизлари — халқчиллигида, она замин билан биргалигида, Шукур Бурҳоннинг касбига, одамларга бўлган мажнунвор буюк муҳаббатидадир.

Сирожиддин АҲМЕДОВ

ТЕАТР

Биология фанлари доктори Машҳура Авлоний.
Н. Шарипов фотоси

ТАДҚИҚОТЛАР САМАРАСИ

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси қошидаги Микробиология илмий-тадқиқот институти ташкил этилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Бу янги илмий муассасада анчагина истеъдодли олимлар хизмат қилмоқдалар. Ана шундай фан заҳматкашларидан бири Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, биология фанлари доктори Машҳура Авлонийдир.

Олиманинг бевосита ташаббускорлигида саноат микробиологияси лабораторияси ташкил этилди. Мазкур лабораторияда озиқ-овқат саноатидаги муҳим микробиология ва биохимик жараёнлар тадқиқ қилинмоқда. Машҳура Авлонийнинг ачитқиларнинг экологияси ва физиологияси устида олиб борган тадқиқотлари муҳим аҳамиятга эгадир. У аниқлаган ачитқи замбуруғларининг тўққиз тури фанда катта янгилик бўлди, илмий тавсиялари озиқ-овқат саноати корхоналарида жорий этилди. Олима томонидан ачитқи организмлари биологияси ва экологияси, уларнинг турли мавсумларда тарқалиш қонуниятлари кенг тадқиқ қилинди. Бу тадқиқот озиқ-овқат саноатида катта фойда келтирмоқда.

Микробиология лабораторияси ходимлари ачитқиларнинг биологик таҳлилини ўрганиш жараёнида физиологик жиҳатдан бир қатор фаол моддаларни кашф этдилар. Жумладан, топилган ачитқиларнинг икки хили Янгийўлдаги биохимия заводида қўлланилмоқда.

Раъно МИРАЛИЕВА,
Лола ЙЎЛДОШЕВА

СССР халқ артисти Шукур БУРҲОНОВ.

Н. Шарипов фотоси

ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ГИМН СОЮЗА СОВЕТСКИХ СОЦИАЛИСТИЧЕСКИХ РЕСПУБЛИК

Текст С. Михалкова
и Г. Эль-Регистана
Музыка А. В. Александрова

Союз нерушимый республик свободных
Сплотила навеки Великая Русь.
Да здравствует созданный волей народов
Единый, могучий Советский Союз!

Славься, Отечество наше свободное,
Дружбы народов надежный оплот!
Партия Ленина — сила народная
Нас к торжеству коммунизма ведет!

Сквозь грозы сияло нам солнце свободы,
И Ленин великий нам путь озарил:
На правое дело он поднял народы,
На труд и на подвиги нас вдохновил!

Славься, Отечество наше свободное,
Дружбы народов надежный оплот!
Партия Ленина — сила народная
Нас к торжеству коммунизма ведет!

В победе бессмертных идей коммунизма
Мы видим грядущее нашей страны,
И Красному знамени славной Отчизны
Мы будем всегда беззаветно верны!

Славься, Отечество наше свободное,
Дружбы народов надежный оплот!
Партия Ленина — сила народная
Нас к торжеству коммунизма ведет!

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ ДАВЛАТ ГИМНИ

С. МИХАЛКОВ ва Г. ЭЛЬ-РЕГИСТАН сўзи
А. В. АЛЕКСАНДРОВ музикаси

Эркин ўлкалардан Улуғ Рус диёри
Яратди қудратли, аҳил оила.
Бирлаштирди мангу халқлар ихтиёри,
Совет Иттифоқи, яша ва гулла!

Озод Ватанимиз, ортсин шон-
шуҳратинг,
Эллар метин дўстлигин меҳвари!
Ленинчи Партия — халқнинг куч-қудрати,
Бошлар ғолиб коммунизм сари!

Бизга эрк қуёши бўрон оша балқди
Ва Ленин ёритди йўлларимизни:
Адолат учун у отлантирди халқни,
Руҳлантирди мардлик, меҳнатга бизни!

Озод Ватанимиз, ортсин шон-
шуҳратинг,
Эллар метин дўстлигин меҳвари!
Ленинчи Партия — халқнинг куч-қудрати,
Бошлар ғолиб коммунизм сари!

Ўлмас коммунизм порлоқ ғоялари
Юртнинг келажагин ёритар аён,
Қўлларда Ватаннинг музаффар ялови,
Унга қалбларимиз содиқ ҳар қачон!

Озод Ватанимиз, ортсин шон-
шуҳратинг,
Эллар метин дўстлигин меҳвари!
Ленинчи Партия — халқнинг куч-қудрати,
Бошлар ғолиб коммунизм сари!

Ёсуман Ширинниng «ўлими» ҳақида Фарҳодга хабар бермоқда.
(«Фарҳод ва Ширин»).

Тожу тахтни гадоликка алмаштирган шоҳ Искандар ҳузурида.
(«Садди Искандарий»).



Навоий буюк шоирлар даврасида. 1. Ҳасан Деҳлавий. 2. Алишер Навоий. 3. Абдураҳмон Жомий. 4. Низомий Ганжавий. 5. Хусрав Деҳлавий. 6. Шайх Саъдий. 7. Абулқосим Фирдавсий. 8. Ҳаким Саноий. 9. Анварий. 10. Хоқоний.

АЛИШЕР НАВОИЙ ДОСТОНЛАРИГА ИШЛАНГАН МИНИАТЮРАЛАР

Баҳром гулгун қасрда.
(«Сабъаи сайёр»).

Ўрт буюк бахшининг бири

Халқ оғзаки ижоди

Халқ оғзаки бадиий ижоди ҳар бир янги авлод қалбида яшаради, қайтадан кучга тўлади. Бугунги кунда Бутуниттифоқ ва ҳатто жаҳон миқёсида катта обрў қозонган ўзбек совет адабиётининг илдизлари ҳам ана шу бой маданий меросимиз — халқ оғзаки ижоди заминига туташ.

Оғзаки адабиёт намояндалари инсониятнинг ватанпарварлик, инсонпарварлик, қаҳрамонлик, халқпарварлик, фидойилик, мардлик, содиқлик каби фазилатларини доимо улуғлаб, ҳар бир янги насл руҳига сингдирганлар. Бу Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг Зарафшон водийсида бўлиб ўтган республикамиз адабиёти кунларида яна бир бор тасдиқланди.

Адабиёт кунлари машҳур халқ бахшиларидан бири Муҳаммадқул Жомурод ўғли Пўлкан таваллудининг 110 йиллиги кенг нишонланди. Шоир туғилиб ўсган Олтинсойда бўлиб ўтган тантаналар адабиёт байрамига алоҳида файз бағишлади.

Республикамизнинг атоқли шоир ва ёзувчилари билан бир қаторда устоз бахшилар анъаналарини давом эттираётган Умарқул Пўлканов, конимехлик бахши Қурбон Наврўзов, Зиёдулла бахши Исломов, Очил шоир Эшмурод ўғли ўз термаларидан тўлиб-тошиб намуналар айтдилар. Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи шеърият кенгашининг раиси Мирмуҳсин шоир юбилейига бағишланган кечани бошқариб, халқ достонларига минг йиллар силсиласида сайқал бўлиб, авлоддан-авлодга етказиб, равнақ бериб келган Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Пўлкан шоир, Абдулла шоир, Жамбул, Сулаймон Стальский, Цадасаю Мулланафас, Тоголок Мўлдалар ижодининг совет маданиятида тутган ўрни ва аҳамияти хусусида гапирди. Дарҳақиқат, ўзбек халқ оғзаки ижодиёти маданиятимиз хазинасида салмоқли ўрин тутади. У жаҳон фольклор хазинасини нодир асарлар билан бойитиб, унинг уфқини кенгайтирган ўзига хос ва такрорланмас ҳодисадир. Халқ даҳолари — достончи-шоирлар томонидан ардоқлаб келинган, улардан ёзиб олинган ўлмас асарлар ўзбек халқ эпосини мангуликка сақлаб қолишга имкон берди. Бундай буюк бахтга халқимиз Улуғ Октябрь социалистик революциясидан сўнггина эришишга муяссар бўлди. Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Муҳаммадқул Жомурод ўғли Пўлкан, Ислом Назар ўғли, Абдулла Нурали ўғли, Умир Сафар ўғли, Бўри Содиқ ўғли сингари сўз санъаткорларининг юксак истеъдоди офтоб юзини кўрди. Улар халқимиз маънавиятини асрлар шамолларидан асраб, ўз соҳиблари — яна халқимизга етказишди.

Атоқли достончилар ўзбек поэзияси тараққиётига муносиб ҳисса қўшган буюк халқ шоирлари сифатида эл муҳаббатига сазовор бўлиб келишмоқда. Катта истеъдод соҳиби бўлган Пўлкан ҳам халқимизнинг севимли ва ардоқли шоиридир.

У неча йиллардан буён эл дилида сақланиб келинаётган кўплаб достонларни ёд билар, уларни соз ва сўзида талқин этар эди. Пўлкан совет даврида оригинал достонлар, термалар яратиб, поэзиямизга ёрқин саҳифалар олиб киришга эришди.

Муҳаммадқул Жомурод ўғли Пўлкан 1874 йилда ҳозирги Хатирчи районидаги Қатағон қишлоғида камбағал оиласида туғилган. Унинг болалик, ёшлик йиллари ниҳоятда оғир ўтган. Ота ва онаси ёшлигидаёқ вафот этади. Яшаш уни кишиларнинг юмушларини бажаришга мажбур этар эди. Ёш бола бўлишига қарамасданоқ бойлар қўлида чорикорлик қилади, чўпон бўлиб уларнинг молларини боқади, деҳқончилик ишларини бажаради. «Умримиз баҳори — бир парча нон учун ўтарди-а. Ёшликнинг куч-мадори эканда, бўлмаса, бир кунда битта тепаликни кетмон, ғалтак қилиб сурганмиз. Эҳ-ҳе, суяк-суякларимиз зирқирагунча терлатиб ишлатарди, имонсиз бойлар. Роса мушкул кунларни кўрдик... Хайрият, инқилоб бўлди. Ленин бошимизни силади. Энди мазлум халқ орзу-умидини рўёбга чиқарган чин замон, бахтиёр давр келди... дегувчи эди отам» (шоир Умарқул Пўлканов хотираларидан).

Санъат — халқ йўлдоши, диллар нури. Ҳамма халқларда бўлганидек, ўзбек халқи ҳам ўз ҳаётидаги барча тантаналар: тўй-томоша, сайл, байрамларда, қайғули-ғамли кунларда санъатга суянди, чексиз меҳр-муҳаббатини унга қўйди. Эрксизлик, жабр-зулм, қора меҳнат халқни қанчалик зулмат тубида сақламасин, барибир, жонли ижодкор бахши-шоирларининг фаолияти нуфузли эди. Анъанавий достонлар, айниқса, элга манзур бўлиб, кенг қулоч ёйган эди. Қўшиқ, достонлар тинглаш меҳнаткаш халққа нондек азиз эди. Чунки у кишилар руҳини тетиклаштиради, уларнинг маънавиятини юксалтириб, ҳаётга бўлган меҳр-муҳаббатларини оширади. Пўлкан яшаётган теварак-атроф — Оқтов тоғи тизмаларидаги қишлоқларда Қўрғон достончилик мактабининг таъсири бениҳоя кучли эди. Жоссоқ шоир ва Жуманбулбул йирик бахши бўлиб танилган эдилар. Ёш Пўлкандаги бахшилик санъатига бўлган катта қизиқишни, унинг қобилиятини кўрган Жоссоқ шоир унга устозлик қила бошлайди, достончилик сирларини ўргатади.

Жоссоқ замонасининг донг чиқарган машҳур халқ шоирларидан эди. Эргаш Жуманбулбул ўғли «Таржимаи ҳоли»да ўзи таълим олган Қўрғон достончилик мактабининг салафлари, жумладан, амакиси Жоссоқ бахши ҳақида шундай маълумот беради:

Мулла Холмуроддан учта ул қолган,
Учови ҳам катта шоирлар бўлган,
Жошузоқ шоир дейди каттасини отин,
Шоирликда кўп шогирдлар чиқарган.

Жоссоқ қуввайи ҳофизаси кучли, ҳайратомуз репертуари бой шоир эди. «Жоссоқ саксонга яқин халқ достонини ёд билар ва достонларни дўмбира билан айтар эди. Жоссоқ машҳур куйчилиги билан қимматли бўлиб қолмай, XIX асрнинг иккинчи ярмидаги кўп машҳур куйчиларнинг устози бўлиши билан ҳам қимматлидир. Ҳозирги машҳур ўзбек куйчиси Пўлкан Жомурод ўғли ҳам Жоссоқ бахшининг шогирдларидандир»,— деб ёзган эди академик шоиримиз Ғафур Ғулом.

Пўлкан ҳам бу чечан бахшининг муносиб шогирди бўлиб етишди. У устози билан эл кезади, бутун вужудига сувдайин сингган сўз санъатини дўмбирасининг жўшқин овозига омихта этади. Йиллар ўтган сайин у ҳам давраларнинг пештахтасига айланади ва халқнинг меҳрини қозонишдек бахтга эришади, ажойиб халқ шоири бўлиб етишади. Анъанавий достонларни мароқ билан куйлай бошлайди.

Инқилобга қадар шоир мажбуран мардикорликка жўнатилади. Бу ҳақда шоирнинг ўзи «Дўмбирам» термасида шундай дейди:

Маскоп, Нижний, Қозон, Нўғайни кезиб,
Шаҳарди қидириб юрган дўмбирам.

Россияда юз берадиган ижтимоий-сиёсий воқеалар шоир онгини анча ўстирди. Чунки мардикорликдаги ҳаёт, бошқа миллатлар билан танишув ва улар билан бирга турмуш машаққатларини бошдан кечириш — бари кейинчалик унинг бадиҳа терма ва индивидуал достонларида аниқ ифодасини топади.

Пўлкан куйлаган халқ достонлари, термалар ранг-баранг эди. У етмишдан ортиқ достонларни ўзига хос оҳангда ижро этар эди. Бунга унинг эпик репертуаридан ўрин олган асарлар яққол далолат беради. «Гулнор пари», «Мисқол пари», «Авазхон», «Ҳасанхон», «Авазнинг уйланиши», «Чамбил қамали», «Юнус пари», «Гўрўғлининг туғилиши», «Алпомиш», «Эр ўғли» каби халқ достонларини билиши ижод оламининг кенглигидан нишона. Бу анъанавий, ўлмас асарларда ўзбек халқининг ўтмиши, турмуши, орзу-умидлари, интилишлари ўз аксини топган. Шоир бундай гўзал ва мангу мавзуларни қалбининг оловли эҳтиросларини билан бениҳоя завқ-шавққа тўлиб куйлар эди.

Шоир бутун ҳаёти ва ижодини Коммунистик партия, совет халқи эзгу ишларининг равнақига бағишлади. Кундан-кунга ўзгариб, гуркираб, яшнаб бораётган Ватанимизни созига солиб куйлади. Бутун қалб ҳиссиёти, ақл заковати ва меҳнатини халқига бахшида этди. Пўлкан шоир ҳам даврининг пешқадам, фаол кишиларидан эди. У қишлоқда қулоқларни тугатишда, хотин-қизларнинг озодлик курашида, коллективлаштиришда жонбозлик кўрсатди. Она қишлоғида «Қизил қўшин» колхозини тузишда актив қатнашди ва унинг ҳақиқий меҳнатсевар аъзоси бўлди.

Улуғ Инқилоб берган бахтиёр ва саодатли совет тузумини шоир қалб торларининг юксак пардасида тараннум этади. Доҳий В. И. Ленин ва Октябрь мавзусини дўмбиранинг жўшқин оҳангларига солади, порлоқ ҳаётини куйлайди:

Ирвогар бойларга бўлди қиёмат,
Камбағал деҳқонга бўлди мурувват,
Меҳнаткашман бўлди Шўро ҳукумат,
Шўро ҳукумати узоқ яшасин,
Таълим берган Ленин ўртоқ яшасин!

Бадиҳагўй шоир созига солган қалб сатрлари янгича мавзу касб этади. Энди анъанавий термалар ўрнига реал ҳаётнинг ёрқин тасвирлари ўз ифодасини топади. «Бахт берган доҳий», «Узоқ яшасин», «Активлар», «Паранжи» термаларида Совет ҳокимиятини, доҳий Ленинни, янги тузумнинг ажойиб ўзгаришларини мадҳ этади. «Кооператив ўғрилари», «Тўйдик эшоннинг дастидан», «Жўсмон элидан арз» каби шеърларида ҳаётимизда учраб турган иллатлар танқид тиғига олинади.

Ўзбек совет фольклоршунослигида Пўлкан шоирдан энг кўп достонлар ёзиб олинган. Унинг ижодида, юқорида кўрсатилганидек, анъанавий достонлар билан бирга замонавий мавзуда яратилган индивидуал асарлар ҳам катта ўрин тутади. «Мардикор», «Комсомолка Ойтўти», «Ҳасан батрак» каби достонлар ўзбек совет поэзиясининг нодир дурдоналари ҳисобланади. Бу асарларда республикамизнинг ижтимоий-сиёсий воқеалари, коллективлаштириш, хотин-қизлар озодлиги ўз аксини топган. «Ҳасан кўл», достонида эса Ватанимизга хиёнаткорона бостириб кирган япон босқинчиларининг кирдикорлари фош этилиб, душманни тор-мор этган қудратли Совет Армиясининг қаҳрамонлиги алоҳида поэтик бўёқларда тасвирланади:

Душман келган СССРнинг қасдига,
Олмос шопни бойлаб олган дастига.
«Урра!»— дея қизил аскар гуруллаб
Тикка борди золим душман устига.

Муҳаммадқул Жомурод ўғли Пўлкан умрининг сўнгги кунларигача жонажон партия ва халқимиз хизматига камарбаста бўлди. У эзгулик йўлида собитқадамлик билан олға бораётган совет кишиларининг бунёдкорликларини сўз ва созида завқ-шавққа тўлиб куйлади. Узоқ ўтмишдан буён тиллардан-тилларга, диллардан-дилларга ўтиб келган халқ достонлари, термаларини қувваи ҳофизасида қайта тиклаб, уларга қалб ҳароратини бағишлади.

Бу йил халқ шоири таваллуд топганлигига 110 йил тўлади.

Она халқимиз Пўлкан шоир хотирасини эъзозламоқда. Улуғ бахшига туғилиб ўсган жойи — Олтинсойда муҳташам ҳайкал ўрнатилган. Самарқанддаги тўрт буюк бахши ҳайкал — ансамблида: Фозил Йўлдош ўғли, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Ислом Назар ўғли қаватида Пўлкан шоир ҳам қўр тўкиб ўтирибди. Бу барҳаёт сиймо номида хўжаликлар, мактаблар, кўчалар мавжуд.

Унутилмас сиймо Пўлкан шоирнинг ўлмас асарлари уни асрлар оша мангуликка элтаверади.

Раҳим ҚОДИРОВ

Навоий шаҳри



Қўлёзмалар секторининг катта илмий ходими Исомиддин Салоҳиддинов.

Музей-қўриқхонанинг ташқи кўриниши.

ҲУРМАТ—ЭЪТИБОР

Акмал Икромов номидаги Республика давлат санъат ва маданият тарихи музейи экспозициялар фонди йилдан йилга бойиб бормоқда. Эндиликда Самарқанддаги бу музейда халқ амалий санъати намуналари билан бир қаторда, мамлакатимизнинг Москва, Ленинград, Тошкент шаҳарларидаги санъат хазиналаридан келтирилган ноёб асарлар кўргазмаларини ўтказиш анъанага айланди. Кейинги йилларда санъат ихлосмандлари Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат ходими, рассом П. П. Беньков асарлари, Третьяков галереяси, Бутуниттифоқ ёш рассомлар кўргазмалари, америкалик коммунист рассом А. Рефрежье асарлари, «Ўзбекистон сопол ва чинни буюмлари», «Океания санъати ва этнографияси» каби кўргазмалари билан танишдилар.

Ўзбекистон халқ санъати ва маданиятининг тарихи музей экспозициясидан асосий ўрин эгаллайди.

Бронза, антик, дастлабки ва ривожланган феодализм даври маданияти ёдгорликлари, XIX аср иккинчи ярми, XX аср бошларидаги безакли амалий санъат намуналари, эрамиздан аввалги V!—X асрлардаги саклар дубулғаси, эрамиздан аввалги I аср кумуш тангалари, терракота-ҳайкалчалар, VIII аср осуарлар коллекцияси, эрамиздан олдинги IV—V аср суғд эҳромларининг ёзувли устунлари ва бошқа ноёб ёдгорликлар томошабинларда катта таассурот қолдиради.

1982 йили музей заминида Самарқанд областида яна еттита музей ва шаҳарнинг ҳамма меъморий ёдгорликларини ўз ичига олган Тарихий-меъморий, бадиий музей-қўриқхонаси давлат бирлашмаси ташкил этилди. Мазкур музей 1976 йил ЮНЕСКО қошидаги Халқаро музейлар кенгаши аъзолигига қабул қилинди.

Асрлар давомида инсоният ақл-заковати билан яратилган ва яратилаётган санъат ва маданият намуналарига бўлган бу ҳурмат ва эътибор тобора ошиб бормоқда. Музейда санъат ва маданиятни ривожлантириш мақсадида илмий-текшириш ишлари амалга оширилаётгани ҳам шундан далолат беради.



Сектор мудири Умида Содиқова иш устида.



XI—XII асрларга оид бадиий металл буюмлари.



Кумуш тангалар.

В. Дубровский фотолари

Оқибатли одамлар

«Энди кимга керакман. Отамнинг ҳам, онамнинг ҳам барча орзу-ҳаваслари мендан эди. «Мана, яримта ўғлингизни боқинг», деб уйга кириб борамanми!! Отамнинг ўзи Улуғ Ватан уруши инвалиди бўлса. Лоақал бир қўлим бўлганда ҳам майли эди».

Рустам азобланиб ётган кунларнинг бирида шифохона палатасига Ҳошим ота кириб келди.

— Рустамжон, ўғлим,— отанинг кўз ёшлари ўғлининг юзларига томчилади. Рустам эса ўзини тетик ва қувноқроқ тутишга ҳаракат қиларди.

— Яхшиман, ота, соғайиб қолдим.

— Уйга, Тошкентга қайтамиз,— деди ҳамон йиғларкан ота.

— Сизга қийин бўлади, ота.

— Мен бор, онанг бор, ўғлим. Сен бизга кераксан.

— Ота, ўзингизни қийнаманг.

Ҳошим ота кўзлари тўла ёш, бир ўзи Тошкентга қайтиб келди.

Хотини Хайри холага ўғлинг дуруст, салом деб юборди, деди-ю бошқа ҳеч нарса демади. Кечқурун Рустамнинг қадрдон ўртоғи Шоисхоқни чақиртириб келди.

— Ўғлим, ўртоғингнинг олдига бориб келдим,— шундай дея Ҳошим ота ўзини ортиқ тутолмай йиғлаб юборди. Анча вақтгача гапира олмади.

— Рустамга бир нарса бўлибдими!

— Ҳа. Ҳозир шифохонада. Бир аҳволда ётибди. Дастлабига танимадим ҳам.

— Ўзингиз билан бирга олиб келавермадингизми!

— Уйга бормайман, энди кимга ҳам керакман, деб оёқ тираб туриб олди.

— Амаки, бўлмаса, биз дўстлар билан маслаҳатлашамиз. Ўзимиз бориб олиб келамиз.

Гўё Рустам ҳозиргина уйига кириб келгандек, Ҳошим отанинг чеҳраси ёришиб кетди...

1967 йил 16 февраль оқшоми 14 нафар қадрдон дўст жам бўлишди. Улар эсларини танигандан буён бир-бирларини яхши биладилар. Болалик йиллари бир кўчада ўтган. Бир ариқдан сув ичиб, бир бурда нонни оқизоқ ўйнаб, талашиб-тортишиб баҳам кўришган. Сомон сувоқли полазор томларда баҳор кезлари варрак учириб катта бўлишган. Мактабга ҳам ҳаммалари бирга боришган. Ўн йил бир синфда ўқишган. Бугун улар орасида фақат Рустам йўқ. Улар ўлим билан олишиб ётган қадрдон дўстни ўз бағриларига олиб келиш учун маслаҳатга тўпланишган. Сўзни жўрабоши Шоисхоқ бошлади.

— Рустам олдига мен билан ким боради!

— Мен борамаи,— дейишди биринчи бўлиб Акмал билан Олим.

— Ишхонамиздан рухсат беришса,— деди Собир билан Жўравой,— биз ҳам борамиз.

— Менимча, ҳаммамизнинг боришимиз шарт эмас,— деди Баҳодир,— икки-уч йигит борсак бўлади.

Орадан уч кун ўтгач, Рустамнинг опаси Дилором, Шоисхоқ ва Олим Рустамнинг олдига жўнашди.

...Аёллар қалбларидаги алам ва қайғуни кўз ёшлари билан ювадилар. Эркаклар эса дардларини ичга ютадилар. Ҳошим ота ўғлининг фожиасини хотинидан сир тутди. Лекин ғам отанинг белини букиб қўйди. Эрининг ҳолатини сезган хола сўраб-суриштирди. Ҳошим ота охири: «Шу Рустам, бироз бетоб бўлиб қолибди, кўриб келишади», деб қутилди.

...Уша куни Рустам ошхонада навбатчилик қиларди. Тушга яқин жуда катта ёнғин бўлди. Атрофда деярли ҳеч ким йўқ. Ҳамма эрталабданоқ далага чиқиб кетган. Ҳар дақиқа ғанимат. Ўт ўчирилмаса, озиқ-овқат омборхонаси ҳам, ётоқхоналар ҳам ёниб, кули кўкка совурилади. Рустам иккиланмай, ўзини ўт ичига отди. Қаердандир пайдо бўлиб қолган сафдош дўстларидан Валера, Расулжон, Каримбек, Геннадий, Комилжонлар ҳам Рустамнинг орқасидан ўзларини ўт ичига урдилар. Олти нафар йигит олдидаги энг муҳим вазифа — ўтни ён хонага ўтказмаслик эди.

Рустам ва унинг қадрдон дўстлари олов билан олишувда совет кишисига хос жасурлик, қаҳрамонлик ва мардлик намуналарини амалда исбот этишди.

Рустам шифохонада 16 кундан сўнг ҳушига келди. Лекин бир умрга ногирон бўлиб қолди — бир оёқ ва бир қўлидан, иккинчи қўлининг беш панжасидан айрилди.

...1968 йилнинг эрта баҳори. Тошкент шаҳар Мевазор маҳалласида истиқомат қилувчи Зоҳидовлар хонадони тўй сингари гавжум. Оиланинг бош фарзанди Рустам шифохонадан буткул соғайиб келгани учун меҳмонлар, ёру биродарлар тўкин дастурхон атрофига тўпланишган. Рустамнинг қалбида ҳам соғинч ҳис-туйғулари жўш уради. Ўтган изтиробли кунлари бир умрга ўчмас хотира бўлиб қолган. У тўққиз ойдан кўпроқ шифохонада даволанди. Лекин сабр-матонат, бардош, дўстларининг садоқати кўнгилга далда ва қувонч бахш этди. Қалбида яшаш завқи жўш урди.

— Оқибатли ва садоқатли дўстларнинг бир-бирларига бўлган меҳр-муҳаббатлари мени қойил қолдирди,— дейди Мевазор маҳалла комитетининг раиси Аҳмад ака Турдиев.— Рустамни, унинг барча ўртоқларини ёшлигидан биламан. Ҳаммаси сахий қалб эгалари.

Рустам уйланди ҳам. Дўстлари тўйини ўтказишда ҳамжиҳатлик билан бош-қош бўлишди. Мана, шунга ҳам ўн йилдан зиёд вақт ўтди.

Рустамжон билан Анoратхоннинг бахт кечасида Ўзбекистон халқ ёзувчиси муҳтарам Назир Сафаров ҳам иштирок этди. Бу тўйга савлат ҳам, давлат ҳам, қадди-қомату дангиллама иморат ҳам асос бўлгани йўқ. Бу тўй жуда файзли, самимий, қувноқ ўтди. Мана, буни «Муҳаббат ва оқибат тўйи» деса бўлади. Бу тўйда эл-юртга оқибатни, чинакам одамийликни, олижаноб дўстлик самарасини кўриш мумкин эди. Ҳар қандай исрофгарчиликдан холи бўлган бу тўй ғоят замонавий ўтди.

Ҳар бир киши ўз ҳаёти давомида қувончли кунларни ҳам, ташвишли дамларни ҳам бошдан кечирмай қолмайди. Лекин бошга кулфат тушганда дўстлар ёрдами, садоқати минг карра зарур. Ҳақиқий дўст кулфатли дамларда синалади. Бу боисдан ҳам халқимиз: «Ота-она — хазина, ака-ука — таянч, дўст эса ҳар икковидир», деб бежиз айтмайдилар.

Камолиддин МИРЗААҲМЕДОВ

ҚАҲВА

Хушбўй қаҳвани ҳўплаб ўтириб хаёл сурасан киши: «Қизиқ, қачондан буён одамлар қаҳва ичар эканлар! Қаердан келиб чиққан бу ичимлик! Нега уни қаҳва (кофе) деб атайдилар!»

Жаҳон пазандалигига ва қаҳва етиштирувчи халқлар этнографиясига оид китобларда қисман бўлса ҳам ана шу саволларга жавоб мавжуд.

Бу шифобахш ичимлик чой сингари чанқоқни босади, овқатни яхши ҳазм қилдиради, бош оғриғини қолдиради, чеҳрани очади, кишини тетиклантиради.

Қаҳванинг жаҳонга кенг тарқалишига, унинг ана шу фазилатлари билан бирга, яна уйқуни қочириш хусусияти ҳам сабаб бўлган. Табиий, кўпроқ кечаси ишлайдиган кишилар: ёзувчилар, олимлар, сайёҳлар ҳамда посбонлар учун қаҳва ичиш жуда қўл келади.

Қаҳва (кофе) ўз номини Жанубий Ҳабашистондаги Каффа қишлоғидан олган. Бунинг сабаби шуки, дастлаб ўша қишлоқ аҳолиси атроф чангалзорларда ёввойи ҳолда ўсувчи бир хил ўсимликнинг қаттиқ мевасини териб келиб, қовуриб, туйиб, қайнатиб ичишган. Лекин бу одат қачон бошланганини ҳеч ким билмайди. Ҳар ҳолда қаҳвани бошқа жойларга ана шу Каффа қишлоғига бориб келган сайёҳлар тарқатганлар. Феодализм даврига келиб, маданий экин сифатида экишни араблар кашф қилишади. Ҳанузгача араб мамлакатларида етиштириладиган қаҳва олий нав ҳисобланиб, европаликлар уни кофе-маккао деб аташади. Чунки дастлабки қаҳва Европа мамлакатларига Макка шаҳридан жўнатилган эди.

Қаҳва ичишга турли шаҳарларда турли даврларда одатланишганлиги тўғрисидаги маълумотлар бор: чунончи, Истамбулда 1454 йилдан бошлаб, Римда 1642 йилдан, Лондонда 1652 йилдан, Парижда 1672 йилдан ва ҳоказо. XVII аср ўрталарида Лондонда қурилган қаҳвахона — «Виргония кафехаузе» ҳанузгача сақланган дейишади. Парижда 1690 йилга келиб, 380 та қаҳвахона бўлганлиги маълум, яна шу нарса ҳам маълумки, буюк француз мутафаккирлари Жан-Жак Руссо ва Франсуа Вольтер кўп асарларини ана шу қаҳвахоналарда ўтириб ёзганлар.

Англияда қизиқ воқеа содир бўлади: руҳонийлар қаҳвага қарши ғалаён кўтаришади. Улар 1675 йили қирол Карл II номига ёзган номаларида шундай таъкидлашади: «Жаноби Олийлари билиб қўйсинларки, қаҳвахоналар жаҳаннам дарчасидир. Кимки кириб қаҳва ичаркан, қиёматда юзи қозондек қора бўлиб кўринади. Чунки қаҳва мусулмон ҳабашларнинг қора қонига, қора этикларини солиб қайнатишидан ҳосил бўлган ичимликдир, у — ҳаром. Ичган банда борки, маҳшарда кўп оҳ уради...»

Сабабини англагандирсиз.

Аслида одамлар бутхонадан кўра кўпроқ қаҳвахонага қатнайдиган бўлиб қолганлигидан руҳонийларга алам қилади. Лекин кўп ўтмай, олимлар қаҳванинг фойдали неъмат эканлигини исбот этишади. Врачлар «қаҳва» кишига ақлий қувват бахш этади, деган фикрни олға сурадилар. Қаҳва хотирани яхшилайди, одамнинг бирон нарсага диққат билан қараш, кўриш ёки эшитиш сезгиларини кучайтиради, ижодда илҳомлантиради, умрнинг тенг ярмини ётиб ўтказадиган уйқуни ҳайдайди.

Ана энди кўринг, ҳалиги руҳонийлар ҳам қаҳвадан лаззатланишиб «маҳшарда оҳ уришларни» ҳам эсдан чиқариб юборадилар.

Шундай қилиб, Англияда қаҳвахўрлик илмий асосланади. Францияда эса қаҳвахўрликни тарғиб қилишда санъат катта роль ўйнайди. Шоирлар, бастакорлар қаҳвага атаб ашула ва кантаталар яратишади. Европада авж олган қаҳвахўрлик Америкага ҳам тарқалади. Бу ичимликка талаб ғоятда ошиб кетади. Иш шу даражага бориб етадики, тупроғида қаҳва ўсадиган мамлакатларга Америка ва Европадан кўплаб экспедициялар кела бошлайди, аста-секин у жойларни колония қилиб олиш бошланади ва аҳолиси оғир эксплуатация остида қолиб жуда азоб чекади. Қаҳвахўрлик жаҳоннинг барча мамлакатларига тарқаб кетганидан сўнг Ява, Шри Ланка, Малгашия, Ҳабашистон, Арабистон, Ҳиндистон, Заир, Кения, Ямайка, Бразилия, Мексика каби мамлакатларда йилига икки маротабадан олинган қаҳва ҳосили ҳам етмай қолади.

XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошларида қаҳва билан савдо қилувчи капиталистлар имитация ўйлаб чиқарадилар. (Имитация — ўхшатма degани бўлади. Яъни ўрнига ўтадиган бошқа маҳсулот маъносида). Одатда имитация қилинган маҳсулот шаклан ўхшаса ҳам, мазмунан сохта бўлади. Чунончи, бир вақтлар мўмиёга талаб кучайиб кетганда, капиталист чайқовчилар асфальтни имитация қилиб сотганлар. Ёки Америкада тошбақа, тимсоҳ ва ёввойи қушларнинг тухумидан порошок тайёрлашиб «товуқ тухуми», деб сотишган. Шунингдек, қаҳванинг нусхасини чиқариш XIX асрда Германияда жуда авж олади. Улар қаҳва имитациясини — цинорий ўсимлигининг меваси, дуб ёнғоғининг мағзи, ерёнғоқ ва қора бўлканинг қотганини туйиб элаки қилиб сотишаверган. 1850 йилларда Гамбург шаҳрида ана шундай сохта қаҳва ишлаб чиқарувчи махфий корхоналарнинг сири очилиб қолади. Буларнинг эгалари фош қилиниб, сохта маҳсулоти мусодара қилингунга қадар, қанча одам лақиллагану қанча миллионлар ҳамёнга урилган!

Қаҳва мавқеининг шу қадар ортиб кетишига икки сабаб бор. Биринчиси, мода фақат кийинишдагина эмас, овқатланишда ҳам бўлади. Маълумки, мода эҳтироси кишиларда мешчанлик кайфиятини ҳам шакллантиради. Бундай одамлар қимматбаҳо нарсаларни кийиш ёки ейиш билан ўзларини бошқалардан ажратиб, мартабалироқ қилиб кўрсатишга интиладилар. Юқорида айтиб ўтдикки, қаҳвахоналарга таниқли арбоблар, олимлар, бастакорлар ва шоирлар келиб туришган. Ҳалиги мешчанлашган кимсалар ҳам қаҳвахоналарга қатнаш билан ёки: «Мен қаҳва ичишга одатланганман», дейиш билан ўзларини уларга тенг деб ҳис қиладиган бўладилар.

Лекин қаҳвага шу қадар талабнинг ортишига иккинчи — асосий сабаб ҳам бор. Яъни бу неъматда бош оғриғини қолдирадиган дори — кофеин мавжуд. Кофеин дастлаб қаҳва таркибидан ажратиб олинганлиги учун шу ном билан аталади. Аммо кофеин булардан бошқа бирор ўсимлик таркибида мавжудлиги ҳалигача аниқланган эмас.

Карим МАҲМУДОВ

СССР халқ рассоми Ўрол Тансиқбоев туғилган кунга 80 йил тўлди

ҲАЁТ КУЙЧИСИ

Ўрол Тансиқбоев номини эсга оларканмиз, кўз олдимизда буюк рассом гавдаланади. Бу барҳаёт рассом яратган ажойиб асарлар бунинг далилидир. Уролни ёдлар эканмиз, биринчи галда Урал тоғидан тортиб Ўрта Осиёнинг осмон билан ўпишиб турган қудратли, салобатли тоғлари, бепоён тоғ этаклари, денгиз каби тўлқинланиб турган чексиз пахтазор майдонлари, сўлим қишлоқлари унинг полотноларида бирин-кетин жонланиб кўзингиз олдидан ўтаверади. Рассом руҳан табиат қалбига сингиб кетган эдики, бу унинг ижодида ўз мужассамини топган эди.

1932 йили ВКП(б) Марказий Комитетининг адабиёт ва санъат ташкилотларини қайта қуриш масаласига бағишланган тарихий қарори социалистик адабиётимиз ва санъатимизда зўр ижодий ғалабаларга эришишга йўл очиб берди. Бу эса ҳақиқий социалистик реализм методи асосида ижод қилаётган Ўрол Тансиқбоев ижодининг яна ҳам гуркираб ривож топишига имконият яратди.

Ўрол Тансиқбоев ўз талантини ишга солиш натижасида кўп полотнолар яратди. Шулар жумласидан баъзиларини эслатмоқчиман: «Пичан ўриш», «Қўшиқ», «Хирмонда», «Орол денгизи», «Сирдарё», «Баҳор», «Чирчиқ манзараси», «Иссиққўл шоми», «Тоғ кузи», «Қўшиқ» (сўнгги полотноси), «Босмачини ушлаш», «1916 йил қўзғолони», «Алишер Навоий портрети» ва бошқалар.

Рассом Улуғ Ватан уруши йилларида чинакам ватанпарвар сифатида ўз ижодий кучини совет халқи ғалабасини яқинлаштиришга, жангчиларимиз қаҳрамонликларини бадиий ифодалашга сафарбар этди. Узбек делегацияси билан бирга фронтга бориб, у ерда урушнинг даҳшатларини кўрди, душман вайрона қилган жойларда бўлиб кўп материал тўплади. Бунинг натижасида қатор асарлар яратди. «Кавалерия ҳужуми», «Партизанлар», «Уруш йўлидан бориб» деган бир қанча полотнолар бунинг мисолидир. Ўрол Тансиқбоев фақат манзара чизувчи рассом бўлмай, одамлар қатнашувчи композициялар яратувчи санъаткор ҳамдир, театр мусаввири ҳамдир. У Қозоғистон театрларига ажойиб безаклар ишлаб берган эди. Ўрол Тансиқбоев якка ижод қилувчи ижодкор бўлиши билан бирга коллектив бўлиб ҳам ишлай олади. Чунончи, рассомлар Константин Четраков ва Михаил Аринин билан 1951—1954 йилгача Москвада Ўзбекистон павильони учун ВСНХда биргалашиб ишладилар. Яна 30-йилларда Ўрол Тансиқбоев иштирокида «Атан-Поу» тахаллуси билан Кукрининксларга ўхшаган бирлашма тузилди. Бу Атаманов, Тансиқбоев, Подковиров деганидир.

Ўрол Тансиқбоев мендан 8 ёш катта эди. У билан бир даврда яшадик ва ижод қилдик, яқинлигимиз шунчалик эдики, бир-биримиз билан сен деб гаплашар эдик. У ҳақиқий инсон эди. Одамлар билан яхши муомалада бўларди.

Ўрол Тансиқбоев Ўзбекистон ССР халқ рассоми, СССР халқ рассоми фахрий унвонига сазовор бўлди. СССР рассомлик академиясининг ҳақиқий аъзоси, СССР рассомлар союзининг секретарларидан бири лавозимига сайланди. Ўзбекистон ССР рассомлар союзининг раиси бўлди. Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати бўлди. Қатор орден ва медаллар билан тақдирланди.



Ўрол Тансиқбоев асарлари — уй-музейининг кўрки.

Ўрол Тансиқбоев ижодий чўққиларга кўтарилиб, қайнаб-тошиб турган яна кўп ажойиб полотнолар билан кишиларимизни хурсанд қиладиган бир пайтда афсуски бевақт орамиздан кетди. Туғилганига мана 80 йил бўлди. Ҳақиқий инсон, буюк рассом жисмонан орамизда бўлмаса ҳам у ҳамиша бизнинг дилимизда. Ўрол Тансиқбоев қолдириб кетган ўлмас асарлари мисолида доимо биз билан яшайди. Демак, келажак авлод учун доимо тириқдир.

Лутфулла АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон ССР халқ рассоми



Рассом бир нафасга уйдан чиқиб кетгану ҳозир қайтиб кирадигандек...

АБАДИЙ ҚЎШИҚ

Йирик сўз санъаткори, машҳур ёзувчи Ойбек: «Ўрол ҳар баҳорни янги орзулар билан қаршилаган меҳнаткаш халқининг ғайратидан шавқланиб, илҳомланиб, ҳис ва туйғуларини, қалб қўшиғини бўёқлар, ранглар билан ифода этишга, чанқоқлик ва эҳтирос билан инъикос этишга киришарди»,— деган эди дўсти Ўрол Тансиқбоев ижодини таърифлаб. Бу таъриф Совет Шарқида манзара жанрига асос солган ва уни катта санъат майдонига олиб чиққан рангтасвир устасининг ижодига берилган ҳаққоний баҳо эди.

Мўъжизакор наботот оламининг, қолаверса, ҳазрати инсоннинг бунёдкорлик қудрати куйчиси Ўрол Тансиқбоев тўғрисида сўз борар экан, унинг мусаввирлик санъатида эришган бадиий камолоти, ижодкорлиги, фидойилиги кўз олдимизда жонланаверади. Зеро, рангтасвир санъатининг бадиийлик даражалари бошқа санъат турларининг талқиний сир-синоатларидан фарқли ўлароқ — бутун салобати, ифодавийлик кучи билан акс этади.

Маълумки, санъат масофа ва макон танламайди. Бадиийлик санъатнинг тилидир. Ўрол оғанинг лироэпик манзараларида шундай бир сеҳр борки, бу сеҳр кўҳна санъатни яшартира олади. Нурафшон санъат гулшанида дунёга машҳур тасвир усталаридан Саврасов, Куинжи, Брюллов, Шишкин, Левитан сингари улуғ рассомларнинг муборак номлари билан бир қаторда уларнинг ҳалафи Ўрол Тансиқбоевнинг номи ва ижоди ҳам баралла жаранглай олди.

Ўрол Тансиқбоев рассом сифатида ижодий тасаввур қилиш шаклининг янги имкониятини яратди. Тасаввурни бойитувчи янги бадиий ифода шакли ўз-ўзидан дунёга келмайди, албатта. Келган тақдирда ҳам аниқ қонуниятларга асосланган, ишонтирувчи янги бир олам тарзида шаклланган бўлмоғи лозим. Шу сабабли тасаввурнинг маҳсули тариқасида яралган ҳар бир бадиий концепциянинг шакли барчага баробар тушунилади, уни кўриш ва қабул қилиш жараёнидаги ҳиссиётлар қалбга ларза солади, ўрнашиб қолади, табиийки, кишиларда бой таассурот ҳосил қилади, хотираларида узоқ сақланади. Фикримизнинг далили учун биргина «Менинг қўшиғим» эпик картинасига нигоҳ ташлайлик.

Тоғ оралиғида жойлашган сўлим қишлоқ. Кўз илғамас жилғалардан ҳосил бўлган сой оралиғидаги яланглиқни иккига бўлган ва умумий манзарага уйғунлашиб кетган. Сой этаги тасвири айниқса латофатлидир. Худди шу жойда бадиий ифода авж нуқтасига кўтарилади. Ҳа, бу эпик манзарани ҳайратланиб томоша қилар эканмиз, нозиктаъб, ҳассос санъаткорнинг тоғ қишлоғига бағишланган ўта жўшқин симфониясини бутун борлиғимиз билан тинглаётгандай, ўролона ифоданинг қудратидан руҳимизни сархушлик эгаллайди.

...Айни навбаҳор. Қуёшнинг заррин нурлари борлиқни тўлдирган. Ранго-ранг тоғ гулларининг муаттар ифори ҳаммаёққа таралгандай туюлади. Ёлғизоёқ сўқмоқ киши ҳаёлини ўғирлаб, дов-дарахтлар орасида жойлашган қишлоққа етаклаб боради. Виқорли тоғлар эса гўё шу қишлоқ осойишталигини қўриқлаётгандек салобатли қад кериб туради...

Ўрол оға ижодигагина хос бўлган фазилатлардан энг муҳими шундаки, у индустриал мавзуда лиро-эпик полотнолар яратиш мушкул, деган ақидаларни рад этди. Унинг шу мавзуга бағишланган «Қайроққум ГЭСи тонги» асари совет санъати олтин фондидан муносиб ўрин олди.

«Қайроққум ГЭСи тонги» асарида тасвирланган асрий уйқудан уйғонаётган чўлнинг ўзига хос латофати, файзи бор. Ота-боболаримиз қадимқадимдан яйдоқ чўлу биёбонларга сув чиқариш, ҳаёт бағишлашга интилиб, орзу қилиб келганлар. Уларнинг мурод-мақсадлари бизнинг замонамиздагина ушалди ва ушалаётир. Янги инсон — совет кишиси чўлга сув келтирди, ҳаёт бағишлади. Ўрол Тансиқбоев инсон измига бўйсунаётган, кун сайин чекинаётган чўлларнинг янги қиёфасини тасвирловчи ҳассос куйчига айланди. Бу ғоявий-бадиий мукаммал, меҳнат гўзаллиги ҳаётий, реалистик акс эттирилган эпик полотно Брюсселда очилган Халқаро кўргазмада кумуш медаль билан тақдирланди. Чиндан ҳам унда Совет Шарқининг бугунги жўшқин ҳаёти ёрқин акс эттирилганини кўрамиз. Ғайрати жўш урган меҳнаткаш халқларнинг ҳамдўстлигини, меҳнатга садоқатини, иродаси метиндек мустаҳкамлигини қалбдан ҳис этамиз.

Ленин мукофоти лауреати Аркадий Пластов мазкур картина хусусида жумладан шундай деб ёзган эди: «Қайроққум ГЭСи тонги» картинасида Тансиқбоев халқнинг ижодкорлик иродаси билан қайта туғилган ўлка қиёфасини кўрсатиш вазифасини, яъни замонавий манзаранинг энг қийин вазифаларидан бирини жозибадорлик, енгиллик билан шубҳасиз, ишонарли тарзда ҳал этиб берган. Биз, гўзаллик шайдолари ва ҳакамларни табиат ҳозиргача ҳам асосан, таъбир жоиз бўлса, ибтидоий ҳолида мафтун этади. Манзарада қайта қурилган оламни яратиш масаласи ёнидан санъаткорлар лом-мим демай ўтиб кетаберадилар ёки бу масала шунчалик одми ва зеркарли бир тарзда ҳал этиладики, баъзан индустриал манзара чинакам бадиийлик билан чиндан ҳам қовуша олмайдигандек бўлиб кўринади. Қайтариб айтаманки, Тансиқбоев бу вазифани жуда соз бажарган».

Рассомнинг сокин, вазмин, эпик бўёқлар билан ёзилган лавҳалари ғоятда кўп ва ранг-баранг. Улардан мақбуллари олти юздан зиёд бўлиб, томоша қилганимизда, она Ернинг абадийлиги, табиатнинг азалийлиги ва Ватаннинг азизлигини теран тарзда ҳис этамиз.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон табиатининг, халқлар турмуш тарзининг ҳаётий манзаралари, латофатга бой бу ўлкаларнинг нуқрасоч, чўнг тоғлари, мўъжизакор тоғ ёнбағирлари, тошқин сойлари, қир ва адирлари, водийлари рассом қалбига завқ бағишлаган ва унинг абадий қўшиғига айланиб қолгандир.

Ҳабиб КАРИМОВ



Саид РАВШАНОВ

Ёзувчи Саид Равшанов «Чордоқдан отилган ўқ» детектив қиссасида милиция ходимларининг фаолияти, серташвиш, машаққатли ва олижаноб ишлари ҳақида ҳикоя қилади. Қуйида шу асардан парча ўқийсиз.

Барзанги билагидаги соатига қаради.

— Вақт бирдан ошибди, шеф!

— Ҳаяллашяпти... Соатинг чиройли экан,— суқи кириб тўсатдан мақтаб қолди Гладиатор унинг соатини.

— Унчаликмас. Сирти ялтироқ...— Барзанги дарров гап мавзуини бошқа ёққа бурди.— Остки лабингдаги тиртиқ аввал йўқ эди-ку?— яна қизиқсиниб сўради Барзанги. Мақсади эса уни мумкин қадар кўпроқ гапга тутиб туриш эди.

— Бурноғи йили,— деб жавоб берди Гладиатор тиртиғини қашиб туриб,— ўзимизникилардан бири ғирромлик қилди. Жамғармани ўмариб қочди. Излаб-излаб ярим йил деганда, дарагини топдим. Қўшни республикага қочган экан. У рақибига йўлбарсдек ташланадиган, жуда бақувват, эпчил эди хумпар. Тиз чўккан ҳолда ялиниб-ёлвориб туриб бирдан ҳамла қилса бўладими, аблаҳ! Бир соатча аёвсиз олишдик. Пичоқ ўқталган қўлини ўзига қараб қайира бошлаган чоғимда, пичоқнинг учи лабимга тегиб кетди. Ўзиниям жаҳл устида чавақлаб, жаҳаннамга жўнатдим.

Барзанги Гладиаторнинг гапини гўё вужуди қулоқ бўлиб тинглаётгандек кўринса-да, шу топда фикризикри тамоман бошқа ёқда эди. «Нега етиб келишмаяпти ёки телефонда гапимни яхши эшитишмадимикан? Ёки ўзим уни қўлга олишга уриниб кўрсамми? Эплай олармиканман?..»

— Кел, яхшиси, бир қўл карта ўйнайлик,— дея таклиф қилди Гладиатор,— бекорчи гапдан фойда йўқ.

Барзанги стол устидаги картани йиғиштириб олиб, аралаштира бошлади. Шу аснода бирдан ташқаридаги электр қўнғироқнинг «жиринг»лагани эшитилди. Гладиатор сапчиб ўрнидан турди. Кутилмаганда кўзлари қинидан чиққудек чақчайиб, бесаранжомланди. Қўли шитоб билан кўкрак чўнтагига борди.

— Нима гап? Саъва келди шекилли,— деди Барзанги қўлидаги картани стол устига отаркан. У ҳам эҳтиётдан қўлини қўнжига тиқди.

— Тузоқ!— деди Гладиатор таҳликага тушганидан овози алланечук титраб,— Саъва келса, уйни ўзи очиб кирарди. Пакана ҳам... Қўнғироқ қисқа-қисқа чалиняпти. Бирор иш бўлган Атас![1]. Саъва қўлга тушган! Мен чордоққа чиқаман. Сен қочиб қол! Чап бер, иложи борича чалғит уларни. Қўлга тушсанг, бу ерда фақат бир ўзинг бўлгансан, тамом. Сотсанг!..

[1] Атас — қочиш дегани.

Барзанги отилиб ташқарига чиқди. Гладиатор эшикни ичдан қулфлаб олди. Бурчакдаги стулни даҳлиз пойгагига сурди, устига чиқиб, шифтдаги туйнук оғзини юқорига итариб очди. Бир сакрашда ўзини чордоққа олгач, яна туйнук қопқоғини бекитди. Чўнтагидан тўппончани олгач, вужудидаги титроқ хийла пасайди. Шифер остидаги туйнукчалардан кўчани кузата бошлади.

Барзанги эшикдан чиқдию бирдан ўйлаб қолди.

«Қочиш!.. Гладиаторнинг гапига учиб, таъқибчиларни чалғитиб қўймай...»

Барзанги фикридан қайтди. У тезлик билан уй ёнбошидаги омборхонага кирди ва эшик тирқишидан ташқарини кузатди. «Ўзимни панага олганим қайтага яхши бўлди,— деди у дилида.— Гладиатор менинг унга қарши иш олиб борганимни сезмагани маъқул! Яна майор Гладиаторни тутиш учун ҳеч вақт мустақил ҳаракат қилмаслигимни уқтирган».

Зафар Каримович бошлиқ етти кишидан иборат оператив группа тушган икки енгил машина орадан ўн-ўн беш минут ўтар-ўтмас, белгиланган ерга етиб келган эди. Тезда эҳтиёт чоралари кўрилгач, майор дарвоза кесакиси тепасидаги қўнғироқ тугмачасини босганди. Эшик тирқишидан қараб турган Барзанги дераза рўпарасида қўққисдан тўппонча ўқталган ҳолда пайдо бўлган баланд бўйли кишини кўрди. Шу пайт девор панасидан чиққан иккинчи киши югуриб бориб эпчиллик билан дарвозани очди. У томондан шитоб билан майор етиб келди ва:

— Чори Жамолов қани?— деди шошилинч тарзда.

— Барзангими? Кўринмаяпти,— деди капитан Очил Мирзаев.— Уй ичида бўлса керак?

— Гладиатор-чи?

— Эҳтимол, чордоққа яширинган-дир? Шарпа сезиляпти,— деди баланд бўйли киши уй тепасига ишора қилиб. Бу — лейтенант Сатторов эди.

— Юқорида, чордоқда,— деди майор ва чордоққа боқди.— Унда, эҳтиёт бўлинглар, қуроли бор. Аяб ўтирмайди.

— Йўлдошевга айтинг!— Сатторовга топшириқ берди майор.— Ўзи билан икки кишини олиб, тезда темир йўл вокзалига борсин! Шайтонни фақат у танийди.

— Хўп бўлади, ўртоқ майор!

Майор уй деворига елкасини тираган ҳолда мегафонни оғзига яқин келтирди. Унинг хитобли овози атрофни ларзага келтиргандек гумбурлаб эшитилди:

— Гладиатор! Қаршилик кўрсатиш фойдасиз! Уй ўраб олинган. Қуролни ташлаб, пастга туш!

Чордоқда жимлик, ҳеч қандай жавоб эшитилмади.

Капитан Очил Мирзаев илдам келиб, майорга мурожаат этди.

— Уй ичида ҳеч ким йўқ! Барзанги кўринмайди.

— Демак, у ҳам чордоқда. Ходимларга тайинланг! Эҳтиётлик билан иш кўришсин, тағин...

Зафар Каримович яна мегафон орқали хитоб қилди:

— Гладиатор ўзингни гўлликка солма! Яна такрорлайман! Қаршилик кўрсатиш бефойда! Сенинг кимлигинг бизга маълум, Луқмон Мансуров! Эшитяпсанми? Қуролни ташлаб, шеригинг Барзанги билан пастга туш!

Барзангининг чордоқда бор-йўқлигини билиш учун унинг номини атайлаб тилга олди майор.

Сал вақтдан кейин Гладиаторнинг титроқ овози эшитилди:

— Сенларга ўзини тутиб берадиган аҳмоқ йўқ! Адашяпсиз, мен Яздурди Бекназаровман!

Зафар Каримович унга жавоб қилди:

— Майнавозчиликни бас қил, сохта Яздурди. Кимлигингни ниқобинг йиртилмасдан олдинроқ ўйлашинг керак эди. Яхшиликча қуролни ташла!

Лейтенант Сатторов омборхона деворига суяб қўйилган нарвонни кўтариб, уй деворига тиклади ва деворни кўчириб олинган пишиқ ғиштларни томга ирғита бошлади. Гладиатор эса ўқ узиш билан жавоб қайтарарди. У пастдаги таъқибчиларни кўрмасди.

Бу ерда отишма давом этаётган бир пайтда Когон темир йўл вокзалида қуйидаги воқеа юз берди:

Йўлдошев тепасида «касса» деган ёзувли туйнук олдида тизилишиб, навбатда турган йўловчилар олдига келди. Шубҳалантирмаслик учун ўзини ниҳоятда хотиржам қиёфада тутиб, Шайтон олдида турган қирқ беш ёшлардаги шляпали кишидан қайси поездга билет сотилаётганини сўради. Юзлари бўғриққан Шайтон нотаниш бу йўловчидан хавотирланиб, унга олазарак тикилди. Одамлар орасидан сирғалиб, аста чиқиб кетишга чоғланди ҳам, аммо ўзини шубҳага қўймасликка уринди. Шу топда яна икки киши уларга яқин келиб, бирдан Шайтоннинг билагидан ушлашди, у ҳатто қимирлаёлмай қолди. Йўлдошев эпчиллик билан унинг қўлига кишан солди. Шайтон бетини панжалари орасига олиб, инграб юборди...

Ана шу паллада Пакана Когонга етиб келди. Мотоциклини темир йўл вокзалидаги газ сув дўкони ёнида қолдирди. Сўнгра автомат телефон хонасига кириб, Гладиатор қароргоҳига қўнғироқ қилди. Жавоб бўлмади.

«Ғари етиб келибди чоғи, трубкани кўтариш ҳам ёқмайди...» дея ўйлади Пакана.

У атрофга олазарак қараб олиб, энди Гладиатор олдига отланмоқчи бўлганди, шу маҳал чеккарокда турган милиция машинасига чиқазилаётган Шайтонга назари тушиб, титраб кетди.

«Тфу, жин ургур! Тузоқ-ку!»

Пакана сергакланиб, ҳушёр тортди ва кескин бурилиб, изига қайтди...

Майор Сатторовга девор оша томга чиқишни буюрди. У ёнламасига девор томонга қараб юра бошлади. Зафар Каримович уйнинг иккинчи бурчагида турган ўринбосари Очил Мирзаевни имлаб чақирди. Капитан тезда етиб келгач, майор унинг қулоғига шивирлаб топшириқ берди. Капитан девор ёқалаб писиб бориб, уйнинг иккинчи томонига ўтди. Бир лаҳзадан сўнг инспектор-кинолог ўз ити билан уйнинг иккинчи томонидаги девори орқали томга кўтарила бошлади.

Майор билан капитан бошқа томондан ўқ узиб, Гладиаторни чалғитиб туришди. Саросима ичида қолган Гладиатор тўппончасини маҳкам ушлаган ҳолда гоҳ томнинг тахта тўсиқли кунчиқар тарафига, гоҳ кунботар томонига югурар, аммо ҳеч нимани кўрмасди. Капитан кун ботиш тарафдан туриб, чордоқнинг тахта тўсиғига қарата ўқ уза бошлади. Гладиатор шу томондан чиқишмоқчи, деган хаёлга бориб, ўқ отилаётган тарафга эмаклади. За-

лари беморлар соғлигига ишончли посбон бўлмоқдалар.

— Шуни зўр қониқиш билан айтиш мумкинки,— дейди Рашид Шокирович,— бўлимимизга келган беморларнинг қарийб ҳаммаси шифо топиб кетмоқда.

Шифохонада 14 врач, 70 нафар ўрта медицина ходимидан иборат коллектив меҳнат қилмоқда. Бу аҳил коллективга 17 йилдан бери ташкилотчи раҳбар сифатида ҳурмат қозонган врач Саттор Салимов бошчилик қилиб келаётир.

— Ҳозир беморларнинг сут маҳсулотлари, сабзавот, мева ва полиз экинларига бўлган эҳтиёжи шифохонанинг ёрдамчи деҳқончилик ва чорвачилик хўжалиги ҳисобига қондирилмоқда,— дейди С. Салимов.

Юз гектардан зиёд майдондаги яшил зонанинг ўттиз гектарида даволаш корпуслари жойлашган. Бу гўзал масканда ўттиз минг манзарали, йигирма минг нинабаргли дарахт, ўн минг туп чинор ўсмоқда. Бунда яна қарағай, сарв, совур арча, эман, тут, мажнунтол ва бошқа дарахтларни, сирень, чиннигул, картошкагул, қўқонгул каби 25 хил гулни учратиш мумкин. Аслида хона гули ҳисобланадиган ёронгул бу ерда сайрғоҳлар атрофини безаб турибди. Бир гектар жойда писта, бодом, хурмо, олма, шафтоли ҳамда Қрим ёнғоғи ва Козоғистон ёнғоғи ўстирилмоқда. Узунлиги 28 метр келадиган иссиқхонада икки юз туп лимон парвариш қилинаётир. 1983 йили бир тоннага яқин лимон ҳосили олиниб, даволанувчиларга берилди. Бепоён саҳронинг қоқ ўртасидаги Жайронхона яшиллигининг вужудга келишида марҳум боғбон Мамажон ота Жалилов катта хизмат қилган эди. Ота ҳаётдан кўз юмгач, унинг ишини шогирди Ҳалимхон Ҳамидов давом эттирмоқда.

Жайронхона шифохонаси янада кенгаяди: бир вақтнинг ўзида беш юз беморни қабул қила оладиган, халқимиз соғлиги йўлида янада кўпроқ наф келтирадиган бўлади.

Абдулла ХОЛМИРЗАЕВ

билан оғриган кишилар истеъмол қилмасликлари маъқул.

Семиришга мойил кишилар ҳар хил ширинликларни истеъмол қилишга эҳтиёткорона ёндашишлари даркор. Дарҳақиқат, таркибида қанд кўп бўлган маҳсулотлар кишини семиртиришга ҳам қобил бўлади. Шуни эслатиб ўтиш керакки, кейинги ўттиз йил давомида аҳолининг жон бошига қандининг сарф бўлиши қарийб 3,5 марта ортди.

Баъзи кишилар озиш истагида мутлоқ овқат емай қўядилар, ўзбилармонларча «парҳез тутадилар», оздирувчи дори-дармонлардан фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Кўрқўрона қўлланиладиган дори ўз навбатида нохуш оқибатларга олиб келиши мумкин. Ҳар ҳолда, шифокорнинг маслаҳати билан иш кўрган маъқул. Чунки одамнинг семиришига аксарият ҳолларда ўзини «пинҳон» тутган хасталиклар сабабчи бўлиши мумкин. Буни эса фақат малъум мутахассислик бўйича малакага эга бўлган шифокоргина ажрата билиши ва тегишли тавсия ва даволаш амалларидан фойдаланишни буюриши мумкин.

Тўғри, биз ниҳоятда маъмурчилик, тўкчилик замонида яшаяпмиз, ҳар бир киши кўнгли тусаган ноз-неъматни истеъмол қилишга қурби етади. Еб-ичиш ҳар кимнинг ўз ҳоҳиши. Бироқ ҳар қандай кишининг фаровғатда яшаши учун том маънодаги мустаҳкам саломатлик керак.

Маннон НАБИЕВ

ЕҒОЧГА ЖОН БЕРИБ...

Бухоро шаҳар ўлкани ўрганиш музейига кирсангиз, ёғочга ишланган шаклларни кўриб ҳайратда қоласиз. Улар сизнинг кўз олдингизда она табиатнинг сирли мўъжизаларини намойиш этаётгандай, инсон қўллари ҳақида куйлаётгандай туюлади. Бухородан Афшонага йўлингиз тушиб, улуғ аллома Абу Али ибн Сино мемориал музейи залларини айланг-сангиз, яна шу хилдаги туркум асарларга дуч келасиз.

Ёғочдан ясалган мазкур ҳайкалларга термулар экансиз, бу қўли гул халқ амалий санъати устасининг маҳоратига меҳримиз ортади. Беихтиёр бу асарларнинг муаллифини суриштирамиз.



Доҳий В. И. Ленинга туҳфа.

Бизни қизиқтирган наққош Пешқу районидаги Ш. Эргашев номли колхознинг Новгаҳон қишлоғида яшар экан.

Пештоқига нақшлар ўйилган кенг дарвозадан ичкарига кирдик. Уста бизнинг ниятимизни эшитгач, чеҳрасига ним табассум ёйилиб, ичкарига — мўъжазгина хонага бошлади. Хонанинг бир томонида арра, эгов, теша, ёғоч, искана, иккинчи томонида халқ амалий санъати ҳақидаги китоблар, газета ва журналлардан қирқиб олинган мақолалар, суратлар турибди.

Салим Шукруллаев амалий санъат намуналари, ўтмиш ва ҳозирги замон фан ва маданиятимизнинг бу соҳада эришган ютуқлари ҳақида тўлқинланиб, ифтихор билан гапиради. Суҳбат давомида у болалик йилларини ҳам эслади.

... Эндигина етти-саккиз ёшга тўлган Салимжон қўйларини ҳайдаб даштга чиқиб кетарди. Қўй-қўзиларини кенг яйловда ўтлатиб қўйиб, бир пайтлар аждодлари яшаган, аммо босқинчилик, талон-тарожлар оқибатида харобага айланган Хўжапорсо, Қўрғонтепа, Хўжавосин тепаликларида узоқ айланиб юрарди. Унда-бунда сочилиб ётган, асрлар ўтса ҳам рангини йўқотмаган сопол кўза, хум бўлакларини қўлига олиб, хаёлан уларнинг яхлит қолатини кўз олдига келтирар, даладан қайтгач, хаёлидаги шаклни қоғозга туширар эди. Аста-секин у бу шаклларни лойда ясайдиган бўлди. Ўғлининг халқ амалий санъатига бўлган қизиқишини ўз вақтида сезган Шукрулла ака Салимни ўн уч ёшга тўлганда ҳамқишлоқлари орасида «ёғочга жон ато этадиган» уста Ҳайитга шогирдликка берди. Уста унга ранда ушлаш, нақш ўйиш, теша чопиш сирларини ўргата бошлади. Шундай қилиб, у қўлига болға, искана олиб, ихроатларга аста-секин эшик, деразалар ишлашга киришди. Кейинчалик Салимжон Бухоро Давлат педагогика институтига ўқишга кирди. Студентлик йиллари ганч ўймакорлиги сирларини эгаллашга катта иштиёқ билан ҳаракат қилди. Туркум асарлари институт кўргазмаларида намойиш этилиб, муваффақият қозона бошлади... У ҳақда матбуотда очерк ва мақолалар эълон қилинди...

Устанинг қўлидан чиққан кўплаб асарлар бугунги кунда унинг маҳоратли, истеъдодли халқ амалий санъати устаси эканидан далолат бериб турибди. Бухоро область касаба союзлари биносида намойиш этилган «Бободеҳқон», «Оби ҳаёт» ва бошқа қатор асарлари шулар жумласидандир.

Уста ҳозирги кунда ўз касбини райондаги 249-ўрта қишлоқ ҳунар-техника билим юрти ёшларига ўргатмоқда.

— Асарларингизнинг ҳаётий ва ишонарли чиқишини нимадан деб биласиз?— деб сўраймиз устадан.

— Санъатнинг барча турлари қатори, амалий санъатда ҳам аввало ҳар бир асар ҳаётий бўлиши лозим. Шундагина у ўз мухлисларини мафтун этади. Иккинчидан, асарнинг қизиқарли чиқиши устанинг ёғоч танлай билиш маҳоратига, унинг фантазиясига ҳам боғлиқ. Қўлга олинган ёғочдан қандай шакллар ясаш мумкинлигини олдиндан тасаввур эта билиш керак. Ахир, ҳар қанақа ёғочдан ҳам кўнгилдаги асар чиқавермайди-да. Тут, чинор, гужумдан тайёрланган асарларнинг умри узоқ бўлади. Энг муҳими, ҳайкал ясаётганда дарахт танасининг табиий хусусиятларини сақлашга аҳамият бериш лозим. Шунингдек, ёғочга нақш ўйиш санъати ниҳоятда нозик дидни, мустаҳкам ирода ва маҳоратни талаб этади.

Уста кейин бизни яқиндагина тамомлаган ишлари билан таништирди. Булар: «Гимнастика бажараётган қиз», «Совға», «Соғинч», «Ибн Сино».. У бу асарларини шу йили ўтказиладиган республика халқ амалий санъати кўрик конкурсига қўймоқчи эканлигини айтди.

Соғинчи.

Уста, шунингдек, ўзбек шеърятининг машҳур намояндалари, буюк мутаффаккир Алишер Навоий, Муқимий, Фурқатнинг ўлмас сиймосини ёғочда қайта жонлантирган. Хусусан, унинг қўлида жило топган Шарқнинг буюк қомусий олими Абу Али ибн Синонинг портретини кўриб, ҳайрон қоласан киши. 1980 йилда Салим Шукруллаевнинг бу асари республика кўрик конкурсида иккинчи ўринни эгаллади. Дарҳақиқат, ёғоч ўймакори Салим Шукруллаевнинг ▲ухоро область ўлкани ўрганиш музейида намойиш этилаётган туркум асарлари унинг ўзига хос ижодий услубга эга бўлган халқ амалий санъаткори эканидан далолат бериб турибди.

Салим Шукруллаевнинг сўзларини тинглаб, унинг асарларини назардан ўтказар эканмиз, республикамизда донг таратган машҳур ганч ўймакори Маҳмуд Усмонов, марҳум қўқонлик наққош Қодиржон Ҳайдаров, бухоролик кандакор Салим Ҳамидовларнинг муносиб издошлари етишиб келаётганидан чексиз қувондик.

Рашид АСЛОНОВ

Абу Али ибн Сино.

Халқ амалий санъати

СЕҲРЛИ ШЕЪРИЯТ

Абдуқодир ҲАЙИТМЕТОВ

БИЗНИНГ ўзбек шеърияти ҳақидаги тушунчамиз Хоразмийнинг «Муҳаббатнома»си, Лутфий, Атойи, Саккокийнинг ишқий ғазалларидан бошланади, десак, хато бўлмас. XIV асрнинг иккинчи, XV асрнинг биринчи ярмилари шеъриятининг вазифаси, таъбир жоиз бўлса, тараққийпарвар ижодкорларнинг шоирлик бурчи диний ақидаларга қарама-қарши ўлароқ реал ҳаёт гўзаллигини куйлаш, инсоний ҳис-туйғуларни, муҳаббатни улуғлаш, кишиларни садоқатга, вафога чорлаш, бу йўлда тўсиқ бўлганларга нафрат билдириш, кундалик оддий ҳаёт ҳодисаларидан юқори туриш, майда ҳисларга берилмаслик, адабиётни бачканалаштирмаслик эди. Шоирлар ҳатто шахсан ўзи ҳақида ёзишни ҳам кўпда ўзларига эп кўрмас эдилар. Бу даврнинг энг доно ва етук ижодкори Мавлоно Лутфий бўлиб, унинг фаолияти тимсолида шу замондаги адабиётнинг барча яхши хусусиятларини мушоҳада эта олишимиз мумкин.

Ўз вақтида «маликул-калом», яъни «сўз подшоси» деб аталувчи фахрли унвонга сазовор бўлган Мавлоно Лутфий 99 йил яшаб, кўп подшоларни кўрган, ранг-баранг тарихий воқеаларнинг гувоҳи бўлган, шу билан бирга бой адабий мерос ярата олган эди. Лутфий тахминан 1360—1460 йиллар орасида яшайди. Аввало, унинг донолиги шундаки, у узоқ умри давомида подшоҳларга қуллуқ этмайди. «Лутфий очун хонларини илмади кўзга», деб ёзган шоир бирон подшоҳнинг саройга таклифини қабул қилмайди. Бу билан у ўз инсоний қадр-қимматини, шоирлик эркини сақлаб қолади, бирон шоҳ шоири эмас, халқ шоири бўлишга, халқ ҳурматини қозонишга эришади. Лутфий бир ғазалида:

Улуғбекхон билур Лутфий камолин,
Ки рангин шеъри Салмондин қолишмас,—

деб ёзар экан, демак, бунинг сабаби унинг Улуғбекдек билимдон подшоҳ билан яқинлиги бўлган. Улуғбек уни ўз саройига таклиф этган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. Ривоятларга кўра, ўз даври маданиятининг йирик ҳомийси Бойсунғур Мирзо ҳам уни шоир сифатида юқори баҳолайди. Аммо шоирга шоҳ саройида қасида ёзиб кун кўришдан ўзининг Деҳиканор қишлоғида деҳқончилик ёки боғбонлик қилиб, ишқ мавзуида ғазаллар битиб, ўз ҳамқишлоқларини, ҳамюртларини хушнуд этиб юриш афзал кўринади. Лутфийшунос олимимиз С. Эркинов ҳам «Лутфий» китобида бу масала юзасидан ҳақли равишда шундай фикрга келади.

Лутфийнинг 280 та атрофида ғазали, 30 тага яқин рубоийси, 10—15 та туюғи, 10 тага яқин қитъалари бор, деб ҳисобланарди. Филология фанлари кандидати Э. Аҳмадхўжаев Лутфий девонининг янги топилган қўлёзмаларини, хусусан Париж қўлёзмасини ўрганиши натижасида улуғ шоирнинг ҳозиргача бизга номаълум яна юзларча ғазал, рубоий, фард ва бошқа шеър турларига оид лирик асарлари борлигини аниқлади. Лутфийшунос олимларимиздан А. Самойлович, Е. Э. Бертельс, Ш. Сулаймон, В. Зоҳидов, Ҳ. Зарифов, Э. Рустамов, А. Қаюмов, С. Эркинов, Н. Маллаев, Э. Аҳмадхўжаев ва бошқалар шоир ҳаёти, ижоди юзасидан қимматли фикрларни билдирганлар.

Лекин тажриба шуни кўрсатмоқдаки, Лутфий бир даврнинг, бир авлоднинг шоири бўлмаганидек, уни ўрганиш иши ҳам ҳамма авлодларнинг вазифасидир. Лутфий шеърияти шундай адабий заминки, бу заминдан Навоий каби даҳолар етишиб чиққан. Бу замин ҳамон ўз обрў-эътиборини сақлаб келмоқда. Лутфийнинг мактаб хрестоматияларига кирган бирон ғазали, рубоийси ёки туюғини бошқа бир шеър билан алмаштириш қийин. Ўзбек адабиётининг кейинги намояндалари Навоий билан бир қаторда Лутфийни ҳам устоз сифатида тан олганлар, унинг ғазалларига кўп татаббу ва тахмислар битганлар.

Лутфий девони — бу муҳаббат китоби. Ундаги барча шеърлар, қайси турга оид бўлишидан қатъий назар, ишқдан сўзлайди, садоқатдан ҳикоя қилади, вафога даъват этади. Шарқнинг машҳур сухандонлари — Хусрав Деҳлавий, Ҳофиз, Жомий, Навоий қаторида Лутфийнинг ҳам муҳаббатни бу қадар ихлос ва эҳтирос билан куйлашида катта маъно бор эди. Орадан 600 йил ўтиб, биз ҳамон уларни севиб ўқир ва қўшиқ қилиб айтар эканмиз, бу фикрнинг тўғрилигига шубҳа қилмасак ҳам бўлади. Шоир ўз севгиси, қалбидаги ёқимли дарди ҳақида ҳеч ийманмай, тортинмай баланд овоз билан шундай дейди:

Мени шайдо қилодурғон бу кўнгулдур, бу кўнгул,
Хору расво қилодурғон бу кўнгулдур, бу кўнгул.
Ўқдайин қоматимизни қора қошлиғлар учун
Муттасил ё қилодурғон бу кўнгулдур, бу кўнгул.

Чунки унинг севгиси — қалбакиликни билмайдиган пок, ҳалол севги. Шу севгиси туфайли у бошига тушиши мумкин бўлган ҳар қандай балоларга рози. Одамлар орасида гап-сўз бўлишидан, обрўси «тўкилишидан» қўрқмайди. Унинг учун энг улуғ обрў ва мартаба ўз севгилисининг ҳурматига эришиш:

Мени ёзғурма «севар» дебки, менинг ҳаддим эмас;
Ул таманно қилодурғон бу кўнгулдур, бу кўнгул.
«Борма,— дерлар эшики сори дамодам», нетайин,
Кўп тақозо қилодургон бу кўнгулдур, бу кўнгул.

Лутфий шеъриятда содда ва равон услубни танлади. Бу услуб том маънода гўзал ва ёқимли услуб бўлиб, Лутфийга шоир сифатида катта шуҳрат келтирди. Унинг сўз бойлиги асос эътибори билан жонли халқ тили ҳисобига бойиб борди. Бу билан у ўзига замондош шоирлар — Атойи, Саккокий, Гадоийларга ҳам кучли таъсир кўрсатган эди.

XV асрда баландпарвоз, ялтироқ, тушуниш оғир бўлган, сунъийликлар билан тўла поэтик услуб тарафдорлари ҳам йўқ эмас эди. Лутфий, Жомий, Навоий каби ҳақиқий санъаткорлар доим бундай йўналишга қарши курашганлар. Ўзини билағон қилиб кўрсатувчи бундай қаламкашларнинг бир қанчаларини «Мажолисун-нафоис» тазкирасида Навоий эслатиб ўтади. Ўзи умуман яхши шоир бўлатуриб, шундай услуб таъсирига берилган Шайхим Суҳайлий кунларнинг бирида Жомийга бир шеърини ўқиб беради. У қуйидаги матла билан бошланган эди:

Шаби ғам гирд-боди оҳам аз жо бурд гардунро;
Фурў бурд аждаҳойи сайли ашкам рубъи маскунро.

Мазмуни:

Ғамли кечаларда оҳимнинг қуюни осмонни ўрнидан қўзғотти;
Кўз ёшим селининг аждаҳоси ер юзини ютиб юборди.

Бу байтдаги ваҳимали тасвирлар, «Бобурнома»да ҳикоя қилинишича, Жомийни анча беҳузур қилган ва оқибатда у шеър муаллифига:

— Мирзо, шеър айтармусиз ё одам қўрқутасиз?— дейишга мажбур бўлган.

Лутфий шеърияти, унинг шеърий услуби бундай дабдабалардан холи, ҳаётий бўлиб, шоир мумкин қадар ширали, майин жумлалар тузишга, тасвирнинг ҳаётий бўлишига, ғайри табиийликдан иложи борича қочишга ҳаракат қилади. Унинг барча ишқий шеърлари севишганларнинг ички кечинмаларини, руҳиятини ёқимли ҳис-туйғуларини, ўзаро меҳрибонликларини ҳаққоний акс эттиради, десак, хато бўлмайди. Ошиқ ўз маъшуқасига:

Қон бўлди кўнгул фироқингиздин;
Жон куйди ҳам иштиёқингиздин.
Дину дилу ақл бўлди яғмо
Жон олғучи ул қароқингиздин,—

деб хитоб қилар экан, бунда фақат самимият, ўзаро ҳурмат туйғуларигина кўзга ташланади. Ўрта асрчилик шароитида ошиқнинг ўз ёрини сизлаб («фироқингиздин», «иштиёқингиздин» ва ҳ. к.) мурожаат этаётгани ҳам шундан, яъни юксак маданийликдан далолат беради.

Лутфийнинг поэтик услуби ҳақида гап борар экан, бунга унинг шоҳ асари — «Сенсан севарим» деб бошланган ғазали энг характерли мисол бўла олади. Бу ғазалида Лутфий муҳаббат туйғуларининг тиниқ ва чексиз гўзал поэтик ифодасини тасвирлайди.

Алишер Навоий «Муҳокаматул — луғатайн» асарида ўзбекларни «содда эл» деб таърифлайди. Яъни соддалик ўзбек халқининг асл табиатига, характерига хос хусусиятдир. Лутфий бу ғазалида ўз халқининг ана шу ажойиб фазилатини, унинг қалби очиқлигини юксак маҳорат билан акс эттира олган. Биргина шу ғазалнинг ўзида ҳам ўзбек тилининг бир олам нафосати ўз тажассумини топган, десак, муболаға бўлмайди.

Лутфийнинг поэтик таъриф ва тавсифларида ҳазил-мутойиба муҳим ўрин тутишини алоҳида қайд этиш лозим. Масалан, шоирнинг қуйидаги каби байтларини фақат шу мазмундагина тушуниш тўғри бўлади:

Жафони жонима оз қилки, ногиҳон бир кун,
Жафо туганса нетарсен жафо керак бўлса...
Дилбар қошинда кўз қони чун шарҳи ҳол этар,
Лутфий, нега керак арода таржимон доғи.

Бу ўриндаги ҳазил — дилга ором берувчи, кўнгулни юмшатувчи енгил ва беғубор ҳазил. Шу билан бирга Лутфий шеърларидаги таърифларнинг ҳаммасини бир аёлга қаратилган дейиш ҳам тўғри эмас. Чунончи, мана бу матла билан бошланган ғазалида Лутфий бир эмас, бир неча гўзалларни назарда тутган:

Эй пари рухсорлар, бизга нигоҳ айлаб ўтунг,
Бир назар бирла гадони подшоҳ айлаб ўтунг.

Лутфий девонида бу хил шеърлар ҳам тез-тез учраб туради. Шу маънода Лутфий аёлларнинг бир вакилини эмас, ҳаммасини олқишлайди, ўз ғазаллари билан уларнинг ҳаммасининг шаънига мадҳ ўқийди. Аёллар шаънига қўшиқ айтиш ҳамма халқларда, ҳамма замонларда яхши одат ҳисобланган. Навоий, Атойи, Огаҳий, Муқимий каби барча классикларимиз қатори Лутфийнинг ишқий лирикасига ҳам ана шу йўналишда қаралса, унинг шеъриятининг ҳаётий моҳияти янада кенг ва тўғри тушунилган бўлади. Шу тариқа Лутфийнинг қуйидаги каби байтларида биз чуқур юморни ҳам, улуғворлик ва камтарликни ҳам яққол кўрамиз:

Итларингнинг мансабин Лутфийға таъйин айлаким,
Давлатингда қилса султонлиг на бўлғай бир гадо?

Юмор — ҳаётга соғлом қарашнинг белгиларидан бири. Лутфий ўз давридаги, ўз яшаган муҳитидаги ичи қора, ҳасадгўйларни танқид қилиш, фош этиш учун ҳам шу воситадан фойдаланишга интилади:

Ийманиб ҳосид тилиндин даст бермас чун салом;
Кўз учи бирла йироқтин марҳабо бўлсун санга.

Шоирнинг ариқда оқиб турган сувларни тўхтатиб қўядиган сеҳргарлар, ўзининг тинмай оққан кўзёшлари ҳақидаги ўйноқи мисралари ҳам жозибали ва маҳорат билан ёзилган:

Ул жодуларки, боғлар оқар сувни сеҳр ила,
Ҳайрон дурур бу Лутфий гадо кўзи ёшина.

Лекин бу деганимиз Лутфий шеъриятида ҳаётга жиддий кўз билан қараш йўқ, деганимиз эмас. У реал ҳаётдаги ижтимоий тенгсизлик, нодонларнинг доноларга ўтказаётган зулми ҳақида бир ғазалида шундай дейди:

Йўктурур ёлғиз бу Лутфий жонига жаври рақиб;
Қайда бир доно дурур, ул жаври нодон тортадур.

Лутфийнинг яна шундай байтлари борки, уларда шоир гўё севгилисининг ўз ошиқларига мурувват қилиши кераклиги, ўзининг ноҳақ қилмишларига барҳам бериши, мазлумлар аҳволини тушуниши лозимлиги борасида, айрилиқ уқубатлари ҳақида гапираётгандай бўлади. Аслида бундай сатрлар ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги зиддиятларга ишора, уларни шоир сеза бошлагани ва кўра бошлаганидан нишона эди:

Тўйғунча қўй юзунг сори бу Лутфийни боққали;
Неъматни бой киши аямас чунки очтин...
Ерга кирсам кошки, чун етмас ул ойга илик;
Мушкул аҳволе тушубтур: «Ер қатиқу кўк йироқ».

Лутфий таржимаи ҳолининг кўп томонлари ҳали бизга қоронғи. Унинг ҳаётининг катта қисми Хуросонда, Ҳирот яқинида ўтади. Бу — шубҳасиз. Лекин шоирнинг:

Солди Туркистон элига Лутфини кофир кўзунг...
Ким ой кўрди сенингдек бошида мушкин тож.
Ва ёки сарв қадингдек Қрим тумойинда...
Улус ичинда дурур ўзбегим қиё кўзлук;
Хаёли Тўқтомиш ондин кўнгул Саройинда

каби сатрларидан унинг Мовароуннаҳр, Қрим, Олтин Ўрда ва бошқа жойларда ҳам бўлганини тахмин этиш мумкин.

«Гул ва Наврўз» достонини ҳам Лутфийга нисбат берадилар. У бошқа асарлар ҳам ёзган. Аммо унинг адабий меросида лирикаси фавқулодда бир аҳамиятга молик. Бу меросдан Бобур, Машраб, Огаҳий, Муқимий, Фурқат каби классикларимиз ҳам кўп сабоқ олганлар, замондошларимиз ҳам ундан юксак шеърият сирларини ўрганадилар.

АВАЗ ЎТАР

Шоир туғилган кунининг 100 йиллигига

АВАЗ Ўтар ўғли яшаб ижод этган XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошлари бутун Россияда бўлгани каби унинг вассалига айланган Хива хонлигида ҳам муҳим ижтимоий-сиёсий воқеаларни ўз ичига олган давр ҳисобланади. Умумий сиёсий ҳаётда бўлган муҳим ўзгаришлар маданий ҳаётда ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Бу даврда иқтисодий жиҳатдан қолоқ бўлган хонлик территориясида турли завод ва фабрикаларнинг вужудга келиши натижасида ишчилар синфи туғилди. Рус пролетариати билан бирга маҳаллий ишчилар синфи ана шу корхоналарда ва у билан ҳамкорликда чоризм ҳамда маҳаллий буржуазияга қарши курашда иштирок қилди. Бу корхоналарда ишловчиларнинг бир қисми Марказий Россиядан сургун қилинган сиёсий муҳожирлар (А. В. Кочалов, Савин, Крошилов, И. Н. Косьяненко, М. К. Лученко, Киселев, Сафронов, Андреев ва бошқалар) бўлиб, улар Аваз Ўтар, Фақирий, Худойберган Девонов сингари санъат, адабиёт аҳллари билан яқин алоқада бўлдилар. Сиёсий муҳожирлар марказий Россия билан ҳар доим алоқада бўлиб, сиёсий ва бадиий адабиётларни, большевикларнинг турли хил газета ва журналларини яширин равишда олиб турдилар.

Марказий Россия билан хонликдаги маданий алоқаларнинг янада ривожлана бориши ҳамда Аваз Ўтарнинг дўсти Худойберган Девонов сингари санъаткорларнинг Москва, Петербург каби шаҳарларга бориб, рус халқининг санъати ва маданияти билан танишиши, бу ерда почта, телефон станцияси, телеграф, касалхона ва рус тузем мактабларининг очилиши ҳам ижтимоий фикр тараққиётида революционлаштирувчи воқеа бўлди.

Бинобарин, XX асрнинг 10-йилларидаги адабий муҳитда Хоразм меҳнаткашларининг янгилик, яхшилик, озодликка қаратилган орзу-умидларини куйлаб келган адабиёт мавзу доираси кенгайиб, унда даврга хос янгича руҳ ўз ифодасини топа бошлади. Бу жараёнда Аваз Ўтар, Баённий, Фақирий, Сўфи, Девоний, Роғиб сингари қалам аҳллари яққол кўзга ташланган эдилар. Бу ҳаракат бошида шубҳасиз Аваз Ўтар ўғли турар эди.

Баённий, Аҳмаджон Табибий, Жуманиёз Хивақий, Ҳасанмурод қори-Лаффасий ва бошқалар унинг истеъдодига юксак баҳо бердилар, жумладан, Аҳмаджон Табибий Аваз Ўтар ҳақида шундай деб ёзган эди:

Аваз бири ким шоири тозадур,
Вале тозалиг ичра овозадур.
Камолига гар етса бу фан аро,
Бўлур назм аро фозили бебаҳо.

Ёш шоир Аваз ҳақидаги бу хилдаги маълумотлар Хива хони Муҳаммад Раҳим Соний қулоғига етиб борди. У Авазни саройга чақиртирди. Сарой муҳити, у ердаги шоирларнинг Ферузга тақлидан ёзган ғазаллари, хоннинг ҳар қандай хатти-ҳаракатини унинг фазилати сифатида кўкларга кўтариб мақташ каби ҳолатлар ёш шоир Аваз Ўтар ижодига ҳам салбий таъсир қилди.

Бироқ Аваз ижодидаги иккиланиш, адашиш кўп узоққа чўзилмади. У аста-секин сарой маънавий ҳаётининг чиркин моҳиятини, у ердаги фитна, туҳмат ва камбағал бечораларни хўрлаш, ҳақоратлашларни ўз кўзи билан кўрди. Шоир дунёда ҳоким ва тобеъ табақалар бор эканлигини англади. Саройдаги ярамас ҳаётни, хон ва амалдорларнинг маиший бузуқликларини, халқ бошига ёғдирилаётган турли хил офатларни ўз кўзи билан кўргандан кейин у ерни бутунлай тарк этди, ота касби сартарошлик билан шуғулланди. У ўз асарларида халқнинг дард-аламини, орзу-истакларини куйлай бошлади, хон ва амалдорларнинг истибдодини: қабоҳат ва разилликларини, сарой адабиётчиларининг усти ялтироқ, ичи қалтироқ эканлигини, унинг «қабиҳ алфоз» ва «ёлғон нуқта»ларини сатира тиғи остига олди:

Ажойиб бу замон аҳли аро,
э ростпеша,
Қабиҳ алфоз бирла нуқта ёлғон
муносибдир.

Шоир шу тариқа асарларида инсофсиз амалдорларни, очкўз мулкдорларни, замонасидаги адолатсизликларни аёвсиз фош қилиш йўлидан борди ва ранг-баранг образлар яратди. Авазнинг халқ манфаатларини ифодалаб, золимларни қоралаган, бахтли келажак ҳақида ёзилган ғазаллари тезда оммалашиб кетди. Бундан дарғазаб бўлган қора гуруҳлар шоирни таъқиб қила бошладилар ва унга қарши фитна-бўҳтонлар уюштирдилар.

Аваз Ўтар озод ва ҳурфикрлилиги, шеърларида замонасидаги адолатсизлик, порахўрлик, шафқатсиз эксплуатацияни танқид қилганлиги учун бундай туҳмат ва ҳақоратларга бир неча бор гирифтор бўлган эди. Хоннинг дарралари, эшоннинг қийноқлари ва амалдорларнинг таъқиблари ҳам шоир иродасини бука олмади.

Шоир ижоди жуда ранг-баранг ва кўлами ниҳоятда кенг бўлиб, у поэзиянинг ғазал, муҳаммас, маснавий, мустаҳзод, рубоий, фард, қитъа каби турларида ижод қилди. Ўз сатирик асарларида эса чор чиновникларини ва маҳаллий амалдорлар, алдамчи, риёкор бойлар, руҳонийларнинг қилмишларини фош этди.

У ўзининг «Халқ», «Уламоларга», «Сипоҳийларга», «Фидойи халқим» каби шеърлари ва «Фалоний» туркумидаги асарларида конкрет шахсларни танқид объекти қилиб олмасдан, балки золимларнинг умумлашма образини яратиб берди. У бу хилдаги асарларида ижтимоий тенгсизликни, унинг кескинлашиб бораётганлигини ҳаққоний тасвирлаб, фалакни «ғаддор» (хиёнатчи), замонани эса «каж» деб атади, халқ манфаатини ҳимоя қилди. Лирикасида етилиб келаётган революция ҳақида ўз қарашларини ифода этди. «Ҳуррият», «Сипоҳийларга», «Халқ», «Топар экан қачон», «Фидойи халқим», «Уламоларга» каби асарларида Аваз келажак ҳақида инқилобий фикр билдирди. Аваз Ўтар замондошларидан фарқли ўлароқ, социалистик революциянинг яқинлашиб келаётганлигини ва унга меҳнаткашларнинг ҳақиқий раҳбарлари — «ватанпарвар фидойи фирқалар» йўлбошчи бўлишини орзу этди.

Аваз Ўтар эл-юрт бошига бало уруғини сочувчи, халққа ҳаддан ташқари зулм қилган мунофиқ шахсларни, ҳатто Хива хони Исфандиёрни ҳам ҳажв тиғи остига олди:

Фалони гарчи кўб оли насабдур,
Вале подону жоҳил, беадабдур.
Адабдур издиёди бахши иззат,
Анга бу важҳдин «Мафий» лақабдур.

Ушбу қитъада танқид қилинаётган шахснинг номи тилга олинмаса-да, «кўб оли насабдур» жумласидан Хива хони Исфандиёр эканлигини билиб олиш қийин эмас. Шоир «Фалоний» деганда танқид қилинувчининг номини тилга олмайди ва уни очиқ айтиши ҳам мумкин эмасди. Чунки ҳокимият шу «фалон»лар қўлида эди, улар кўнглига келган ваҳшийликларни қилар, номини айтиб ҳажв қилганларни эса зиндонда чиритар, дорларга осар ва қиличдан ўтказар эди. Лекин хон ва хонликнинг муросасиз душмани бўлган Аваз улардан қўрқмади:

Билинг, ушбу замон гамнокидурман,
Куйиб ўртанмиш элнинг хокидурман,
Авазким, назм элин чолокидурман,
Бошин олурга хоннинг покидурман,—

деб ёзди.

Истеъдодли шоир, халқнинг асл куйчиси Аваз Ўтарнинг озодлик ҳақидаги орзулари инқилоб натижасида тўла-тўкис рўёбга чиқди.

«Қабиҳ онларда эркни куйлаган» Аваз Улуғ Октябрь инқилобидан илҳомланиб, кишиларга бахт-саодат барқарор қилувчи янги давр ҳақида ёниб ижод қилди.

Нормуҳаммад ҚОБУЛОВ,
филология фанлари кандидати

Урганч



Болаларга ўқиб беринг

Ҳамидулла ЕҚУБОВ

МАРС

Осмондаги узоқ Марс,
Барча юлдуза ҳамдард.
Она-ерга қилар арз,
Талаби ҳақ, ўзи мард.
— Биз,
биз,
биз,— дер у —
Ҳавосиз, сувсиз, дер у —
Бўшликда зил, муаллақ,
Чамбарчасмиз, тинч ҳар ёқ.
Ер,
ер,
ер,— деди —
Сенда яшар эл,— деди.
Совет юрти дўстдир, дов.
Ҳой,
ҳой,
ҳой,— дер Марс,—
Жонбахш қуёш, ой,— дер Марс.—
Ёвлар тутмоқчи ўққа,
Офат солмоқчи кўкка.
Иўк,
йўқ,
йўқ,— дер у,—
Тегса ядро, ўқ,— дер у,—
Қасд қилганни янчамиз,
Фазода биз анчамиз.
Бас,
бас,
бас қилинг,
Эй, одамлар, арз қилинг:
Еру кўк омон бўлсин!
Қуролсиз замон бўлсин!

ТРОЛЛЕЙБУС

Троллейбус,
Троллейбус,
Менинг роҳатим,
гаштим,
Сен билан азиз касбим.

Симдан қувват оласан,
Ойнабанд, оқ хонасан,
Одам ташиб еламан.

Қўлларим рулда бўлиб,
Кўзларим йўлда бўлиб,
Бекат ошиб еламан.

Ғурт гилдирак пириллаб,
Ҳайдайман тез,
пириллаб,
Меҳри-зеҳним хизматда.

Элни севдим қалбимдан,
Раҳмат олиб ҳаркимдан
Мен ҳам доим иззатда.
Троллейбус,
Троллейбус,
Менинг роҳатим,
гаштим,
Сен билан азиз касбим.

МАҲОРАТ қирралари

Аваз ўзининг ажойиб маърифатпарварлик шеърлари ва инқилобий-демократик руҳдаги асарлари билан ўзбек классик адабиётининг Хоразм адабий муҳитида демократик адабиёт мактабига асос солди. Аваз жаҳолатга қарши маърифат, жабр-зулм, ҳақсизликка қарши эрк-ҳуррият байроғини кўтариб чиқди. У эксплуататорларга қарши ғазаб-нафрат билдирди, халқни инқилобга, қўлга қурол олишга, қуролли кўзғолонга чақирди.

Ҳаётдаги антагонистик зиддиятлар Аваз ижодида ҳам ўз ифодасини топди. Бу жиҳатдан, қуйидаги мисралар диққатга лойиқ:

Фиғонким, мунъадим бўлди жаҳондин айшу роҳат ҳам,
Яқолди ушбу оламдин бори иззат, адолат ҳам.
Халойиқ молу мулки юз тутиб торожу яғмога,
Бўлиб хон нафсига қурбон бори номуси иффат ҳам.
Адатсиз хонадонлар чулғаниб мотам либосига,
Бўлиб жон қасдига мойил ҳукумат ҳам, сиёсат ҳам.

Аваз шеърларида «фирқа», «инқилоб», «ҳуррият», «Инқилоб офтоби», «ватан озодлиги», «ватанпарвар фирқалар», «фидойи халқим», «фидо миллат», «Ол байроқни», «зўр курашга», «ёндир тахтни», «қуролни ол», «ўт қўйинг», «намойиш қил» каби инқилобий ҳаракат билан боғлиқ сўзлар ва хитоблар, ҳайқириқлар бор. Чунончи, қуйидаги мисраларни эслайлик:

«Ватанпарвар фидойи фирқалар то бўлмайин пайдо...»
«Ҳамишаки даврон қилур инқилоб...»
«Бор умидим: тезда бўлғуси ҳуррият куни...»
«Қуролни ол, мард йигитлар, мардоналар!»
«Ўт қўйинглар Нуруллавой тахтига...»

Мазмун билан шаклнинг диалектик бирлиги ҳар бир бадиий асарнинг муваффақиятларини белгилайди. Мазмун ҳар қанча чуқур, оригинал, актуал бўлса-да, агар у ўзига мос, мувофиқ шаклда ифодаланмаса, асар бадиий жиҳатдан оқсайди, айни замонда, у ўқувчини ўзига торта билмайди. Ҳар қандай пишиқ, пухта мазмунли бадиий асар ўзига мос шаклни талаб қилади. Демак, шакл асарга бадиийлик бахш этадиган, унинг тўлақонли бўлишини таъминлайдиган энг муҳим шартлардан биридир.

Бадиий асарда образ яратиш, ўхшатиш, сифатлаш, метафора, муболаға, жонлантириш, мажоз, сўз ўйини, киноя, қочирим, тараққий, бадиий тил ва бошқа тасвирий воситалар катта аҳамиятга эга. Булар санъаткорнинг ўз ғоявий мақсадини амалга ошириш учун восита бўлади. Зеро, шоирлар бадиий-тасвирий воситаларни ўринли қўллаб, гўзал, мароқли асарлар ёзадилар. Аваз ғазалларининг жозиба кучини унинг бадиий-тасвирий воситалардан кенг фойдаланганлигидан ҳам ахтариш ўринлидир.

Демократ шоир ғазалларининг марказий образи асл инсондир. Аваз ўз ёрининг чин инсон эканини ифтихор, мамнуният билан тасвирлайди. Шоир ҳаёт, инсон гўзаллигини афсонавий жаннат, ҳатто, ҳавзи кавсар, оби ҳайвондан устун қўяди, чунки шоирнинг ёри ҳақиқий инсондир. Аваз «мажлис аро», «лаъли шакарҳо» сўзлари орқали ўзи севган маҳбубани, «жонбахш саҳбо» сўзи воситаси билан эса, конкрет ҳаётни улуғлайди. У воқеа, ҳодиса ёки қаҳрамонлар тўғрисида китобхонда чуқур таъсир қолдириш ниятида янги ўхшатишларни топишга ҳаракат қилади.

Ойинаи таъбим эди тийра аламлар зангидин,
Сайқал бериб лутф ила ул қўзгуга пардоз этдилар.
Ваҳ найлайинким, эй Аваз, ул дилраболарнинг бари,
Сўнгра яна жабру жафо ойинин оғоз этдилар.

Шоир байтнинг биринчи мисрасида ёр юзига ташбеҳ беради. Қизиғи шундаки, ошиқ шоир ойнага қараганда (яъни ёрга қараганда), бу вақт унинг ўз юзи ҳам, ёр юзи ҳам ойнага тенглашади, севгилисининг илтифотсизлигидан, энди ойнага ўхшаган шоирнинг кўнгли ҳижрон алами билан заңглайди, бечора ошиқ бу аламдан кўнгли хиралашади, қайғуга тушади. Аммо иккинчи мисрада эса, шу бевафо маъшуқа ошиққа лутфаи вафо қилиб, шоирнинг заңглаган, хиралашган ўша ойинаи кўнглига сайқал беради, вафо кўрсатиб, илтифот меҳри билан кўнгил ғуборини йўқотади, шоир ғамдан фориғ бўлади.

Аваз ғазалларида сифатлашлар ҳам кўп учрайди. Зеро, бадиий адабиётда, хусусан, шеъриятда кўп қўлланиладиган, шеърга жило, ҳусн бахш этадиган тасвирий воситалардан бири сифатлашлардир.

Оразу лабинг узра хатту холму, эй маҳ,
Ёздиларму ё гулгун қоғоз узра ахзар хат.

Байтдаги «гулгун», «ахзар» (кўк, яшил) сифатлашлари орқали шоир «қоғоз» (юз) «хат» (мактуб) маъносида келган сўзларнинг белгиларини аниқлайди, тўлдиради, натижада тасвирнинг ғоят жозибали бўлишини таъминлайди.

Классик шеъриятимиз тарихида мавжуд тасвирий воситалардан яна бири тараққий ёки ривожлантиришдир. Шоир санъаткор тараққий усули орқали воқеа, ҳодиса ёки кишилардаги белги хусусиятларни «балки», «аксинча» каби терс боғловчилар орқали кетма-кет бўрттириб, тасвирдаги воқеанинг аҳамиятини тағин ҳам улуғлайди.

Ҳўблик сипеҳрида офтоби рахшонсан,
Ваҳ, ғалат дедим, эй жон, балки жисм аро жонсан.
Ё қизил либос ила ўзни айладинг малбус,
Лаъл ранг шафақ ичра ёки моҳитобонсан.

Шоир биринчи байт мазмуни орқали ёр юзини гўзаллик осмонининг қуёшига қиёслайди. Аммо ўз ёрини чексиз севган шоир ёрни қуёшга тенглаштириш билан қаноатланмайди. Иккинчи мисрадаги «балки» боғловчиси воситаси билан, уни ўзининг жисмаро жонига тенглаштиради. Шоир кейинги байтнинг биринчи мисрасида ёрни бошдан-оёқ қизил либосга бурканганлигини тасвирласа, байтнинг сўнгги мисрасида шу қизил либосли ёрни лаъли ранг шафақ ичра ўйнаган ойга ўхшатади. Бу ерда шоир маҳбубанинг зоҳирий латофатини оригинал тасвирий воситалар орқали бадиий жонлантиради.

Авазнинг шеърларида бизнинг диққатимизни ўзига тортадиган иборалар, нозик киноялар, мажоз, қочирим, сўз ўйинлари ва жонлантириш намуналари анча. Бу жиҳатдан қуйидаги мисралар жуда характерли:

Очдию гул ерга тушди, ғунча ҳайратдан оғиз,
Боғ аро ё лаъл рухсорин намоён этгуси.
Гул терарда бўса айлаб, ғунча оғзи илгини,
Сарбасар жонимни рашк ўтига сўзон этгуси.

Парчада «боғ ё аро лаъли рухсорин намоён» этган гўзални кўрган гул хижолатдан ерга узилиб тушади. «Лаъл лаб»ни кўрган ғунчанинг эса ҳайратдан оғзи очилиб қолади. Моҳирона чизилган бу лавҳа табиат билан инсон ўртасидаги азалий алоқаларнинг энг гўзал, мумтоз намунасига айланади. Шеъриятда, гўзалнинг жуда кичик, чиройли лаби энди аранг ҳанда ураётган ғунчага ташбеҳ берилади. Бу ерда аксинча, ғунча ўша нафис лабни кўриб, хижолатдан оғзини очиб юборади. Бу фикрни банднинг иккинчи байти янада тўлдиради. Шоир гул теришда ғунча оғзига тегиб ўтган ёр илгини ғунчанинг ёр илгидан бўса олганга ўхшатади, тасвирда ғоят нозик ўхшатиш, жонлантириш ва ажойиб муболаға қўллашга эришади.

Шукрки: келди, туман минг файз ила келди баҳор,
Қилғали сартосар оламни(нг) ичини лолазор.
Ҳуррамутар бўлдилар барча набототу шажар,
Айланиб коми дилича чарх элни кинакор.

«Туман минг файз», «ҳуррамутар», «сартосар», «лолазор» каби ўйноқи мазмунли сўзлашлар «Баҳор» образини тўлдириб келади. Аваз баҳорни мадҳ этишда табиатнинг қонуниятларидан келиб чиқиб тасвирлайди:

Шоҳи анжумким тузиб мажмуъи қавкабға низом,
Кўҳни рахший тезрафторига чун бўлди сувор.
Муштарий бирла видо айлаб чу буржу ҳут аро,
Айлади майдони Миррихи ҳамал сори гузор.
Соати наврўз киргач, ҳақ таоло сунъидин
Бир-бирига вазн аро тенг бўлдилар лайлу наҳор.

Парчада астрономик воқеа акс эттирилган. Фалакиёт илмига кўра, Зуҳра, Қуёш, Миррих, Муштарий, Зуҳал каби сайёралар бўлиб, шулардан Қуёш ўз таъсирчан кучи билан барча сайёраларга етакчи, гўё подшо ҳисобланади. Шоир талқинича, барча сайёраларга низом тузиб берган Қуёш кўкнинг тезрафтор остида кезиб, муштарий (қиш) билан хайрлашади, Миррих (ҳамал)га яқинлашади. Қуёшнинг ҳамал майдонига келиши эса, баҳор келиб, наврўзи олам бўлганини кўрсатади. Бундай вақтда кеча-кундузнинг узун-қисқалиги тенглашади. Аваз астрономия фанига доир маълумотларни албатта, ўз даври тушунчасидан келиб чиқиб ёзади.

Аваз ўз ғазалларида поклик, виждонлилик, садоқат, севги, вафодорлик, тўғрилик, меҳр ва ихлос каби олижаноб инсоний фазилатларни улуғлайди, кишиларни тўғриликка, самимийликка чақиради, ўз мақсадларини гўзал бадиий-тасвирий воситалар орқали ифодалайди. Шоир ўз даври ишқий лирикасини юқори чўққига кўтара олди. Унинг маҳорат мактаби ҳар қанча ўрганишга арзийди.

Валижон МИРЗАЕВ,
филология фанлари кандидати

Ҳамза номидаги ЎзССР Давлат мукофотининг лауреати, ганч ўймакори Анвар Қулиев.

В. Дубровский фотоси

Усталар

Қадимий ва навқирон Самарқанд азалдан ўз халқ амалий санъати усталари билан машҳур. Лекин улар фақат бизнинг замонамизда чинакамига қадр топди. Халқ амалий санъатини янада ривожлантириш мақсадида, Самарқандда бундан икки йил муқаддам зоналараро «Уста» бирлашмаси ташкил этилгани ҳам шундан далолат беради. Бирлашмада халқ амалий санъатининг кулолчилик, заргарлик, мисгарлик, каштачилик, зардўзлик, ўймакорлик, ганчкорлик, наққошлик каби 12 турининг 127 вакили ижодий меҳнат қилмоқда.

Ганчкорлик ва наққошлик каби санъат турлари ривожи натижасида республикамиз меъморчилигининг миллий қиёфаси янада ёрқинлаша бошлади. Тошкентдаги «Самарқанд» чойхонаси, Фазонн илмий тадқиқ қилиш радиорасадхонасининг мажлислар залн, В. И. Ленин номидаги Тошкент метрополитенининг яқинда ишга тушадиган Алишер Навоий номли станциясига ишланган ўймакорлик, нақшинкорлик ишлари фикримиз тасдиғидир.

Бирлашма усталарининг ўзига хос асарлари халқаро кўргазмаларда, СССР халқ ютуқлари кўргазмасида муваффақиятли намойиш этилаётир. Яқинда самарқандлик усталар анъанавий «Самарқанд ерининг саховати» кўргазмасининг биринчи даражали дипломи билан тақдирландилар.

Турғунбой ҒОЙИПОВ

«Чўл ҳокими»

ЭРТАК

Бор экан, йўқ экан, бир искабтопар бўлган экан. Ғингиллаб учиб юриб, чўлга келиб қолибди. Чўлни аввал кўрмагани учун атрофга ажабланиб назар ташлабди. Қараса, устига тоғарачага ўхшаган нарсани тўнкариб олган жонивор қумлар орасидан кетиб бораётган эмиш. Искабтопар унинг атрофида учиб, ғингиллаб:

— Қандай жонзотсан, ошна? Елкангда олиб кетаётганинг нима? — деб сўрабди.

— Мени Тошбақа дейдилар,— жавоб берибди жондор.— Устимдаги нарса — уйим, у мени ёғин-сочиндан, оёқлар зарбидан, тиш ва нишлардан сақлайди. Хўш, ўзинг кимсан?

Искабтопар Тошбақанинг елкасига қўниб, сўз бошлабди:

— Оҳ-оҳ, асти сўрама, биз искабтопарлар тухум қўйиб кўпаядиган гўзал ботқоғимиз устида қора булутдек учиб юрардик. Ким ботқоғимизга яқин келса, ёпирилардик-да, у кимсанинг қонини сўрардик, ўзини безгак касалига мубтало қилардик...

Искабтопар нафасини ростлагач, ҳасратини айтишда давом қилибди:

— Бирдан... ботқоғимиз ёнига Боғбон бобо деган тинимсиз чол йигит-қизларни бошлаб келди. Барчалари ишга киришиб, ботқоғимизни қуритиб, ўрнига боғ яратдилар. У боғларда бизни тутиб ейдиган қушлар пайдо бўлди. Ҳаётимиз хавф остида қолди. Тирик қолган искабтопарлар ҳар томонга тарқалишдик. Мен ҳеч қайдан бошпана тополмай, охири шу жойга келиб қолдим. Ҳурматли Тошбақажон, менга ақл ўргат!

Тошбақа таассуф билан бош чайқабди:

— Нимасини айтасан, ўша одамнинг дастидан чўлимиз ҳам тобора қисқариб бораётир. Чўлсиз қандай яшашимни сира тасаввур қилолмайман. Яхшиси, Илоннинг ёнига борайлик. У бирон чорасини топар...

— Илон деганинг ўзи ким?— сўрабди Искабтопар ажабланиб.

— Сен ҳали Илонни танимас экансан-да. Мен: «Уни бутун дунё билади», деб ўйлардим. Чўлда Илондан катта ва кучли маҳлуқ йўқ. Қани, юр, унинг олдига маслаҳатга борамиз.

Тошбақа қумлар орасидан лапанглаб, Искабтопар эса ҳавода учиб, ғингиллаб олға жўнашибди. Бир жойда тўхтаб, Тошбақа Илонни чақирибди. Қумлар атрофга сочилиб, тошлар шарақлаб, думалаб, улар орасидан баҳайбат қора Илон даҳшатли бошини кўтариб:

— Ким у уйқумни бузган?!— деб оғзини катта очиб қичқирибди.

Тошбақа бўйнини чўзиб:

— Сизни мен чақирган эдим. Кечиринг, Искабтопар хунук хабар топиб келди. Ҳузурингизга маслаҳатга келдик, қочайликми, қолайликми?— дебди.— Ана, Искабтопар ўзи гапирсин! Гапир!

Искабтопар воқеани айтгач:

— Одамни чақиб безгак қилиб, оёқдан йиқитай деб шунча уриндим, бўлмади. Одам мендан ҳам, касалдан ҳам зўр чиқди,— дебди.

— Сен ўзинг кўзга зўрға илашасан-ку, сенинг чақишинг нима бўларди? Мана чақишни, қон ичишни мендан ўрган. Қани, Одамни кўрсат! Мендан қочиб қутулиб бўпти!— Илон қатъият билан йўлга тушибди.

Бир оз юргандан сўнг, унинг юришига етолмай, Тошбақа орқада қолиб кетибди. Бирдан кучли шамол туриб, Искабтопарни аллақаёққа суриб учириб кетибди.

Илон ёлғиз йўлида давом этибди. Чўлнинг энг ичкари жойларида яшагани учун ҳалигача Одамни кўрмаган экан. «Одам қанақа маҳлуқ бўларкин?»— деб ўйлаб, Одамни учратиш умидида атрофга аланглаб олға бораверибди. Бир вақт чап томондаги йўлдан чанг кўтарилибди. Чанг ичидан узун қулоқларини силкитиб, оғзини катта очиб, бақириб, жундор бир ҳайвон чиқиб келибди. Илон уни кўриб нина каби тилини чиқариб, бошини юқорига кўтарганча чириллабди:

— Ҳе, Одам, ҳозир қонингни ичаман!— дебди.

— Ийе, ийе, нима деяпсиз, мен Одам эмасман, Эшакман, у мени ишлатарди, энди одамга керак бўлмай қолдим, ҳамма юкни машина ташияпти...

Шундай дебдию, Эшак шаталоқ отиб чопа кетибди. Илон эса ҳайрон бўлибди. «Шундай катта жониворлар одамдан қўрқса, одам ўзи қандай зўр нарса экан?»— деб ўйлабди. Йўлда яна тўзон кўтарилибди. Тўзон орасидан лўкиллаб катта бир маҳлуқ чопиб кела бошлабди.

Илон унинг қаршисига кўтарилиб:

— Ҳой Одам, тўхта, мен сенга заҳаримни сочаман,— деб қичқирибди.

— Мен Одам эмасман, Туяман!— дебди маҳлуқ.— Ишга ярамай қолибсан, деб Одам мени сўймоқчи бўлган эди. Қочиб бораётирман. — Шундай дебдию, Туя лўкиллаб чопиб ўтиб кетибди. Илон баттар ҳайрон бўлибди. «Киччина Искабтопардан тортиб шундай баҳайбат катта маҳлуққача Одамдан енгилгани жуда ҳайрон қоларли иш-да. Ёки Одамга ҳеч қандай куч қарши туролмасмикин? Бари бир Одамни енгаман!» — деб чираниб йўлини давом эттирибди. Унинг қаршисидан ўн ёшлардаги қизча чиқиб қолибди. Қизча гўзал бир қушчани кўксига босиб турган эмиш. «У ким бўлди экан, ўзи киччина, қўллари митти ёки бу ҳам Одамдан қўрқиб қочиб бораётганларданмикан?»— деб ўйлабди Илон.

— Ҳой, тўхта, сен қандай жониворсан?— деб сўрабди. Қизча Илонни кўриб, ажабланиб тўхтабди. Сўнгра жарангдор товуш билан:

— Вой ановини қаранг-а, мени танимайсанми? Одамман-ку!— дебди.

Ҳайратидан Илоннинг кўзлари ола-кула бўлибди.

— Йўғ-ей! Ўшанча жондорларни енгган сенмисан? Ўзинг жуда нозиксан-ку. Йўқ, йўқ, Одам эканингга сира ишонмайман!

— Куч-қувватим йўқлигини қайдан биласан?— дебди қизча.— Ёки мен билан олишиб кўрган эдингми? Бадан тарбия дарсидан ҳар вақт «беш» баҳо оламан. Югуришдан ҳам ўртоқларимдан орқада қолмайман.

— Ҳмм... Одамман дегин, менга хўб яхши учрадинг-да, сендан Искабтопарнинг ўчини ҳам оламан, сени еб аламимдан чиқаман,— дебди Илон ҳаракатга келиб.

— Тўхта! Мен Одамнинг кичигиман. Мени еганинг билан қорнинг тўймайди. Каттароқ бўлганимда ерсан.

— Кутиб туролмайман, бўлмаса, бундай қилайлик: биласанми — сеҳрдан хабарим бор. Куш зоти кўзларимга қараса бўлди, ўзидан-ўзи оғзимга учиб келаверади. Ишонмасанг, қўлингдаги қушчани менга қаратиб ерга қўйгин, унинг оғзимга қандай учиб тушганини томоша қиласан. Аввал қушчани еяйин, кейин бир гап бўлар,— дебди Илон.

Қизчанинг жаҳли чиқибди:

— Нари тур-эй, сурбет Илон, қушча менинг дўстим-ку. Киши ўз дўстини ҳам ўлимга берарканми? Бу қушча ташналикдан, иссиқдан боши айланиб, ерда типирчилаб ётган экан, кўтариб олдим. Ҳозир ўзим билан бирга кўчат ўтқазувчилар ёнига олиб кетяпман. У ерда қушчам сувга қонади. Боғда сайрайди. Ҳашаротларни қириб, бизга ёрдам беради. Мен бўлсам, енг шимариб, кўчатлар экаман. Шундай шафтолилар экаманки, бир дона шафтолини олиб, пўстини артиб, оғзингга солсанг, оғзингда мойдай эриб кетади. Чўлнинг ҳаммасини мевазор, экинзор қиламиз. Айтганча, сеҳрдан хабардорман, дединг, мен сендан ҳам зўр сеҳргарман.

— А, ростингми? Қандай сеҳрни биласан?

— Сен ҳозир кўзларингни юмасан, мен учгача санайман. Шундан кейин мен уч деганимда сен кўзингни очиб қараб, мени ўрнимда топа олмайсан. Топсанг — еявер.

— Қани кўзимни юмдим, сана-чи!

— Бир...— дебди қизча. Игонга сездирмай қочиб жўнаб кетибди. Илон кута-кута диққати ошиб:

— Санамайсанми, кўзимни юмиб тураверамани?— деб қичқирибди. Қизчадан ҳамон жавоб йўқ эмиш. Кўнглига шубҳа тушган Илон бирдан кўзларини очиб, атрофга аланглаб қарабди. «Ия, одам рости билан кўз олдимдан йўқолди-ку. Осмонга учдимикан, ерга кирдимикан?» — деб ўйлабди.

Бирдан у қизчанинг олисда қочиб бораётганини кўриб қолибди.

— Ҳааа... мендан қочиб қутулиб бўпсан? Бир жазоингни бермасамми?!— Илон қизчанинг ортидан бор кучи билан шувиллаб, тўлғаниб қувибди. Қизча кўчат экаётганлар ёнига чопиб етибди.

— Илон келяпти! Мени қувлаб келяпти! Боғбон бобо, менга ёрдам беринглар!— деб қичқирибди.

Қизчанинг опаси Жамилахон, Жамилахоннинг ўртоқлари, Боғбон бобо қизча қўли билан кўрсатган томонга қарабдилар. Шу пайтда қумларни тўзитиб-сачратиб ҳаллослаб Илон етиб келибди. Лекин кўп кишиларни, турли машиналарни кўриб, тақка тўхтабди. Атрофга аланглабди. Қизча Боғбон бобонинг орқасида турганича, тилини чиқариб, Илонни масхара қилибди.

— Алам қилсин, ҳой илонча!

— Бу ерда ўзи сизга нима керак, болаларни қўрқитиб юрмай жўнаворинг-чи!— дебди Илонга боқиб Боғбон бобо,— бекорчиларни, безориларни ёмон кўрамиз.

Илон дўнг устига кўтарилиб чириллабди:

— Сенлар ҳали кимни мазах қилмоқчисанлар, мени, чўл ҳокими Илон ботирни-я?! Чўлимни экинзор қилишга, сув чиқаришга қандай журъат этдиларинг?! Мен... мен! Қум тоғларини босилдб келиб, барчангизни кўмиб йўқ этмасамми?! Мен... мен! Гармсел бўронлар билан экинларингизни қовжиратиб кул этмасамми, жонингиздан умидингиз бўлса, ҳозироқ жўнанг, мен эмас, сиз жўнанг!

— Вой-бой... Чўлда жуда даҳшатли чўл ҳукмдори «Илон ботир бор» дейишарди, ўша сиз экансиз-да, танишайлик, мен — Боғбон бобоман. Таърифингизни эшитиб, сизга атайи шаҳардан совға олиб келган эдим, шуни бир кийиб кўрасизми-а?

Боғбон бобо тез ўйчага кирибдию, бир ялтироқ тўр сим олиб чиқиб, Илоннинг бошига ташлабди.

— Қани кийиб қаранг-чи...

Илон тўрга ўралиб йиқилибди. Тўрни узмоқчи бўлиб, ўзини ҳар томонга шопиллатиб урибди. Икки йигит Боғбон бобонинг ишораси билан Илонни резинка қопга солиб, машинага элтиб ташладилар. Машина жўнаб кетибди. Қизча Боғбон бобога, дўстларига Илондан қутқарганлари учун раҳматлар айтибди. Бу орада сув ичиб қониб олган қушча ҳам ташналик азобидан, Илон оғзидан қутулганига, дўстлари ёнига омон-эсон етиб келганига қувониб, шўх-шўх сайрай бошлабди. Шу вақтда шамол суриб кетган Искабтопар ғингиллаб учиб шу ерга келиб қолибди. Лекин Боғбон бобога кўзи тушиб, қўрққанидан лабига учуқ тошиб, шошиб қочибди.

Чўлга каналлар қазилиб, сувлар чиқарилиб катта-кичикнинг астойдил меҳнати натижасида у ерлар яшнаб, ажаб серҳосил мевазорга, экинзорга айланибди. Одам ўзининг ўткир ақлига барчани бўйсундирибди. Илон, Тошбақалар ҳайвонот боғида яшамоқдалар. Аламзада Искабтопаргина улар орасида йўқ. Эшитишимча, у ўзига ботқоқ қидириб, чет элларга равона бўлган эмиш...

Олтин шохли кийик

ЭРТАК

А. ХОЛИҚОВ чизган расмлар

Пашша филни бир тепиб, йигирма қадам нарига учириб, юз километр йўл босганмиш. Лекин олтин шохли кийик билан рўй берган воқеа буларнинг ҳаммасидан ҳам қизиқ экан. Кийик катта сой бўйидаги томошабоғда яшаркан. Боғда ундан бошқа ажойиб Товус ҳам бор экан. У булбулдай сайраб, одамдай сўзлай оларкан. Яна у ерда турли тусда товланувчи, йилига бир дона қовун қиладиган дарахт бор экан. Олисдан келтирилган бир барги пушти, бир барги қизил, бир барги яшил, бир барги ҳаво ранг, жуда ҳам ёқимли бўй таратиб турадиган гул ҳам бор экан. Бу нарсалар боғнинг кўркигина эмас, кўпчиликнинг қувончи, ғурури экан. Уларни кўриш учун атайин жуда олислардан саёҳатчилар келишаркан.

Кутилмаганда, кечаси кимдир Товусни ўғирлаб кетибди. Эрта билан боғ хизматчилари буни кўриб, кўп қайғурибдилар. Боғ бошлиғи соқчини чақириб, роса қойибди:

— Кечаси ухлаб қолиб, қарамагансан! Қандай йўл билан бўлмасин, уни топасан!— деб туриб олибди.

Соқчи Товусни қидириб, оёғи куйган товуқдай ҳар томонга югурибди.

Бошлиқнинг дилига ваҳима тушибди: «Қовунимизни ҳам олиб кетишмасин. Ўзим пойламасам бўлмайди!» деб, кечқурун тўрвага нон, пишлоқ, узум, помидор, бодринг, шишада сув, пишган тухум, шафтолиларни солиб олибди. Уйқуси келса овқатлардан еб, тетик бўлиб тонг оттирмоқчи экан. Кеч кириб атрофда ҳеч ким қолмагач, дилига ваҳима тушибди: «Ўғри келиб, менга зиён-заҳмат етказиб ўтирмасин. Кел, яхшиси қовун дарахтнинг устига чиқиб турай. Бирон шубҳали одам келиб қолса, юқоридан туриб бир бақирсам, қўлидаги нарсасини ҳам ташлаб қочади»,— деб ўйлаб, қовун дарахтининг устига чиқиб, оёқ осилтириб ўтириб олибди. Овқат ея-ея қорни шишиб пишиллаб ухлаб қолиб, дарахтдан «гуп» этиб йиқилиб тушибди-да: «Ўғрини ушла»,-деб бақирибди. Лат еган бақинини ушлаб, оқсаб, судралиб четга чиқибди. Эрта билан кишиларга: «Ўғрини роса дўппосладим: қочиб қутулди, энди бу ерга қайта келмайди!»-деб мақтанибди.

Учинчи куни боғдан ноёб гул йўқолибди. Уни томири билан қўпориб олиб кетишибди. Буни кўриб боғ бошлиғи яна соқчини қойибди. Соқчи тонг яқинлашгач, ухлаб қолиб қовунни ҳам олдириб қўйибди.

Соқчининг ўн яшар бир ўғли бор экан. У: «Ўзим пойлайман!» деб кечаси соқчиликда турибди. Ухлаб қолмайин деб, бармоғини сал кесиб, туз сепибди. Тузнинг ачиштирганидан уйқуси келмабди. Ана шундай зийрак бола экан у. Ярим кечадан ўтганда, боққа кимдир кирганини сезибди. Аста дарахтлар орқасига яширинib кузата бошлабди. Шубҳали кимса олтин шохли кийик рақсга тушиб, сакраб ўйнайдиган жойга томон бораётган эмиш. Бирдан у кийикни қозиқдан ечиб олиб, аста етаклаб кета бошлабди. Бола бориб кийикнинг қуйруғига ёпишибди. Уни орқага тортиб, ўғрига дўқ ура бошлабди:

— Кўпчиликнинг мулкини ўғирлаб кетаверасанми? Кийикни бу ёққа бер!

— Йўқол, маҳмадона! Бўлмаса, калтакдан ўласан.

— Калтаклаб кўр-чи!

— Нари тур, дейман!

Буларнинг бағир-буғурига соқчи уйғониб кетибди. У ҳам қўлига паншаха олиб югурибди. Боғ бошлиғи ва яна бир қанча одамлар югуриб келишибди.

Ўғрини ўртага олиб, қўлини орқасига боғлашибди. Ишга терговчилар ҳам аралашибди. Ўғрининг ҳовлисига бориб қарасалар, ноёб гул ҳовлининг бир четида сўлай деб ётганмиш. Товус дарахт остида хафа бўлиб турганмиш. Қовун пўчоқлари эса ҳар қаерларда сочилиб ётганмиш. Ҳовлида ўн тўрт ёшлар чамасидаги сочлари ҳурпайган, ола-була кўйлак, почаси тор шим кийган олифта бир бола бор экан. У отасига:

— Нима гап?— дебди.

— Ўзинг мени мажбур қилиб, кийикни ўғирлаб келишга юборган эдинг, буларга энди ўзинг жавоб бер!— дебди ўғри.

Кишилар билсаларки, бу бола ота-онасидан хоҳлаган нарсасини ундирар, айтганини қилдирар экан. Ота-онаси ҳам: «Буюринг, ўғлим, хоҳлаганингизни дарҳол муяссар қиламиз!» — дейишаркан. Шу боланинг дилига томоша боғдаги қовунни емак ҳаваси тушиб, отасини қовунни ўғирлашга мажбур қилибди. «Товусни ҳам келтириб бер, ҳовлимда томоша қилиб юраман!» — дебди. Отасини гулни ўғирлашга ҳам мажбур қилган экан. Бу сафар у отасини кийикни ўғирлаб келишга юборган экан. Бу безори бола кўпчиликни сира ўйламас экан. Кийикнинг сакраб ўйнаб юришидан, қушнинг сайрашидан, гулнинг очилишидан фақат ўзим завқлансам, дер экан. Ой туғса ҳам, кун туғса ҳам менга бўлсин, дер экан. Дарахт экиш ўрнига синдирадиган, гул экиш ўрнига уни пайҳон қиладиган — шунақалар ҳам бўлар экан! Ўғирлаб келинган нарсалар томоша боғига қайтарилибди. Яна ундан кўпчилик баҳра оладиган бўлибди. Ҳиёнатчиларга қандай чора кўрилганидан хабарим йўқ. Албатта: «Раҳмат», дейишмагандир! Сезгирлиги учун соқчининг ўғлига соат мукофот беришибди.

Чўмилиш қандай масза...

В. Дубровский фотоси

Самарқанд пойафзал фабрикаси ишлаб чиқараётган маҳсулот кичкинтойларга қувонч бағишлайди.

В. Занько фотоси

(УзТАГ)

Суратда: Бўстонлиқ районидаги «Хўжакент» совхозининг тажрибали асалариччиси Умринисо Қўноқова.

В. Портнов фотоси

ШАХ МАТ

Маҳорат чўққиси сари

Бу йил эркаклар ўртасида 49-олий лига) ва аёллар орасида 42-Ўзбекистон чемпионатлари деярли бир вақтда бошланиб, бир вақтда якунланди. Дарвоқе, ўтказилган чемпионатлар сонига кўра Ўзбекистон—қардош республикалар орасида пешқадам. Бу билан фахрланса арзийди.

Иккала чемпионатда ҳам асосан истеъдодли ёшлар қатнашди. Учрашувлар чиройли, қизиқарли ва кескин баҳслар билан ўтди.

Мана аёллар турнирини олайлик. Республика экс-чемпионлари Алла Мкртичан, Флюра Ҳасанова, она-бола Лариса ҳамда Светлана Пинчуклар узоқ сабабларга кўра мусобақада қатнаша олмадилар. Лекин бухоролик Ольга Ким, тошкентлик Азиза Расулева ва Наталья Зинина, чирчиқлик Инга Сафаргалиева, самарқандлик Лола Шакарова каби шахматчилар уларнинг йўқлигини билдирмадилар. СССР, РСФСР ва Ўзбекистон чемпионатларининг кўп марта ғолиби, ҳатто бир вақтлар жаҳон биринчилиги учун талабгор бўлган халқаро гроссмейстер Валентина Борисенкодек забардаст шахматчи ҳам кўпгина учрашувларда бу ёшларга бас келолмай қолди. Айни пайтда ветеранимизнинг билими, тажрибаси ёшлар учун ўзига хос ибрат бўлди.

Ўша учрашувлардан бирининг қисқача тафсилоти шундай: мастерликка номзод Лола Шакарова гроссмейстерга қарши қора доналарни сурган ҳолда голландча ҳимоянинг Ленинград номи билан юритилувчи вариантини танлади. Борисенко асли ленинградлик, бу вариантни ишлаб чиқишда фаол қатнашган шахмат назариётчиларидан. Ўйин бошида уни тўғри йўлдан «чалғитиш» осон гап эмас эди. Лола бунга тактикавий воситалар кўмагида эришди. Эндшпил—ўйин охирларида ҳам самарқандлик шахматчи бўш келмади ва ғолиб чиқди. Лола Шакарова тенгдошлари Азиза Расулева ҳамда Инга Сафаргалиевалар билан биргаликда 2—4-ўринларни эгаллади. Биринчи ўринни ва республика чемпиони унвонини бухоролик мактаб ўқувчиси, мастерликка номзод Ольга Ким олди. У навбатдаги мамлакат биринчилиги саралаш мусобақасида қатнашиш ҳуқуқини берувчи ягона йўлланмани қўлга киритди.

Бу йилги эркаклар чемпионатида, Георгий Борисенконни ҳисобга олмаганда, асосан ёшлар ўзаро баҳслашдилар. Уларнинг куч-ғайрати ва маҳорати курашнинг қийин синовларидан муваффақиятли ўтишга имкон берди. Турнир бошидан то охиригача қизғин ўтди.

Турнирда Валерий Логинов республикамизнинг кучли шахматчиларидан бири эканлигини яна бир бор исботлади. Бу йилги чемпионат ҳам унинг ёркин ғалабаси билан якунланди. У ўн учрашувда ғалаба қозониб, биттасини бой берди, холос. Қолган олти партияда дурангга имзо чекди. Ўзбекистон чемпиони унвонига сазовор бўлди.

Чемпионатнинг дастлабки куни В. Логинов — С. Нодирхонов партиясида қораларнинг 22-юришидан кейин шундай чигал вазият рўй берди.



Шу пайт ўйлаш учун вақти жуда кам қолганига қарамай, Логинов қалавасининг учини йўқотмади, аксинча, тадбиркорлик билан иш кўрди:

23. e6! g6 24. ef+Kpq7 25. f8 Ф+ Кр:f8 26. Фh6+ Крq8 27. Ке6 Кbd5 28. Сс4 Ла8 (28... Л:с4 бўлса, 29. Л:b7. 30. Ф[8 мот) 29. Л:b7 Ф:b7. 30. С:с3 К:с3 31. Кс7+ ва оқлар тезда ғалаба қозонди.

Мамажон МУҲИДДИНОВ,
СССР спорт мастери

5-СОНДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ВА «СОЮЗ Т-10» ДЕБ НОМЛАНГАН ШАХМАТ МАСАЛАЛАРИ ЖАВОБЛАРИ

«С» ҳарфли 1-масала. 1. Лс7! Оқлар иккинчи юришда ўз фили билан қора шоҳни мот қилиш хавфини туғдирмоқда. Бу хавфдан қоралар икки йўл билан — фил ёки аспни юриш билан ҳимояланиши мумкин. Лекин ҳар икки ҳолатда ҳам қора шоҳ икки юришда мот бўлади.

«О» ҳарфли 2-масала. 1. Лd4! Оқ рух уч томонлама рақиб тазйиқи остида қолди! Бироқ, барибир, қоралар «кўргулик»дан қутула олмайди: оқлар иккинчи юришда ё фил, ё рух билан мот эълон қилади.

«Ю» ҳарфли 3-масала. 1. Кf3! Оқ асп қора рухни «ўйиндан чиқарди». Шу туфайли оқлар иккинчи юришда фил билан мот эълон қилиш хавфини туғдирди.

«З» ҳарфли 4-масала. 1. Кg5! Бу юришдан кейин оқлар икки йўл билан — ё асп, ё рух билан мот эълон қила олади.

«Т» ҳарфли 5-масала. 1. Лb1! Биринчи юришда оқ рух чапга қараб икки хона сурилиши керак. Мабодо, оқ рух ўнгга қараб икки хона юрса, у ҳолда, қора шоҳ бўш катакка ўтиб олар ва мот бўлмас эди.

«1» рақамли 6-масала. 1. Сg4! Оқлар шундан кейинги иккинчи юришида рух билан мот эълон қилиши мумкин. Қора асп бу мотга «чап беради». Шунга қарамай, оқлар иккинчи юришда фарзин ёрдамида мот қилади.

«0» белгили 7-масала. 1. е8К!! Оқ пиёда асп бўлди. Агарда оқлар бу пиёдани фарзинга айлантирса, қоралар икки юриш давомида мотдан ҳимояланиши мумкин бўлар эди.

И. БИРБРАГЕР,
шахмат композициялари бўйича СССР спорт мастери

Чақир-чиқанак

Муножот ТОШТАНОВА

ИҒВОГАР

(ЮМАЛОҚ ХАТ ЙУЛЛАЙДИГАН ШАХСГА)

На тонг тароватин ҳис этади у,
На оқшом еллари дилин қитиқлар.
Гуллардан завқ олмоқ бегона туйғу,
Ҳатто тушида ҳам иғво титкилар.

Бировга гап ташир, бировга иғво,
Бировнинг қалбига солиб ўтар дарз.
Шундай бахтли, гўзал ҳаётдан, эвоҳ,
Орқалаб ўтмоқда иғво тўла арз.

Арнасой

— Анови шкафларни кўздан нари қилинг, министрликдан комиссия келармиш...

— Сиз кимнинг пенсиясини олмоқчисиз!
— Бувимлар пенсияларини менга ўтказиб, қоғоз ёздириб берганлар...
— Мен... бобомларнинг пенсияларини оламан...

ЛАТИФАЛАР

Бир маросимда чала муллалардан бири чийиллоқ товушда овозини титратиб қироат келтираверибди. Ўша ерда ўтирган афанди кўзига ёш олиб йиғлайверибди.

— Нима бўлди, афандим,— дебди чала мулла қироатни тугатиб,— менинг овозим сизга шунчалик таъсир қилдими?

— Йўқ, тақсир,— дебди афанди кўз ёшларини артатуриб,— бир эчким бўларди, серсут, серқаймоқ эди. Яқинда ўлиб қолди. Сизнинг овозингизни эшитиб, ўша эчким эсимга тушиб кетди...

* * *

Умр бўйи ҳамманинг кўнглини оғритиб юрадиган бир дилозор кексайганда афандимдан ошнасига шундай дебди:

— Тилим қурғурнинг аччиқлигидан ҳамма таниш-билишларимни бездириб юбордим, ўзимга маълум. Мабодо ўлиб қолсам, видолашувга ҳечким келмайдими, деб қўрқаман-да.

— Аввал ўлиб кўргинчи, кейин маълум бўлади-да,— дебди ошнаси.

* * *

Афанди қовун харид қилиш учун бозорга борибди. Қовун бозорини айланиб, селитрага тўйиб пишган қовунларни кўздан кечириб юрибди. Бир маҳал қовунфурушлардан бири унга таниш чиқиб қолибди-да, қисқагина суҳбатлашибдилар.

— Ҳамма ерим оғрийди,— дебди қовунфуруш гап орасида.— Бод касалига чалиниб қолдим. Биронта дорихонага кириб, дори-дармон сўрамоқчиман.

— Дорихонада нима қиласиз, дорининг кўплигидан шу аҳволга тушгансиз, ошна,— дебди афанди киноя билан.— Ахир, ҳар бир қовунингизнинг ўзи битта дорихона-ку!

* * *

Насриддин афанди кўчада хомуш ҳолда келаётган эски танишини учратиб қолди.

— Ҳа, ошна, хафароқ кўринасиз?— деб сўради афанди.

— Театрга билет олиб қўювдим,— деди афанднинг эски танишн.— Чойхонада ошхўрлик қилиб, кечга қолдим. Театрга киритишмади. Тарвузим қўлтиғимдан тушиб қайтиб келаяпман.

Насриддин афанди танишининг ҳолига ачиниб турди-да:

— Эсизгина, тарвузингиз қаттиқроқ ерга тушган бўлса, ёрилиб кетгандир!— деди.

Салоҳиддин СОЛИЕВ

ОФАРИН

ҲАНГОМА

Автобус бекатида йўловчилар гаплашиб турибди. Кўча ўртасида шоп мўйловли навбатчи—ГАИ инспектори таёғи, мўйлови, кўзи билан йўл ҳаракатини бошқараётир. Шу пайт навбатчи чурилламб ҳуштак чалади, қонданн бузган машина ҳайдовчисига: «Тўхта!» ишорасини қилади. Бекатда турган йўловчилар афсусланадилар.

1-йўловчи. Э, аттанг, бояқишнинг шўри қурийдиган бўлди-я!

2-йўловчи. Шопир бошқа шаҳарликка ўхшайди.

1-йўловчи. Ишқилиб талонидан дарча очиб қўймаса эди.

2-йўловчи. Меҳмон экан, бир сафар кечирса бўларди.

1-йўловчи. Мана ҳозир кўрамиз, старшинанинг ҳимматини. **(Кўриниши-дан содда ҳайдовчи йўл-йўлакай ён чўнтагини кавлаб, югуриб келади, старшина честь беради).**

Навбатчи. Старшина Тошпўлатов. Ҳужжатингизни кўрсатинг! **(Ҳайдовчи ҳужжатини узатади, старшина уни олиб варақлайди, кейин овоз чиқазиб ўқийди).** Йигиталиев Усмонали Мамадалиевич. **(Ўйланиб).** Таниш исм-фамилия. Расм ҳам кўзимга иссиқ кўринаяпти. **(Ҳайдовчига қарайди).** Қаерда кўрганман, сизни, ошна?

Усмонали. Мен ҳам сизни бир ерда кўргандайман.

Старшина. Тўхтанг, тўхтанг, сиз етмиш тўртинчи йили қаерда дам олган эдингиз? **(Ўйланиб).** Э... бўлди, бўлди, сиз билан Ялтада дам олган эканмиз. Дўстим, Усмонали!

Усмонали. Азизим, Милтиқбой! **(Иккаласи қучоқлашади, бир-бирларинн юқори кўтаришади. Уларнинг ҳаракатинн кузатиб турган йўловчилар ёқаларини ушлашади).**

1-йўловчи. Ёпирай, тушимми, ўнгимми?

2-йўловчи. Шу ёшга келиб, қоидабузар ҳайдовчи билан автоинспекторнинг қучоқлашганини биринчи кўришим.

1-йўловчи. Иккаласи божа бўлса-я?

2-йўловчи. Йўғ-е, божалар қучоқлашармиди, ҳамшаҳар бўлишса керак.

1-йўловчи. Қани, яқинроқ бориб, гапини эшитайлик-чи?

2-йўловчи. Тавба, ҳалиям кўзларимга ишонмаяпман. **(Иккаласи уларнинг ёнига яқинлашади).**

Навбатчи. Бормисиз, дўстим, қачон келдингиз?

Усмонали. Ҳозир келиб туришим. Ўғилчанинг бошини иккита қилаяпмиз.

Навбатчи. Ҳой, ҳой, унақа қалтис гапирманг, уйлантираяпмиз денг.

Усмонали. **(Кулиб).** Ҳа, уйлаяпмиз, сизларни тўйга айтгани келдим.

Навбатчи. Муборак бўлсин, муборак бўлсин!

Усмонали. Қуллуқ. Тўйга борасизми, азизим?

Навбатчи. А как же? Қиёматлик дўстимиз тўй қиладию бормаймизми? Тўйда тартиб-интизомни ўзим бошқараман, хотиржам бўлаверинг.

Усмонали. Раҳмат, азизим, кутаман.

Навбатчи. Ҳозир қаёққа кетяпсиз?

Усмонали. Уч-тўртта кўнгил яқин оғайниларни тўйга айтаман, яна ўйинчи, ашулачи дегандай...

Навбатчи. Бугун бизга қўноқ бўласизми?

Усмонали. Раҳмат, дўстим, келаси сафар. Бугун жўнаб кетишим керак.

Навбатчи. Ҳим... майли, узрингиз бўлса, нима ҳам дердик.

Усмонали. **(Ҳужжатга қўл узатиб).** Энди менга рухсат.

Навбатчи. **(Бирданига жиддийлашиб).** Тўхтанг, ўртоқ Йигиталиев, сабр қилинг, ҳамма нарушение шошилиш натижасида бўлади. Хўш...ш, мен сизга айтсам, шахсан кўча қоидасини бузсангиз. Дўстлик — ўз йўлига, қонун — ўз йўлига. Так что, штраф тўлайсиз.

Усмонали. **(Ажабланиб).** Қиёматлик дўстингиздан жарима олгани уялмайсизми?

Навбатчи. Қоидани бузса, бизлар отамизни ҳам аямаймиз.

Усмонали. Жуда тўғри қиласизлар. **(Ёнини ковлаб).** Биздан неча сўм?

Навбатчи. Уч сўм!

Усмонали. **(Пул узатиб).** Марҳамат, қиёматлик дўстим.

Навбатчи. **(Пулни олиб, квитанция беради).** Эсингизда бўлсин, яна қоидани бузсангиз, каттароқ штраф тўлайсиз.

Усмонали. **(Қўли кўксида).** Хўп бўлади, Милтиқбой ака, ундан каттароқ жазога ҳам розиман!

(Навбатчи честь беради. Усмонали кетади. Уларни кузатиб турган йўловчилар кулиб юборишади).

1-йўловчи. Ана сизга ошналар!

2-йўловчи. Офарин, старшина!

Абдулла ИСОМИДДИНОВ

Изоҳга ҳожат йўқ.

Расмларни А. ХОЛИҚОВ чизган.

Наполеон кемалари

Июнь ойидан бошлаб Миср — Франция экспедицияси Ўрта Ер денгизи яқинидаги Абу-Кир портида 1798 йили Англия эскадрилияси томонидан чўктириб юборилган Наполеон кемаларини сув остидан алоҳида қисмларга бўлиб олиб чиқади. Сўнгра махсус лабораторияга кўригидан ўтказилгандан сўнг, кемалар қайта тикланади. Шунингдек, бу ерда дунёда энг катта ҳарбий кемалар музейи ҳам ташкил этилади. Музей экспонатлари ҳам асосан денгиз сув остидан кўтарилган ҳарбий кемалардан иборат бўлади.

Бол ҳайкали

Ричмонда шаҳрининг (АҚШдаги Виргиния штати) марказий майдонида граждандар урушн даврида жанублик қўзғолончиларнинг йўлбошчиси Роберт Эдуард Лига ўрнатилган ёдгорликни таъмирлашни тажрибали меъмор ўз зиммасига олди. Ҳайкални таъмирлаш жараёнида уста бронза ҳайкал ичида ниманингдир бўғиқ овозини эшитгандек бўлди. Разм солиб, ҳайкалнинг бурун тешикларидан асаларилар тинимсиз чиқиб-кириб турганлигини кўрди.

Ҳайкал ичидан 250 килограммдан зиёд олий нав асал йиғиб олинди.

Қоя устидаги қалъа

Яман Халқ Демократик Республикасининг Ал-Мукал порт шаҳридан сал нарида қадимий қалъа салобат билан кўкка бўй чўзиб турибди. Қалъа чўққидаги қоя устига қурилган.

Юк машинасини ўғирлашди

Энг каттаси 12 ёшда бўлган уч қизалоқ Колорадо штатидан (АҚШ) юк машинасини ҳайдаб олиб қочишди. Улар бу машинада Канзас, Миссури, Иллинойс ва Индиана штатларини босиб ўтишди. Шуниси қизиққи, бу «ҳайдовчилар»га бирорта ҳам йўл назорати полицияси эътибор бермади.

Айиқлар камаймоқда

Пиренеяда қўнғир айиқларни овлаш жуда қадимдан одат тусига кирган. Бугунга келиб, Франция ва Испания ҳукумати мазкур оролда «маймоқ»войларни овлашни тақиқлаб қўйди. Лекин қўнғир айиқларни овлаш ҳамон шафқатсизлик билан давом этмоқда. Агар 1937 йилгача Пиренея оролларида 200 та қўнғир айиқ ҳисобга олинган бўлса, бугун эса, бор-йўғи... бешта қўнғир айиқ қолган холос.

Ўтда ёнмас ва эримас

Венгрия Халқ Республикасининг Варпалата кооперациясида ўт ўчирувчилар учун алюминдан ясалган янги уст-бош ишлаб чиқилди. Бу уст-бош 500 даражагача иссиқликка чидайди, эримайди.



КРИПТОГРАММА

Криптограммани очқич сўзлар ёрдамида ҳал этсангиз, ўзбек маърифатпарвар ва революцион-демократ шоири Аваз Ўтар қитъаларидан бири ҳосил бўлади.

I. Аваз Ўтар туғилган шаҳар — 18, 5, 19, 1.

II. Шоирнинг инқилоб ғояларини тарғиб этган шеърларидан бири — 20, 15, 11, 21, 9, 8, 5, 2, 13, 8, 1, 6.

III. Аваз Ўтар шеъри билан айтиладиган Хоразм халқ қўшиғи — 9, 23, 5, 8, 12, 5, 8, 9, 8, 1.

IV. Шарқ классик шеъриятида кенг тарқалган жанр — 6, 7, 10, 9, 5, 22.

V. Аваз Ўтарнинг эски тузум ноҳақликларини фош этувчи манзумаларидан бири — 17, 16, 13, 5, 8.

VI. Аваз Ўтар ижодидан илҳомланган шоир ва бастакор — 23, 9, 4, 1, 6.

VII. Машҳур ўзбек халқ достони — 1, 8, 24, 9, 3, 5, 14.

Тузувчи: Ф. ОРИПОВ

5-СОНДА БОСИЛГАН КРИПТОГРАММАНИНГ ЖАВОБИ

Очқич сўзлар: I. Деҳиканор. II. «Гул ва Наврўз». III. «Зафарнома». IV. Яман. V. Наводий. VI. «Ироқ». VII. Мунис. VIII. Адабиёт. IX. Лапар.

Қўргамен ногаҳ янгоқинг дардини,
Тортгамен кўзга аёқинг гардини.
Топқамен, деб, паслидин ул кун даво,
Тортарам доим фироқинг дардини.

ЛУТФИЙ

МУҚОВАДА:

Биринчи бет: СССР Олий Совети депутати, СССР Олий Совети Иттифоқ Совети Раисининг ўринбосари, Ангрен Шаҳарсозлик бошқармасининг бўёқчиси Хайринисо Норматова (журналимизнинг шу сонидаги «Олов қалбли қиз» мақоласини ўқинг).

Учинчи бет: Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг VIII Тошкент халқаро кинофестивали қатнашчиларидан (чапдан ўнгга) Заке Домоч (афғонистонлик киноактёр), Д. Мендбаяр (монголиялик, драма театри актёри), Траоре Фанта (Сенегал Телевидение ва радио эшиттириш студиясининг директори) ўзаро суҳбатлашмоқдалар.

Фестиваль иштирокчиларининг бир группаси Тошкент шаҳрининг диққатга сазовор жойларида сайр этмоқда.

Тўртинчи бет: Тоғлар баланд, сувлар тошқин. Жонга туташ манзаралар. Тўлқинлар қўйнида.

Н. Шарипов фотолари

Редакцияга келган бир босма тобоққача бўлган материаллар авторларга қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга «Гулистон»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Бу сондаги баъзи мақолаларни тайёрлашда «Правда», «Известия» газеталари, шунингдек, «Наука и жизнь», «Вокруг света» журналларининг айрим материалларидан фойдаланилди.

Бош редактор МИРМУҲСИН

Редколлегия: Сарвар АЗИМОВ, Баҳодир АМИНОВ, Наримон ИБРОҲИМОВ (бош рассом), Маҳмуд МУЙДИНОВ, Анвар САИДУМАРОВ, Саид ШЕРМУҲАМЕДОВ, Комил ЯШИН, Азиз ҚАЮМОВ, Муҳаммадали ҚУШМОҚОВ (масъул секретарь), Исломиддин ҲАЙДАРОВ, Оқилжон ҲУСАНОВ (бош редактор ўринбосари), Ҳаким ҲУСНИДДИНХЎЖАЕВ.

«Гулистон» — ежемесячный, общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).
Адресимиз: 700000, Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41.

Редакция телефонлари: бош редактор — 333520; бош редактор ўринбосари — 333590; масъул секретарь — 325833; ижтимоий-сиёсий бўлим — 333602; адабиёт ва санъат бўлими — 333659; фан ва маданият ҳамда рассомлар бўлими — 325832.

Босмахонага топширилди 15.06.1984 й. Босишга рухсат этилди 18.07.1984 й. Р—09327. Қоғоз 70×108¹/₁₆. Ботиқ усулда босилди. Шартли босма тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Тиражи 233510. Буюртма № 3872. Нашр Б-116.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000. Тошкент. ГСП, «Правда Востока» кўчаси, 26.

ОСИЕ АФРИКА ВА ЛОТИН АМЕРИКАСИ
Тошкент·84
МАМЛАКАТЛАРИ КИНОФЕСТИВАЛИ
ГОСТИНИЦА УЗБЕКИСТОН МЕХМОНХОНАСИ
HOTEL UZBEKISTON

ISSN 0434—2207
Баҳоси 35 тийин
Индекс 75233.